Мўминов Зокиржон Одилжонович

# ИЧКИ МИГРАЦИЯ ЖАРАЁНЛАРИДА КАСБИЙ МОБИЛЛИКНИНГ ҲУДУДИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ,
ФАН ВА ИННОВАЦИЯЛАР ВАЗИРЛИГИ

НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

# ИЧКИ МИГРАЦИЯ ЖАРАЁНЛАРИДА КАСБИЙ МОБИЛЛИКНИНГ ҲУДУДИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

Наманган-2023

316.3 (575.1)
ББК: 60.7
К - 18

**Ички миграция жараёнларида касбий мобилликнинг ҳудудий хусусиятлари. “Усмон Носир Медиа” нашриёти, Наманган-2023**

**ББК: 60.7**

**Монография.**

Жаҳонда кечаётган ички миграция жараёнлари бир томондан умумий тенденцияларга эга бўлса, иккинчи томондан у хусусийлик тамойиллари билан характерланади. Ички миграция давлатлар, регионлар учун хусусий ҳолат бўлганлиги учун у умумий ва алоҳида кўринишдаги миграцион жараёнларнинг ўзига хос жиҳатларини ижтимоий-иқтисодий ҳолат сифатида ифодалайди. бу ривожланган, ривожланаётган давлатлардаги миграцион жараёнлар статистикаси ва динамикасида яққол кўзга ташланади. Ички мигрантларнинг географик мобиллиги жамият ҳаётини ислоҳ қилишнинг зарурий шарти ҳисобланиб, ундаги ўзига хосликда эса муҳим жиҳатни мигрантларнинг касбий индикаторлари ўйнайди.

Монографияда ички миграция жараёнларини касбий мобиллик даражаси ва ҳудудий хусусиятларини социологик ўрганиш мезонлари ишлаб чиқилган ҳамда ҳудудлар мотиви ва механизмларининг универсал-концептуал методологик назарияси аниқланган, мамлакатимизда ички миграция жараёнларининг ҳудудлардаги урбанизация ҳолати, социал-иқтисодий инфраструктураси. шаҳар ва қишлоқ жойларида коммуникацияни ривожлантириш даражаси билан касбий мобиллик ўртасидаги корреляцион боғлиқлик ҳолати кўрсатилган, ички миграция жараёнлари интеграциясининг ривожланиш хусусиятларини детерминлаштирувчи омил сифатида функционал муносабатларни институционал бошқариш стратегик усуллари кўрсатиб берилган.

Монография ушбу соҳада фаолият юритувчи илмий ходимлар, бакалавр ва магистр талабалар учун мўлжалланган.

Монографияда 7 та жадвал, 20 та расм, 151 та манба ва адабиётлардан фойдаланилган.

**Масъул муҳаррир:** **с.ф.д., доцент Ф.Я.Пармонов**

**Тақризчилар:** **с.ф.н., доцент А.Х.Абдулазизов**
**с.ф.б.ф.д. (PhD) М.М.Содиржонов**

Монография Наманган давлат университетининг Илмий Кенгаши томонидан тавсия этилган.

2023 йил 10 июньдаги 6-сонли йиғилиш баёни

*ISBN:978-9910-743-02-3*

**© Мўминов Зокиржон Одилжонович**
**©“Усмон Носир медиа” нашриёти,**
**©Наманган-2023**

## МУНДАРИЖА

**КИРИШ** .......... 4

**I БОБ. КАСБИЙ МОБИЛЛИК ОМИЛИНИ ЎРГАНИШНИНГ НАЗАРИЙ-МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ** .......... 6

1.1-§. «Касбий мобиллик» тушунчаси: социологик хусусияти ва назарий асослари .......... 6

1.2-§. Касбий мобиллик омилини тадқиқ этишнинг методологик жиҳатлари .......... 19

1.3-§. Ички миграция жараёнларида шаҳар ва қишлоқ мигрантлари касбий мобиллигининг социал ҳолати .......... 32

Биринчи боб бўйича хулосалар .......... 42

**II БОБ. ИЧКИ МИГРАЦИЯ ЖАРАЁНЛАРИДА КАСБИЙ МОБИЛЛИКНИНГ ИНСТИТУЦИОНАЛ ДИНАМИКАСИ** .......... 44

2.1-§. Ички ва ташқи миграция жараёнларини ташкиллаштириш ва бошқариш функциялари .......... 44

2.2-§. Ички миграция жараёнларида касбий мобилликнинг парадигмал ўзгаришлари .......... 68

2.3-§. Ички миграция жараёнларида хорижий тажрибанинг ривожланиш тенденциялари .......... 77

Иккинчи боб бўйича хулосалар .......... 88

**III БОБ ЎЗБЕКИСТОНДА ИЧКИ МИГРАЦИЯ ЖАРАЁНЛАРИГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ ОМИЛЛАР ВА КАСБИЙ МОБИЛЛИК ДАРАЖАСИНИНГ ҲУДУДИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ** .......... 90

3.1-§. Ички миграция жараёнларида касбий мобилликнинг ривожланиш хусусиятлари .......... 91

3.2-§. Ички миграция жараёнларини оптималлаштиришнинг стратегик вазифалари .......... 99

3.3-§. Ички миграция жараёнларида касбий мобилликни белгиловчи омиллар ва бошқариш функциялари .......... 113

Учинчи боб бўйича хулосалар .......... 124

**ХУЛОСА** .......... 125

**ТАВСИЯЛАР** .......... 129

**ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ** .......... 131

# КИРИШ

Жаҳонда кечаётган ички миграция жараёнлари бир томондан умумий тенденцияларга эга бўлса, иккинчи томондан у хусусийлик тамойиллари билан характерланади. Ички миграция давлатлар, регионлар учун хусусий ҳолат бўлганлиги учун у умумий ва алоҳида кўринишдаги миграцион жараёнларнинг ўзига хос жиҳатларини ижтимоий-иқтисодий ҳолат сифатида ифодалайди, бу ривожланган, ривожланаётган давлатлардаги миграцион жараёнлар статистикаси ва динамикасида яққол кўзга ташланади. Ички мигрантларнинг географик мобиллиги жамият ҳаётини ислоҳ қилишнинг зарурий шарти ҳисобланиб[1], ундаги ўзига хосликда эса муҳим жиҳатни мигрантларнинг касбий индикаторлари ўйнайди. Меҳнат бозори касбий мобиллик ва ички миграция бирлигини тақозо этувчи ижтимоий-иқтисодий майдон, унинг ижтимоий табиатини, унда кечаётган зиддиятли жараёнларни социологик ташхислаш ва шу асосда социологик прогноз вариантларини яратиш мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиёти учун зарурат ҳисобланади.

Дунёнинг ривожланган давлатларидаги социал-иқтисодий тараққиёт муаммолари билан шуғулланувчи деярли барча марказларида ички миграция жараёнларида касбий мобиллик йўналишларига бағишланган тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада касбий мобилликнинг конструктив потенциал имконият ва мезонлари, ички мигрантларнинг бандлиги, касбий мобиллик трансформациялашувини таснифлаш, ҳудудларнинг урбанизация даражаси, шаҳар турмуш тарзи ва касбларнинг тарқалиши, мобиллик ижтимоий частотасини ҳамда масофалари, меҳнат бозоридаги касбий янгиланишлар даражаси, қишлоқдан шаҳарларга йўналтирилган мигрантларнинг ижтимоий, демографик, касбий дифференцияси, ички мигрантлар ижтимоий касбий тизимидаги ўзгариш тенденцияларидаги силжиш кўрсаткичлари, давлат томонидан яратилаётган иш ўринлари билан хусусий сектор яратган иш

1. Қаранг: Шеллер, М. Новая парадигма мобильностей в современной социологии / М. Шеллер // Социологические исследования. – 2016. - №7. – С. 95.

ўринлари ўртасидаги рақобат даражаси ва йўналишини сифатли социологик тадқиқ қилиш масалаларини ўрганиш заруратини илгари сурмоқда.

Мамлакатимизда ҳам ички миграция жараёнлари ҳолати ва ривожланиш тенденциясининг трансформацион ҳамда функционал аҳамиятини кўрсатувчи ривожланиш динамикасини эмпирик ўрганишга эътибор қаратилмоқда. «Асосий ишчи кучи яшайдиган ва иш ўринлари яратилаётган ҳудудларимиз ўртасида тафовут мавжуд. Бунинг ечими – ички миграцияни эркинлаштиришдан иборат»[2]. Бу борада аҳоли социал қатламининг касбий мобиллиги, шунингдек, ички миграция жараёнларининг иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий муносабатларини тартибга солишда унинг концептуал асослари ва диверсификациясини назарий ишлаб чиқиш зарурати муҳим илмий-амалий аҳамият касб этмоқда.

Монография кириш, 3 та боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган бўлиб, 130 бет матн, 7 та жадвал ва 20 та расмдан иборат.

Монография муаллиф томонидан сўнгги йилларда амалга оширилган ишлар сарҳисобидир.

---

[2] Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси./ 24.01.2020. lex.uz.

# I БОБ. КАСБИЙ МОБИЛЛИК ОМИЛИНИ ЎРГАНИШНИНГ НАЗАРИЙ-МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ

Марказий Осиёда касбий мобиллик жараёнларининг ижтимоий-маданий омиллари, Ғарб давлатларида касбий мобилликни ўрганишга оид таълимотларнинг концептуал асослари, касбий мобиллик феноменининг илмий ўрганилиши когнитив парадигмаларнинг қиёсий таҳлили орқали амалга ошади. Касбий мобилликнинг ривожланиш босқичлари, назарий-методологик ва концептуал асослари тарихий нуқтаи назардан миллий давлатчилик ҳамда замонавий тенденцияларни ўзида қамраб олган ҳолда социологик тадқиқ этилиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Социологик ва бошқа илмий адабиётлар билан танишиш натижасида маълум бўлдики, касбий мобилликнинг ижтимоий-маданий омиллари ҳамда интеллектуал салоҳият таъсири борасида сўнгги ўн йилликларда илмий-назарий ва амалий нуқтаи назардан жиддий тадқиқот ишлари олиб борилмади, муаммога социологик ёндашув бўлмади. Илмий манба ва тадқиқот ишлари таҳлил қилинганда илгари сурилаётган масала бўйича иқтисодиёт фанларида муайян изланишлар олиб борилгани маълум бўлди.

Амалга ошираётган мазкур тадқиқотимизда касбий мобиллик мавзусининг тарихий ва замонавий жиҳатларини Шарқ ва Ғарб мутафаккирларининг илмий фикр ҳамда фаразлари асосида қиёсий таҳлил этишга ҳаракат қилдик.

## 1.1-§. «Касбий мобиллик» тушунчаси: социологик хусусияти ва назарий асослари

Ижтимоий ҳаётдаги ҳар қандай ўзгаришлар касбий таълим тизимида ҳам муайян ўзгаришларга олиб келади. Дунё бўйлаб таълим ва касбий мобилликнинг глобаллашуви фуқароларнинг янги даврга мос ҳаракатини таъминлаш муаммосини келтириб чиқармоқда. Касбий профессионалликнинг ўзгарган замонга хос хусусиятларидан бири унинг мобиллиги бўлиб, бу, ўз

навбатида, ҳар қандай шахснинг ички, шахсий-психологик ва ташқи амалий фаолиятидаги ўзгаришларга мослашиш заруриятини долзарб қилиб қўяди.

Бугунги кунда иш берувчи учун инновацион технологияларни тез ва мукаммал ўзлаштиришга қодир, режалаштирилган натижаларга эришишни таъминлай оладиган, ўз касбий фаолиятини муттасил такомиллаштиришга интилган, инновацион хатти-ҳаракатни намоён этувчи, ўзгарувчан шароитларга тез мослаша оладиган мутахассисларга талаб тобора ортиб бормоқда. Статистик маълумотларга кўра, ривожланган мамлакатларда мигрантларнинг ўртача ёши юқори кўрсаткичларга қараб ўсишда давом этмоқда. Бугунги кунда хорижга ишга отланган фуқароларнинг касбий ва профессионал маҳорати юқори бўлсагина ўзгача ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитларга мослаша олади. Рақобатлашган шароитда фаолият юритиш, барча даражадаги мутахассислар учун қўшимча касб ёки соҳаларни ўзлаштириш, доимий малака ошириш ва қайта тайёргарлик кўришга шайлик ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда.

Фуқароларнинг касбий профессионал мобилликка шайлиги доимий ўзгаришлар шароитида ишлай олиши, инновацион ёки рақамли иқтисодиётга мослашиб бориш қобилияти социологик муаммо сифатида ўрганишни талаб этади. Замонавий инновациялар шароитида кишиларнинг профессионал мобиллиги дунё бўйлаб сифатли меҳнатга бўлган эҳтиёжни қондириш билан боғлиқ вазифалар ҳамда шунга доир реал маълумотлар асосида социологик умумлашмалар қилиш имкониятини юзага келтиради.

Касбий мобиллик социологик нуқтаи назардан таҳлил этилар экан, бунда хорижга чиқиш олдидан профессионал тайёргарликдан ўтиш вазифаларини амалга ошириш алоҳида ўрин тутади. Хорижга борадиган фуқаро замонавий ахборот технологияларини билиши, ўзининг яқин ва ўрта муддат режаларини лойиҳалаштиришга тайёр бўлиши мобилликнинг сифат даражасини юксалтиради. Фуқаролар касбий мобилликда иштирок этар экан, ўзи боришни режалаштирган ҳудуд ва ташкилотларнинг ижтимоий-иқтисодий жараёнларига

мос бўлиши ва уларни ривожлантириши учун муайян даражада тайёргарликка эга бўлиши муҳим. Социологик билимлар доирасида фуқароларнинг касбий мобиллиги билан боғлиқ тушунчалар ва қоидаларни ўзлаштириш масалани ҳал этишнинг калити ҳисобланади. Жаҳонда фуқароларнинг касбий мобиллиги билан боғлиқ ҳамда содир бўлаётган жараёнларнинг хусусиятлари, уларнинг таснифи, амалга ошириш стратегияси доимий ўзгариб турадиган ижтимоий-иқтисодий муаммоларга мос тарзда ҳаракатлана олишга қаратилганлиги билан аҳамият касб этади. Бунда касбларга бўлган эҳтиёж ҳамда таклиф этилаётган касблар ўртасидаги дисбалансга нисбатан мобил фуқарони шакллантириш лозимлигини тушуниш зарурати фавқулодда муҳим роль ўйнайди.

Ички миграция жараёнларида синергетик социология ривожланиш қонуниятининг иқтисодий омилларга трансформацияси касбий мобилликни бозор муносабатлари шароитида жамият ҳаётининг социал-иқтисодий ҳамда дифузия ҳодисасининг муҳим шарти бўлиб, истиқболни прогноз қилишга хизмат қилади.

Мобил шахс бугунги кун талабларига мос ҳаракатлана олиши, аниқ касб соҳиби бўлиши, энг мақбул тамойиллар ва турли инновацияларнинг хорижга бориб амалга оширадиган меҳнатига мувофиқлиги ва самарадорлигини аниқлай оладиган қобилиятга эга бўлиши лозим. Бунинг учун олган билимларини ўз фаолиятида қўллай олиш қобилияти муҳим аҳамият касб этади. Глобаллашув жараёни муқаррар равишда одам ўз фаолиятини барча соҳа ва барча даражада бажариши шарт бўлган янги қоида, янги талабларни қўймоқда. Замон шиддатининг тезлашгани ўзгарувчан жамиятда хорижга чиқувчи ҳар бир фуқаронинг профессионал жиҳатдан мобил бўлишини тақозо этмоқда.

Касбий мобилликни ўрганишнинг умумий методологияси таълимнинг ўрни ва унинг ривожланишидаги етакчи тенденциялар ҳақидаги ижтимоий-фалсафий ва психологик-мутахассислик назарияларидан иборат бўлиб, уни В.И.Байденко, В.А.Болотов, С.И.Иванова, Н.Д.Никандровлар компетенцияга

асосланиб, ижтимоий фаоллик ва шахс фаоллик ёндашуви сифатида ўрганганлар.

Касбий мобилликнинг методологик асослари ва фундаментал аҳамиятини шакллантиришда ўзбек олимларидан А.Р.Ходжабаев, Н.А.Муслимов, Қ.Т.Олимов, У.И.Иноятов, Б.Х.Ходжаев, Х.Ф.Рашидов, Ў.Қ.Толипов, У.Ш.Бегимқулов, М.Б.Уразова, Ж.А.Ҳамидов, О.Х.Тўрақулов, З.К.Исмаилова, Д.О.Ҳимматалиев, О.А.Қўйсинов, Ш.С.Шарипов, У.Н.Нишоналиев, Р.Х.Джўраев, Ш.Э.Қурбонов ва Н.Н.Мусаевалар илмий тадқиқот ишлари олиб боришган.

Тадқиқотчилар томонидан илмий адабиётлардаги «касбий мобиллик» тушунчаси турли нуқтаи назардан кўриб чиқилган. Бунда Д.Н.Узнадзе, В.А.Сластенин, Б.Г.Ананьев, С.Л.Рубинштейн, К.К.Платонов, В.И.Ширинский, П.А.Рудик, Л.Б.Шнайдер, А.В.Веденов, В.А.Крутецкий, С.М.Лейбин, М.И.Дяченко, Л.А.Кандйбович, В.А.Якунин ва бошқаларнинг тадқикот ишлари алоҳида аҳамият касб этади. Шундай бўлсада, кўриб чиқилаётган фаолият структурасининг ўзига хос хусусиятлари ва тадқиқотчиларнинг назарий ёндашувлари ўртасида зиддият ҳамда ихтилофлар мавжуд.

Касбий мобилликнинг бир жиҳати иш жойи, фаолият тури ёки меҳнат операцияларининг ўзгариши туфайли ходимнинг меҳнат ҳолати кўрсаткичи ўзгаришида намоён бўлади. Меҳнат функцияларининг кенгайиши ва мобил шахснинг касбий фаолият турларининг қанчалик тез ўзгариш тенденцияси касбий мавқенинг маълум бир нуқтада ўзгариши муаммосини келтириб чиқаради.

Касбий мобилликда ролларни ижро этиш муҳим аҳамият касб этади. Ҳаракатланиш жараёнида шахс касбий роллар ижросидаги хилма-хиллик «роллар репертуари», «роллар спектри», «роль мухлиси» каби жумла ёки атамалар билан таърифланади. Сўнгги тадқиқот ишларида касбий мобиллик «полипозиционизм», яъни ўзини ярим намоён этиш сифатида тадқиқотчилар эътиборини ўзига тортиб келмоқда. Бунга қизиқиш фаоллашишининг асосий

жиҳатларидан бири сифатида аҳоли орасида сўнгги йилларда миграция жараёнларининг фаоллашуви сабаб қилиб кўрсатилмоқда. Бизнинг тадқиқот ишимиз ҳам бевосита ички миграция жараёнлари ва ундаги касбий мобиллик билан боглиқ бўлгани учун ҳодисани тадқиқ этишда полипозицион усул ва полипозицион ёндашув муносабатларига алоҳида методология сифатида эътибор қаратдик.

Мобиллик (ингл. *mobility*; нем. *mobilitat;* лот. *mobilis*) - ҳаракатланиш, ҳолат ва позицияни тез ўзгартириш солоҳияти; тез ҳаракат қилиш, ўзгариш қилиш қобилияти[3]. Глобаллашган замонавий дунёда кишилар мобиллиги, бир томондан, динамизм, ижтимоий жараёнлар интенсивлиги, ўзгарувчанликни ифодаласа, иккинчи томондан, жамият тараққиётининг барқарорлигини назорат қилишни таъминловчи омил сифатида қаралади[4].

Касбий мобиллик, энг аввало, фуқароларнинг профессионал тайёргарлиги билан боғликлиги сабабли халқаро тажрибалар ҳам жуда катта ўрин тутади. Касбий мобилликнинг олий таълим босқичи Болонья тизимида намоён бўлди. Болонья тизими Европа интеграциясининг муҳим таркибий қисми бўлиб, у Европа давлатларида касбий таълим тизимининг стандартлащуви, уйғунлашуви ва ўзаро ҳаракатланишидан иборат жараён. Унинг асосий мақсади инсон мобиллигини XXI аср бошларигача бўлган даврдаги ижросини таъминлашга эришилиши стратегик мақсад қилиб белгиланади[15].

Болонья шартномаси кучга киришини XX аср 70-йиллари ўрталарида Европа хамжамияти («Умумий бозор») таълим соҳасидаги ҳамкорликнинг биринчи дастури тўғрисида Қарор қабул қилинган пайт билан белгилаш мумкин. Болонья жараёнининг расмий бошланиш санаси 1999 йил 19 июнь ҳисобланади. Шу куни Португалиянинг кичик ва мўъжазгина шаҳри

---

[3] Зимняя И.А. Ключевые компетентности как результатив- воцелевая компетентность подхода в образовании [Текст] : тр. методического семинара «Россия в Болонском процессе: пробле- мы, задачи, перспективы». – М., 2004. – 38 с.

[4] Горюнова Л. В. Составляющие профессиональной мобильности современного специалиста [Текст] // Известия высших учебных заведений. Поволжский регион. Общественные науки. – 2007. – № 1. – С. 63–68.

[15] Зимняя И.А. Ключевые компетентности как результатив- но-целевая компетентность подхода в образовании [Текст] : тр. методического семинара «Россия в Болонском процессе: проблемы, задачи, перспективы». – М., 2004. – 38 с.

(кўпчилик Италиянинг Болоньяси билан боғлайди) Болоньяда Европанинг 29 давлати таълим вазирлари «Европа олий таълим ҳудуди»[16] ёки Болонья декларациясини қабул қилдилар. Болонья декларациясига 1998 йилдаги Сорбона декларацияси туртки берган, у Европа таълими сегментацияси давр руҳига мос келмаслиги, таълимнинг тўлиқ рақобатбардош ва жозибали бўлишига тўсиқ сифатида қаралган. Инсон кучи ва меҳнати самарадорлиги касбий мобилликка йўналтирилиши, ўзини намоён этиши учун рақобатбардош, интеллектуал имкониятларга эга шахслар давр талабига жавоб бера олиши замонавий жамиятнинг асосий «қуроли» бўлишлиги таъкидланади.

Маълумки, инсон ва унинг яшаш муҳити борлиққа богланишнинг ўзаро тобе қисми саналади. Кишилик дунёси инсоният табиати ёки ўзга кишилар хулқ-атворига мос келмаслиги, аммо инсоннинг ўз табиий органик бутунлигига тўлиқ мослашиш жараёни фан ва техника ютуқлари туфайли бутунлай ўзга «олам»га чиқиб кетиши «фожиа»га айлангани йўқ. Тўхтовсиз ҳаракатланиш, «ўзига ўхшаганлар» (инглиз тилида гаплашиш, виртуал дунёнинг бир қисмига айланиш, гендер тенглик ва шу кабилар) билан мулоқотга киришиш зарурати социология, ижтимоий тараққиёт ва культурогенезнинг ҳаракатлантирувчи кучи ҳисобланади[17].

Глобаллашган дунё таълим тизими постиндустриал жамият муносабатларига боғлиқ бўлиб, Ферми парадоксига кўра, техник цивилизациянинг хусусиятларини бартараф этиш тамойилларига асосан ривожланиш сценарийсидан сақланган ҳолда, саноатлашувдан постиндустрализм ва ундан ахборотлар жамиятига ўтди. «Постиндустриал жамият» назарияси асосчилари Д.Белл, Э.Тоффлер, Г.Канлар постиндустриал тараққиётнинг саноат давридагидан фарқи шундаки дипломли мутахассис ва

[16] Игошев Б.М. Профессиональная мобильность учителя: организационно- педагогический аспект [Текст] // Известия Ур.гос. ун-та. Сер. 1. Проблемы образования, науки и культуры. – 2008. – № 56. – Вып. 23. – С. 34–40.
[17] Культура, культурология и образования (Материалы «Круглого стола»). Выступления В.А. Лекторского // Вопросы филонофив, 1997. № 2. –С.4

олимлар бутун аҳоли сонининг ярмидан кўпини ташкил этади, деб таъкидлайдилар[18].

Кўчишнинг камайиши муайян ҳудуд аҳолиси кўпайиши ёки камайиши ҳамда ижтимоий-иқтисодий ўсишга боғлиқ эмас, чунки миграция даражаси деярли ҳар бир фуқаро учун пасайган ва аҳоли таркиби умумий миграцияга сезиларли таъсир кўрсатадиган даражада ўзгаргани йўқ. Касбий мобиллик масаласи илгари сурилар экан, амалий таълим соҳасида йирик мутахассис ҳисобланган Ф.Ньюмен олий таълим олиш коллеж ва университет битирувчиларининг турмуш даражасини тубдан ўзгартириши кераклиги масаласига эътибор қаратади: «Муҳими, битирувчилар ўзларини нафақат мамлакат, балки дунёни қайта қуришда иштирок этишга тайёр кишилар сифатида ҳис этишлари керак. Уларда янгиликни сезиш, фуқаролик масъулиятини ҳис этиш, журъат билан асосли оқилона қарорга келишлари шарт»[19]. Табиийки, бундай вазиятда университетларни маблағ билан таъминлаш долзарб муаммога айланади. Айрим мутахассислар, шу жумладан, Ф.Ньюмен ҳам бундай шароитда маблағни кўпайтириш йўлини қидириш эмас, балки мавжуд маблағдан оқилона фойдаланиш ҳисобига муаммони ҳал этиш лозим, деб ҳисоблайди[20].

Таълимни амалиётга кенг миқёсда жорий этиш бўйича ҳеч бир мамлакат АҚШга тенглаша олмайди. Унинг собиқ президентларидан бири Б.Клинтон фан ва технологиялар ютуғини амалиётга жорий этиш тўғрисида фикр билдирар экан, қуйидагиларни таъкидлаган: «Ҳар қандай университет маълумоти, университет дипломи XXI асрнинг ҳаракатланиш борлигига мослашиш учун имконият беради. Шунинг учун инсониятга, башариятга юксак тараққиёт келтирувчи технологияларни шакллантирадиган, билим ва кўникмаларни шакллантириш учун чексиз ваъдалар бераётган мазкур юз йилликда барча

---

[18] Нужнова С.В. Сущность и структура понятия профессиональной мобильности в современном обществе [Электронный ресурс]. – Режим доступа: http://www.rusnauka.com/Pedagog/185. html (дата обращения 20.06.2016).
[19] The Chronicle of Higher Education. 1985. N 3. p. 22.
[20] Ўша манба.

нарсага, ҳаттоки, салбий жиҳатларга ҳам тайёр бўлмоқлик лозим. Фан ва технологиялар бизнинг кишилик дунёмиз ва келажакка мисли кўрилмаган даражада таъсир кўрсатувчи кучга айланади»[21].

Давримизнинг ўзига хос ҳодисаси бўлган бугунги кундаги пандемия ва эпидемия замонавий илм-фан учун бегона жараён эмас. Турли замонларда ҳар қандай жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ривожида пандемияга ўхшаган ҳодисалар *вабо, ўлат, зотилжам* каби касалликлар шаклида кўп такрорланган, олимларнинг эътирофларига кўра, бу ўн саккизинчи пандемия экан. Аввалги пандемиялар XVI аср ўрталарида Миср ва Эфиопияда 50 млн.та одамнинг «ёстиғи»ни қуритганлиги манбаларда келтирилади[22].

Тиббиёт юқори даражада ривожланган ҳозирги шароитда коронавирус давоси учун вакциналар яратиш мумкинлигини мутахассислар инкор этмадилар, натижада у яратилди. Турли соҳа вакиллари пандемиянинг инсон саломатлигидан ташқари жамият ривожи ва тараққиётига ҳам жиддий салбий таъсир ўтказишини аввал бошданоқ илмий прогноз қилдилар. Хусусан, иқтисодчи олимлар карантин муддатлари якунига етгач, дунё молиявий бозори ва иқтисодини тартибга тушириш учун бутунлай янгича ёндашувлар зарурлигини таъкидладилар. Шу боисдан ҳам пандемия замонавий жамиятда инсон мобиллигини, хусусан, касбий мобиллик хусусиятларини буткул ўзгартириб юборди.

Мавжуд пандемия шароитида социологик тадқиқотлар натижалари ва уларнинг илмий таҳлили асосида юзага келган долзарб ижтимоий муаммоларни аниқлаш, илмий ечимини топиш ва прогнозлар бериш муҳим ўрин тутади. Ҳар бир мамлакат ёки жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий муаммолари, қолаверса, аъзоларининг руҳий кайфияти ментал ва маҳаллий шарт-шароитларни ҳисобга олган ҳолда ўрганилади. Ижтимоий гуруҳларнинг кундалик ҳаёт ташвишлари

---

[21] Clinton Wiliam J. Commencement address by the President of Morgan State University. White House Press Pelcas? May 18, 1997. White House Virtual Library.
[22] Рустамова Х.Е., Стожарова Н.К., Нурмаматова Қ.Ч., Абдурашидова Ш.А. Тиббиёт тарихи.–Тошкент:2014.Б-58. Миртазаев О.М., Зуева Л. П., Матназарова Г.С.. Эпидемология.- Тошкент: 2020. Б-223.

асосида ўзгарувчан ҳулқ-атворини тез ва ишончли ўрганиб, асосли хулосалар чиқаришда социологик тадқиқотлар энг самарали восита ҳисобланади.

Таълим соҳаси юқори суръатларда онлайн тизимига ўтмоқда. Банк-молия, аҳолига хизмат кўрсатиш ва савдо тизимларида аҳоли билан мулоқот қилишнинг электрон-ҳукумат шаклларида ишлаш даврий кўрсаткичга эга бўлмоқда. Тиббиёт соҳасида гигиена ва санитария қоидалари энг муҳим омилга айланди. Анъана, удум ва урф-одатлардаги мавжуд қоидалар, умуман, янгича мазмун касб этишга улгурди. Қисқача айтганда, «сиҳат-саломатликни асраш-авайлаш», «ҳаётнинг мазмунини англаб етиш», «инсон қадри» каби муҳим қадриятлар тизими олдинга ўринларга чиқди.

Касбий мобиллик ривожланиши натижасида илм-фан ва технологияларни самарали бошқара оладиган интеллектуал мутахассисларга эҳтиёж тобора ошиб бормоқда. Жаҳон пандемияси шароитида касбий мобилликка бўлган эҳтиёж эса тубдан қайта ислоҳотларни талаб этади. Замонавий жамиятда узлуксиз касбий таълим ғояси ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларнинг асосий стратегик мақсадига айланиб улгурди. «Бизнинг бош стратегиямиз, – дейилади Япониядаги таълим ислоҳоти ҳужжатида, - инсонни бутун умр маърифатга ундовчи ва бойитувчи узлуксиз касбий таълимга ўтишдир» [23].

Замонавий касбий мобилликнинг муваффақияти, биринчи навбатда, мавжуд ижтимоий доирада профессионал муҳитнинг доимий ўзгарувчан шароитларга мослашувчан муносабатда бўлиш қобилияти билан белгиланади. Мослашувчанлик нафақат бутун ҳаракатланиш жараёнида, балки унинг алоҳида субъектлари учун ҳам зарур. Илмий ва ахборот салоҳиятининг доимий янгиланиши таълим масканларида олинган билимлар эскиришига олиб келади, натижада, мобил шахсдан ўз устида ишлаш, янги кўникмалар олиш учун ўқиш, ўзини ўзи такомиллаштиришга мажбур қилади. Муайян шароит ва вазиятларда зарур бўлган янги билим, кўникма ва одатларни эгаллаш учун бутун умр ўқиш, малака оширишга эҳтиёж катта бўлади. Давлат ва жамиятга меҳнат бозорининг

---

[23] Outline of Education in Japan. – Tokyo, 1989: Б.-178.

ўзгарувчан талабларига мос, ўз фаолияти мазмунини қайта қуришга, янги шароитларни ўрганиш ва мослашишга қодир бўлган тайёр мутахассислар керак бўлади. Шу боис, энди мобил касбий профессионализм ижтимоий-психологик характерни талаб этади.

Шу нуқтаи назардан, замонавий касбий мобил шахс нафақат касбий билимларга эга бўлиши, балки профессионал фаолият соҳасида доимий ўзгариб турадиган ижтимоий вазият ва муҳитга ҳам мослаша олиши керак. Шунга кўра, ҳаракатдаги мутахассис бошланғич касбий маълумоти етарли бўлмаган тақдирда, янги билимлар олишга ва ўз касбий малакасини доимий ошириб, ҳаёти давомида қайта тайёргарлик ва қайта билим олишга тайёр туриши керак.

Ҳозирги воқелик шуни кўрсатадики, ривожланган профессионал мобилликсиз касбий таълим хизматлари бозорида рақобатбардошлик етарли эмас ва иш берувчини, биринчи навбатда, «айни дамда» «айни касбий маҳорат» қизиқтиради. Бунга тайёр бўлмаган ходимнинг ўз устида ишламаслиги унинг касбий ўсиш истиқболларини чеклаб қўяди ёки мобилликдан тўхтатади.

Ўз-ўзини ривожлантириш қобилияти ҳаракатдаги мутахассиснинг профессионал мобиллигини такомиллаштириш учун асос бўла олади. Мобил шахснинг касбий фаолиятида ўзини ўзи англаши, ўзини намоён этиши, эгалланган (танланган эмас) соҳа ёки мутахассисликни қадрлаши ҳаракатлар тизимида муҳим роль ўйнайди. Мутахассислик олиш таълим берувчи ташкилотнинг асосий вазифаси бўлиб, у ўз-ўзини ривожлантиришга эҳтиёж сезган кишилар олдида жиддий масъулият мавжудлигини талаб этади. Аввалгидек, малака ошириш қайсидир бир ҳисобот учун эмас, балки инсон тақдири ва унинг истиқбол мўлжаллари учун ёрдам вазифаси сифатида тақдим этилиши керак.

Ўтказилган тадқиқотлар натижаларига кўра, қуйидаги хулосага келинди:

биринчидан, касбий мобил бўлишга интилаётганлар «касбий мобиллик» тушунчаси мазмуни ва моҳияти ҳақида аниқ тасаввурга эга эмаслар. Респондентларнинг 70% ида ушбу тушунча ҳақида маълумот йўқ, улар

ҳаракатланиш жараёнида қандай йўл тутиш кераклигини билмасликлари маълум бўлди. Шу билан бирга, ижтимоий фаолиятда қатнашиш жараёнида кўпинча тўскинлик юзага келмоқда. Жумладан, миграцияда иштирок этаётган катта аҳоли қатлами айнан касбий мобиллик жараёнларида иштирок этишидан аввал қўшимча малака оширмаганлари, керакли соҳа ёки мутахассисликни танлай билиш кўникмаси йўқлиги учун сифатли кўрсаткичларга эга эмаслар.

Иккинчидан, касбий мобилликни ривожлантириш учун аниқ мақсадларга эга бўлиш талаб этилади. Сўровлар шуни кўрсатадики, ҳаракатдаги шахсларнинг аксарияти, яъни 70 %и ўзини ўртача ривожланиш даражасида деб ҳисоблайди. Улар ўз олдиларига аниқ маысад қўйишмаган. Шунинг учун мобил шахс маълум мақсадга эришиш учун касбини ўзгартиришни назарда тутса, биринчи навбатда, қўшимча таълим олиш, хусусан, иқтисодий имкониятларни такомиллаштиришга хизмат қиладиган мутахассисликларни ўзлаштириш учун ҳаракат қилади. Муваффақиятга эришиш учун фойда келтирадиган йўналишларда касбий ҳаракатланиш самара беришини айтиш лозим.

Учинчидан, ўз касбий фаолиятини таҳлил қилиш, муайян муаммоларни ҳал қилиш жараёнида ностандарт профессионал қарорлар қабул қилишни билган шахс мобил бўлиши мумкин. Шубҳасиз, мутахассислик муаммоларини тез ҳал қилиш қобилияти касбий мобилликни шакллантиришнинг зарурий шарти ҳисобланади. Олинган маълумотлар респондентларнинг мутахассислик вазифалари контекстида ностандарт қарорлар қабул қилиш истаги етарли даражада эмаслигидан далолат беради. Кузатишлар ва мавжуд ахборотларни мониторинг қилиш шуни кўрсатадики, технологик таълимга эга бўлиш бошқа соҳаларга нисбатан мазмунли, шу боис, мутахассислик йўналишлари бўйича касбий тайёргарлик ва малака ошириш замонавий ишлаб чиқариш амалиётини таъминлашга хизмат қилади.

Тўртинчидан, мобил шахс доимий касбий ўсиш зарурлигини яхши тушуниши лозим. Касбий мобилликни янада ривожлантириш шахсга янги

хусусиятларни ривожлантириш, касбий маҳорат ва ўз-ўзини тарбиялаш даражасига эътибор қаратиш талабини қўяди.

Бешинчидан, таълим масканларида «касбий мобиллик»ка эътибор берилмайди, натижада эски стереотиплар устуворлик қилади. Аҳолининг катта қисми мобил ҳаракатда экан, уни замонавий касбий кўрсаткичлар билан тарбияламаслик кутилган натижани бермайди.

Жамиятда касбий мобиллик хусусиятларини ривожлантиришга рағбатлантириш бўлиши керак, аммо касбий мобиллик асосларини билмасдан ушбу жараённи амалга ошириш қийин кечади. Вазиятдан чиқишнинг йўли мобил кишиларнинг касбий тайёргарлик даражасини белгиланган таълим мезонлари бўйича мазмунан бойитилиши, шунингдек, касбий мобилликка ўқитишнинг самарали ва интеграциялашган усуллари ҳамда техникасини жорий этиш орқали «ҳаракатдаги шахс» асосларини ривожлантирувчи мотивация ишлаб чиқиш талаб этилади.

Касбий мобилликни шакллантириш жараёни махсус касбий компетенцияларнинг ривожланиши, ўқув ва малака ошириш жараёнларининг соҳалар ва мутахассисликка оид вазифаларини ҳал қилиш қобилияти касбий ёндашув жараёнларининг мазмунини яхшилаш қобилияти сифатида махсус ташкил этиш давр талаби ҳисобланади. Касбий мобилликни инсонпарварлик ёндашуви нуқтаи назаридан шакллантириш муаммоси мобил шахслар ўртасида қадрият-семантик муносабатларни, уларнинг касбий маҳоратга эришишда ўзини ўзи англашга хизмат қиладиган шахсий жиҳатларни кўриб чиқишни тақозо этади.

Узлуксиз ўзгаришлар шароитида касбий мобил мутахассис тайёрлаш технологиясини ишлаб чиқиш, унинг ривожланиш даражасига қараб (ходим, мигрант, тадбиркор ва ҳ.к.), воқеалар ривожи асосида, шахснинг мўлжал йўналишини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиши назарда тутилади.

Юқоридаги фикр-мулоҳазалардан келиб чиқиб, айтиш мумкинки, бугунги кунда юқори даражадаги мутахассисни тайёрлаш учун муҳим бўлган малака-кўникмаларга оид вазиятлар қуйидагиларда акс этади:

- инсоннинг касбий ва шахс сифатида ўзини намоён қилиши, ижтимоий, илмий-инновацион фаоллигини таъминлайдиган ўқув жараёнларини ташкил этиш;

- турли мотивацияларни шакллантириш, ўз-ўзини ривожлантиришга интилиш, танловни асослаш воситаси сифатида акс эттириш қобилиятини ривожлантириш;

- компетенциялар, билим ва тушунчаларни шакллантириш (академик соҳадаги назарий билимлар); қандай ҳаракат қилишни билиш (билимларни аниқ вазиятларга амалий ва оператив қўллаш); билим идрок ва ҳаёт қобилияти сифатида;

- мустақил фикр ва фаолият, ахлоқий қадриятларга йўналтириш, мослашувчанлик, ўз-ўзини ташкил қилиш, тажриба маданиятини тарбиялаш.

Ҳар қандай фаолият турига нисбатан касбий мобилликнинг нотўғри талқин қилиниши кўплаб тадқиқот ишларида профессионализм ва шахсий фазилатларга эътибор қаратишни талаб этади. Замонавий жамиятда шахсий фазилат ва кўникмаларни, зарур компетенцияларни шакллантиришнинг кўплаб каналлари орасида таълим асосий ва энг муҳим восита бўлмоқда. Шу боис ўқув масканлари, жумладан, таълим марказларида касбий мобилликни мақсадли шакллантириш нафақат мутахассисликка оид, балки тарбиявий вазифага ҳам эътибор қаратиш касбий мобил шахс фаолиятини ташкил этиш учун алоҳида талабларни қўяди.

Хуллас, илгари сурилган фикр-мулоҳазалар доирасида касбий мобиллик жараёнлари мақсадли шаклланиши ва ривожланишига, шунингдек, ушбу жараённинг тегишли мутахассислар ёрдами билан ўзини ўзи ривожлантиришга ёрдам беришини таъкидлаб ўтиш мумкин. Мобилликнинг мавжудлиги мутахассисларнинг юқори касбий ва ҳаётий тайёргарлигидан далолат беради.

Агар касбий маҳоратга мос мутахассислик шакллантирилса, у сифат кўрсаткичларида ижобий мазмун касб этади. Аммо, касбий мобилликнинг шахсий фазилат ва шахснинг йўналиши доирасида касб талабларига мос кўникмасини шакллантириш доимо эътиборда бўлиши керак.

## 1.2-§. Касбий мобиллик омилини тадқиқ этишнинг методологик жиҳатлари

Бугунги кун касбий таълимининг индивидуаллашуви режалаштирилган натижаларга эришишни таъминлайдиган технологияларни ўзлаштира олиш, мақсадли касбий соҳани такомиллаштиришга рағбатлантирувчи, инновацион хатти-ҳаракатни намойиш этиш, мураккаб муаммоларни мустақил ҳал қила олиш, бошқариш ва ўзгарувчан шароитларга тез мослашиш имкониятига эга мутахассисларни талаб қилмоқда. Замонавий тадқиқотчилар мутахассиснинг касбий мобиллиги муаммосини ҳар хил услубий ёндашувлардан фойдаланган ҳолда, турли нуқтаи назарлар бўйича кўриб чиқадилар. Методология (юнонча *methodos* - тадқиқот ёки билиш усули, назария, таълим; *logos* - тушунча) «усуллар тўғрисидаги таълимот», «усуллар назарияси» каби маъноларни англатади[24]. Фанда «методология» тушунчаси ягона талқинга эга эмас. Кенг маънода, методология илмий билимларнинг фалсафий бошланғич позицияси, яъни барча илмий фанлар учун умумий, деган маънони беради[25]. Методология –«дунёни илмий билиш ва ўзгартириш усули ҳақидаги таълимот»[26].

Замонавий адабиётларда методология, биринчи навбатда, илмий билиш методологияси сифатида тушунилиб, илмий ва когнитив фаолиятнинг шакл ва усуллари, тамойиллари ҳақида маълумот беради. Илм-фан методологияси илмий тадқиқотнинг таркибий қисми, объекти, таҳлил предмети, тадқиқот вазифалари, муаммонинг ечимини топиш учун зарур бўлган тадқиқот усуллари

[24] Андриенко Е. В. Психолого-педагогические условия формирования профессиональной зрелости учителя [Текст] // Педаго-гическое образование и наука. – 2002. – № 4. – С. 62–74.
[25] Безрукова В. С. Словарь нового педагогического мышления [Текст]. – Екатеринбург· 1992. – 89 с.
[26] Валеев А. С. Профессиональное развитие будущего учителя технологии и предпринимательства на основе учебно-профессиональной деятельности [Текст]. автореф. дис. … д-ра пед. наук : 13.00.08. – Магнитогорск, 2009. – 48 с.

мажмуасини тавсифлайди, шунингдек, муаммони ҳал қилиш жараёнида тадқиқотчи ҳаракатларининг кетма-кетлиги ҳақидаги тасаввурни шакллантиради[27].

Тор маънода, методология муайян илмий йўналишдаги илмий билиш назарияси сифатида қаралади[28]. Бинобарин, бизнинг тадқиқот ишимизнинг социологик таҳлили бевосита методология билан боғлиқ бўлганлиги боис, масалага изчил ва чуқурлашган ҳолда ёндашдик. Умуман олганда, методология тадқиқотлар доирасида тор маънода тушунилади, яъни соҳадаги илмий билимлар методикаси сифатида. Далилларни илмий текширишнинг тамойил ва усуллари, ўрганилаётган фаолият шакл ва механизмлари, уни ўзгартириш ҳақидаги таълимотни ишлаб чиқишда бевосита методологияга алоҳида урғу берилади.

Мазкур тадқиқот ишида муаммони ёритиш учун тизимли, компетенция, шахс-фаоллик ва аксиологик ёндашувларга таяндик. Мутахассиснинг касбий мобиллиги масаласига тўхталиб ўтадиган бўлсак, тизимли ёндашувда мутахассис касбий мобиллигини ривожлантиришнинг асосий элементларини аниқлаш, тизим тузилишини белгилаш, унинг индивидуал даража ва элементларининг методологик функцияларини ажратиб кўрсатиш, умумийлик ва яхлит ҳолатларда ишлаш тизимини белгилашни таъминлайди.

Муаммога тизимли ёндашувнинг моҳияти нисбатан мустақил компонентлар билан ўзаро боғлиқ компонентларнинг мажмуи сифатида қаралади. Мобилликдан мақсад: мутахассисликнинг жараён субъекти ҳисобланган таълим (касбий таълим) мазмуни, усуллари, шакллари ва жараённи ҳосил этувчи воситалар, шунингдек, компонентларнинг ўзаро боғлиқлигини таъминловчи ҳодисаларни ҳисобга олиш керак бўлади. Ваколатга асосланган ёндашувда «мутахассиснинг касбий компетенцияси» ва «мутахассиснинг

---

[27] Валеев А. С. Профессиональное развитие будущего учителя технологии и предпринимательства на основе учебно-профессиональной деятельности [Текст] автореф. дис. … д-ра пед. наук : 13.00.08. – Магнитогорск, 2009. – 48 с.

[28] Юдин Э. Г. Системный подход и принцип деятельности [Текст]. – М., 1978. – С. 31.

профессионал мобиллиги» тушунчалари ўртасида корреляцион боғлиқликни, касбий мобилликни ривожлантириш учун касбий тайёргарлик мазмунини талқин қилиш ва баҳолаш усулларини асослаш назарда тутилади.

Ташқи ва ички миграция жараёнларида касбий мобилликнинг парадигмал ўзгаришлар тенденциялари охирги беш йил давомида вилоятларга бориб ишлаш юқори кўрсаткичлар интенсивлиги ривожланиб бораётганлигини кўрсатмоқда. Профессор Б.Умурзоқовнинг «...табиийки, дастлаб ишчи кучи экспортига қарши бўлганлар учраши мумкин. Бироқ, ҳозирча аҳоли бандлиги ва янги иш ўринларини яратиш жараёнлари барқарор характерга эга бўлмас экан, меҳнат миграцияси давом этади»[29], деган фикрида асос бор.

Ҳозирги кунда меҳнат бозорига кириб келаётган ёшларни арзон ишчи кучи сифатида эмас, аксинча, салоҳияти юксак, рақобатбардош кадрлар сифатида ҳаётга тайёрлаш замон талаби бўлиб қолмоқда. Шундай экан, йигит-қизларни касбий таълим олиш жараёнидаёқ ўз мутахассислиги бўйича тегишли корхона, ташкилот ёки муассасага амалиёт ўташи учун йўналтириш, шу асосда ҳар томонлама бандлигини таъминлашга алоҳида эътибор ҳамда масъулият билан ёндашиш лозим.

Бугун-эрта профессионал таълим ёхуд олий ўқув юртини битириш арафасида турган ҳар бир мутахассис қўлига диплом олгач, қачон, қаерда ва қандай қулайликлар эвазига меҳнат фаолиятини бошлашини яхши билиши муҳим аҳамият касб этади. Ўз навбатида, бу унинг келажакка ишончини мустаҳкамлайди, аниқ мақсад ҳамда қатъий позицияга эга бўлишига ёрдам беради. Бу эса ёш мутахассисда ижобий кайфият уйғотади, натижада иш самарадорлиги юқори бўлади.

Ўрни келганда, таққослаш учун мустақилликнинг ўтган 25 йил давридаги ёш авлоднинг ижтимоий ҳолати, жамиятдаги ўрни ва мавқеини эслайлик. Ўтган давр мобайнида, очиғи, коллежни тамомлаган йигит-қизларнинг тақдири ҳеч

---

[29] Умурзаков Б. Организационно-правовые основы регулирования трудовой миграции в Узбекистане // Xalqaro munosabatlar. №2. 2008. С.-53.

кимни қизиқтирмади, касб-ҳунар коллежини битираётган мутахассисларни ишга жойлаштириш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида ҳафсаласизлик авж олди, сиёсат фақат қоғозда қолиб кетди. Шунчаки уч томонлама шартнома тўлдириб, ўз ҳолига ташлаб қўйилган бу тоифа ёшларнинг иш топа олганлари меҳнат фаолиятини юритса, иш топа олмаганлари, табиийки, қишлоқ хўжалигига жалб қилинар ёки чет элга бориб қора ишларни қилишга мажбур бўлишган. Чунки иқтисодиёти бир ёқлама ривожланган, асосан, хом ашё етказиб берувчи аграр республикада ижтимоий фаол, илм-фан ҳамда техника ютуқларини пухта ўзлаштирган, давлат тараққиётини белгилаб берувчи соҳалар бўйича халқаро стандартларга мос кадрлар эмас, балки билагида кучи бор, тобелик кайфиятидаги ёшларнинг кўпайиши ўша давр сиёсати учун мақбул саналар эди. Ўтган 25 йил ичида юртимизда ижтимоий-иқтисодий инқироз жамият ҳаётининг барча жабҳасини чуқур муаммолар гирдобига ташлади. Ишсизлик даражаси ортди. Бундан аҳолининг ҳамма қатлами, айниқса, ёшлар катта жабр кўрди.

Тадқиқот ишининг асосини ички миграция имкониятларини аниқлаш, унинг касбий мобиллик ва ҳудудий хусусиятларга боғлиқлиги масалаларини тадқиқ этиш, муаммонинг социологик жиҳатдан илмий ечимларини топиш вазифаси ташкил этди. Жумладан, ижтимоий тараққиётга инновацион ғояларнинг таъсир кўрсатиши, касбий мобиллик даражасининг ҳудудий кўрсаткичлар асосида трансформациялашувига сабаб бўлаётганлиги тадқиқот объекти сифатида долзарблашди.

Тадқиқот ишидан келиб чиқиб, муаммони комплекс таҳлил этадиган бўлсак, ички миграция, касбий мобиллик ва ҳудудий кўрсаткичлар мавзуси ижтимоий-гуманитар фанлар мутахассисларининг қизиқишига сабаб бўлган.

Ўтган беш йил давомида инсон ва унинг манфаатлари олий қадрият даражасига кўтарилиб, бу борада олиб борилган туб ислоҳотлар туфайли мазкур таназзулнинг оқибат ҳамда асоратлари барҳам топа бошлади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон

Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармони билан 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси қабул қилинди.

Давлат раҳбарининг ғояси ва ташаббуси билан жорий этилган Ўзбекистонни ҳар томонлама тараққий эттириш, дунёнинг илгор демократик давлатлари қаторидан жой олиши ва жаҳон майдонида муносиб ўрин эгаллаши асосий мақсад этиб белгиланган мазкур Ҳаракатлар стратегияси мамлакатнинг яқин истиқболдаги тараққиёт йўлининг бош устувор ҳужжати сифатида халқаро жамоатчилик, нуфузли эксперт-мутахассислар, давлат ва жамоат арбоблари, сиёсатшунослар томонидан юқори баҳоланди.

Ҳаракатлар стратегиясида Ўзбекистонни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши белгилаб берилган бўлиб, уларнинг ҳар бирида мамлакатда янги босқичдаги демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва самарадорлигини таъминлашга оид аниқ чора-тадбирлар ўз аксини топди.

Хусусан, кучли ижтимоий сиёсатнинг туб негизи ҳисобланган бандлик соҳасининг ҳуқуқий ва институционал инфратузилмаси такомиллаштирилди. Жамиятнинг ишсиз қатлами, биринчи навбатда, ёшларга меҳнат қилиб, даромад топиши учун кўмаклашиш, касб-ҳунар ўргатиш ҳамда малакасини ошириш, бандлик соҳасида қонунчилик талабларига риоя этилишини назорат қилиш чора-тадбирлари кучайтирилди. Ушбу йўналишда ривожланган давлатларнинг илғор тажрибалари ўрганилди, халқаро ҳамкорлик мустаҳкамланди. Муҳими, мамлакатимиздаги барқарор иқтисодий ривожланиш тенденцияси аҳолининг, айниқса, ёшларнинг бандлик даражаси ошиши учун объектив имкониятлар яратилиши ва такомиллашувини таъминлади.

Таъкидлаш жоизки, меҳнатга лаёқатли ёшдаги фуқаролар юртимиз аҳолисининг 58,3 %ини ташкил этади. Ҳар йили юз минглаб йигит-қизларнинг

меҳнат бозорига кириб келаётганини назарда тутсак, бандликни тўлиқ таъминлаш доимий долзарб масала экани ойдинлашади.

Мамлакатимизда мазкур масалага комплекс ёндашув асосида жиддий эътибор қаратилиб, аниқ манзилли ишлар амалга оширилаяпти. Бунинг самарасини ёшларнинг бандлигини таъминлаш, меҳнат бозорида талаб юқори бўлган мутахассисликларга ишсиз йигит-қизларни “Устоз-шогирд” усули билан касбий тайёрлаш ҳамда қайта тайёрлаш, ишчи кучига талаб ва таклифни ўзаро мувофиқлаштириш борасида қўлга киритилаётган залворли натижаларда яққол кўриш мумкин.

Умумтаълим мактаблари 9 ва 11-синф битирувчилари учун профессионал таълим муассасаларида касбий таълимни мустаҳкам эгаллашлари учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 6 сентябрдаги “Профессионал таълим тизимини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5812-сон Фармони эълон қилинди.

Фармонга қадар профессионал таълим дастурлари ЮНЕСКО томонидан қабул қилинган Таълимнинг халқаро стандарт таснифлагичи (МСКО) даражалари билан уйғунлашмаганлиги, ўқув жараёнига Ўзбекистоннинг Миллий квалификация тизими тўлақонли жорий этилмаганлиги тайёрланаётган кадрларнинг меҳнат бозорида муносиб ўрин эгаллашларига тўсқинлик қилиб келган.

Фармонга кўра, профессионал таълим тизимини илғор хорижий тажрибалар асосида такомиллаштириш, бошланғич, ўрта ва ўрта махсус профессионал таълим босқичларини жорий қилиш орқали меҳнат бозори учун малакали ва рақобатбардош кадрлар тайёрлаш ҳамда мазкур жараёнга иш берувчиларни кенг жалб қилиш мақсадида 2020/2021 ўқув йилидан бошлаб Ўзбекистон Республикасида Таълимнинг халқаро стандарт таснифлагичи даражалари билан уйғунлашган янги бошланғич, ўрта ва ўрта махсус

профессионал таълим тизими ҳамда табақалаштирилган таълим дастурлари жорий этиладиган таълим муассасалари тармоғи ташкил этилди.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 26 мартдаги "Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳамда унинг тизим ташкилотлари фаолиятини ташкил этиш тўғрисида"ги ПҚ-4653-сон қарори қабул қилинди.

Юқоридаги қарорга мувофиқ, камбағал ва ишсиз аҳолини, айниқса, хотин-қизлар ва ёшларни тадбиркорликка кенг жалб қилиш, меҳнат фаоллигини ошириш ва касб-ҳунарга ўқитишга қаратилган чора-тадбирлар ишлаб чиқилди.

Бунда камбағал, ишсиз фуқароларни касб-ҳунар ва тадбиркорликка ўқитиш маҳалла, туман (шаҳар) ва ҳудуд марказлари даражасида «Маҳаллада касб-ҳунарга ўқитиш масканлари – туман касб-ҳунарга ўқитиш марказлари – ҳудуд «Ишга марҳамат» мономарказлари» механизми асосида амалга оширилмоқда.

Юқоридаги фармон ва қарорларда белгиланган вазифалар доирасида ваколатга асосланган касбий таълим тизими шаклланди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 7 августдаги «Ўзбекистон Республикасида узлуксиз бошлангич, ўрта ва ўрта махсус профессионал таълим тизимини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида»ги 466-сонли қарори билан мамлакатимиз касб таълими тизимида профессионал таълим иқтисодиётнинг ривожланиш истиқболлари ва устувор вазифаларини, замонавий техника ва технологик тенденцияларни ҳисобга олиб, меҳнат бозоридаги кадрларга бўлган реал эҳтиёж, иш берувчиларнинг таклифлари ҳамда "Ҳаёт давомида таълим олиш" тамойили асосида шахслар таълим олишга йўналтирилди.

Касбий мобиллик профессионал-касбий маҳорат, «қобилиятли ва салоҳиятли инсонлар» ҳамда инсон омилига боғлиқ. Албатта, жамият

тараққиётида ҳаракатга келтирувчи кучлардан бири сифатида касбий маҳоратнинг ижтимоий ролини инобатга оладиган бўлсак, унинг нафақат юксак маҳорат, балки мобиллик туфайли жараёнга кўрсатадиган имкониятларини ҳам объектив равишда социолог позициясидан туриб, очиб бериш зарур бўлади.

Бунда мобиллик маълумот ва кўникмалар комбинациясини камайтирмасдан, шахснинг ҳар хил муаммолар ечимини ҳал қилиш қобилияти ва тайёргарликка йўналтирилган янги турдаги касбий таълим натижаларини ўрнатади. Ваколатлар деганда, мавжуд таълим натижаларига қараб, мураккаб, лекин, реал муаммолар, яъни касбий ва ижтимоий фаолият, мафкуравий, коммуникатив, шахсий муаммолар ечимини ҳал қилиш қобилиятига эътибор қаратилади.

"Компетенция" тушунчаси интерфаол ёндашув усулларидан бири бўлиб, у қуйидагиларни назарда тутади: а) шахс томонидан яширинган мавжуд имкониятга эга компетенция талаб қиладиган ва долзарб муаммоли вазиятнинг мавжудлиги; субъектнинг мустақил ва муваффақиятли мобил фаолиятга умумий тайёрлиги; ўқув ёки малака ошириш жараёнида олинган билим, қобилият, кўникма, тажриба, қадриятлар ва мойилликларнинг ҳал қилувчи роли нималарда ўз ифодасини топиши. Ҳар қандай ваколат ҳақидаги тушунчалар унинг мазмунини очиб берадиган психологик ва касбий мутахассислик асосларини синтез қилади. Шунинг учун компетенциянинг моҳияти касбий фаолиятни самарали бажаришни таъминлайдиган, кишиларнинг психофизиологик ва ижтимоий тизимга сафарбар қилишда намоён бўладиган тайёргарлик даражаси орқали аниқланади.

Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси ҳамда 2021 йил 11 январдаги "Олис ҳудудлардаги бюджет ташкилотларига малакали мутахассисларни жалб қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-4940-сонли қарорига асосан 2021 йил 1 январдан олис ҳудудларда жойлашган бюджет ташкилотларига бошқа

ҳудудлардан меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун келган олий маълумотли мутахассисларга базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 баравари миқдорида бир марталик бошлангич ёрдам пули ва уй-жойларни ижарага олганлик (ижарада турганлик) учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 2 баравари миқдорида ҳар ойлик пул компенсацияси тўлаш;

2021 йил 1 мартдан бошлаб таълим даражаси юқори бўлмаган мактабларда дарс бериш учун бошқа ҳудудлардан жалб қилинган олий ва биринчи тоифага эга ўқитувчи-педагогларнинг базавий тариф ставкаларига махсус устамалар жорий қилинди.

Бунда:

-бир маъмурий-ҳудудий бирликлар доирасида бошқа туман ва шаҳарлардан келиб фаолият юритаётган ўқитувчи-педагогларнинг базавий тариф ставкаларига 50 %;

бошқа маъмурий-ҳудудий бирликдан келиб фаолият юритаётган ўқитувчи-педагогларнинг базавий тариф ставкаларига 100 % махсус устамалар тўланмоқда[30].

Аксиологик ёндашув ўқитувчининг касбий мобиллиги функцияларини ажратишга имкон беради: унинг гностик, йўналтирувчи, ахборот, баҳоловчи ва прогностик кўринишлари фарқланади. Аксиологик ёндашув таълим жараёнларини муайян мамлакатда ижтимоий тажрибани бир авлоддан иккинчисига ўтказишда амалга ошириладиган асосий қадрият ва маъноларга қаратилиши нуқтаи назаридан таҳлил қилишга имкон беради. Касбий мобилликнинг энг муҳим вазифаси сифатида ҳаракатдаги шахснинг қадрият йўналишларини шакллантиришдир.

Тадқиқотчи А.В.Кирякова фикрича, инсоннинг касбий тайёргарлигини ўрганиб, унинг дунё ва атроф муҳит фаолиятига, ўзига нисбатан бўлган

---

[30] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси ҳамда 2021 йил 11 январдаги "Олис ҳудудлардаги бюджет ташкилотларига малакали мутахассисларни жалб қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-4940-сонли қарори. lex.uz

муносабатини белгилайдиган умуминсоний ва касбий қадриятлар тизимини шакллантиришда касб-ҳунар таълимининг йўналишига эътибор қаратиш лозим. «Шунда мен ўзимни шахс ва профессионал сифатида кўрсатаман»[31]. Аксиологияда қадрият муносабатлари муҳим ўрин тутиб, унда қадриятларни танлаш, баҳолаш ва тадқиқ қилиш билан шуғулланадиган мобил шахсларни бошқариш жараёни тушунилади. Қадрият йўналишлари деганда, мавжуд қадриятларнинг шахсий хусусият таркибига киритилиши ва уларни амалий фаолиятга йўналтириш билан боғлиқ мутахассислик жараёнларини бошқариш натижаси тушунилади[32].

Касбий мобилликда мутахассис фаолиятига оид қимматли муносабатларни шакллантиришга З.А.Дамченко алоҳида муносабат билдириб, қадриятлар-мақсадлар, қадриятлар-воситалар, қадриятлар-муносабат, қадриятлар-сифат ва қадр-қимматли билимларни ажратиб кўрсатиш, дея таъкидлайди[33].

Касбий мобилликнинг назарий-методологик хусусиятларидан яна бири – фаолият асосидаги ёндашув. Фаолият – шахсий хусусият ривожланишининг асоси, воситаси ва шарти, атрофдаги воқелик моделини мақсадга мувофиқ ўзгартириш. Касбий мобиллик вазифаларини белгилашда меҳнат ва мулоқот билимлари предмети нуқтаи назаридан шахс фаолиятини танлаш ва ташкил этиш тушунилади. Бунда қуйидагилар назарда тутилади: хабардорлик, мақсадни белгилаш, фаолиятни режалаштириш, уни ташкил этиш, натижаларни баҳолаш ва ўз-ўзини таҳлил қилиш (акс эттириш).

Шахсий фаоллик ёндашуви шахс мобиллик хусусиятларини ажратиб кўрсатишга ёрдам берадиган, унинг касбий мобиллигини ривожлантиришга хизмат қиладиган, касбий жараённи ташкил этишнинг фаол усул ва

---

[31] Демченко З.А. Формирование ценностного отношения к деятельности у будущего учителя [Текст] : авто- реф. дис. канд. пед. наук : 19.12.06. – Петрозаводск, 2006. – 25 с.
[32] Дуралов М.Е. Профессионально-педагогическая деятельность и исследовательский подход к ней [Текст]: моногр. – Челябинск : ЧГАКИ, 2002. – 276 с.
[33] Юдин Э. Г. Системный подход и принцип деятельности[Текст]. – М. 1978. – С. 31.

шаклларини аниқлаш, фаолият ва ўз-ўзини ривожлантиришга ҳисса қўшишни англатади. Ушбу методологик ёндашув шахс касбий мобиллигини ривожлантиришда индивидуал жиҳатлар асосини белгилайди.

Инсоннинг жамиятга тез ижтимоий ва касбий мослашувини таъминлайдиган шахсий хусусиятларини ифодалаш учун таклиф этилган «мобиллик концепцияси»ни П.А.Сорокин 1927 йилда фанга киритган. Ҳаракатларни ижтимоий макон ичидаги ўзгаришларда белгилаш учун у XX аср 20-йиллари сўнгида «ижтимоий мобиллик» тушунчасини қўллайди. Унинг фикрича, «Шахс ёки ижтимоий объект (қиймат)нинг ҳар қандай кўчиши, яъни инсон фаолияти натижасида яратилган ёки ўзгартирилган ҳамма нарса бир хил ижтимоий позициядан иккинчисига қараб кўчади»[34].

Социологияда ички (шахсий ва касбий ривожланиш билан боғлиқ, янги усуллар, технологиялар, профессионал фаолият шаклларини ўзлаштиришга тайёрлик) ва ташқи (лавозим, касб, иш жойи, касб ўзгариши билан боғлиқ) профессионал мобиллик шакллари фарқланади. Касбий мутахассисликда профессионал мобиллик муаммосини фаол кўриб чиқиш XX аср 70-йилларида бошланган. Ўша пайтда профессионал ёки касбий мобиллик, асосан, ишчининг ишлаб чиқариш вазифаси, иш жойи, ҳатто, шу касб ёки соҳадаги мутахассисларни қанчалик тез ўзгартиришга тайёрлиги, қобилияти, янги мутахассислик ёки техник ўзгаришлар таъсири остида пайдо бўлган янгиликларни қанчалик тез ўзлаштириш қобилияти сифатида таърифланган.

Касбий мобилликни белгилашда Д.В.Чернилевский фақат саноатга оид билим, кўникма ва анъаналар, маданиятни ривожлантириш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, атроф муҳитни муҳофаза қилиш каби тушунчалар ўрнини алмаштиришни таклиф қилади. Бу талқинда касбий

[34] Аксенов С.И. Функции полипозиционного подхода в создании оптимизирующей молодежной среды вуза [Электронный ресурс] / С. И. Аксенов, Р. У. Арифулина, Е. А. Белова [и др.] // Вестник Мининского университета. – 2013. – № 4.

мобиллик инсон билимининг турли соҳаларида умумлаштирилган кўникма ва қобилиятларни бирлаштирган кўп қиррали тушунча сифатида намоён бўлади[35].

Россиялик тадқиқотчи М.И.Дяченько ва Л.А.Кандюбовичларнинг таъкидлашича, касбий мобилликнинг асоси, авваламбор, юқори даражада умумлаштирилган касбий билимлар, умумлаштирилган профессионал техникавий тизимларни ўзлаштириш ва самарали ишлаш қобилиятидир. Лекин улар ўз касби доирасидаги ҳар қандай вазифаларни бажариш учун ишлатилиши мумкин[36].

Тадқиқотчи А.В.Кирьякова ушбу концепцияда баҳоловчи жиҳатни ажратиб кўрсатиб, касбий мобилликни «шахснинг ўзи, у истиқомат қилаётган муҳит, касбий иерархия маконидаги функционал ҳолат ҳаракатлари билан доимий баҳолаш шарт», деб изоҳ беради[37]. Касбий мобиллик - ҳаёти давомида ўз касби ёки кучини ишлатиш соҳасини ўзгартириш қобилиятидан иборат бўлган ижтимоий мобиллик тури.

Замонавий ижтимоий-маданий ҳаётнинг динамизми касбий ва мутахассислик нуқтаи назаридан жамиятда ўзгариб бораётган мобиллик тартиби ва давр талабларига тезкор жавоб берадиган тегишли касбий мавқега хосликни талаб қилади. Шу муносабат билан сўнгги йиллардаги илмий адабиётларда бизнинг тадқиқот муаммомиз доирасидаги жиҳатларга «касбий мобилликнинг янги меҳнат воқелиги» тушунчаси қўлланилмоқда[38]. Бу қатор ўзгаришларга боғлиқ: жамиятнинг касбга бўлган муносабати ва мобил шахс образи; касбий таълим натижалари сифатига қўйиладиган давлат ва ижтимоий

---

[35] Архангельский А. И. Формирование профессиональной мобильности у студентов в процессе обучения в технических вузах [Текст]: дис. ... канд. пед. наук . 13.00.01. – М., 2003. – 146 с.

[36] Литвинов Л.А. Педагогическо-социологические условия проектирования направленности на будущую профессиональную деятельность студентов колледжа [Текст]: автореф. дис. ... канд. пед. наук: 21.10.05. – Екатеринбург,2006. – 25 с.

[37] Кирьякова А.В. Аксиологическая концепция в ориентации личности в мире образования [Текст] // Вестник ОГУ. – 1999. – № 1. – С. 13–19.

[38] Игошев Б.М. Организационно-педагогическая система подготовки профессионально мобильных специалистов в педагогическом университете [Текст] : моногр. – М.: ВЛАДОС, 2008. – 201 с.

талаблар; очиқ ахборот олиш ва тарқатиш муҳитининг шакли; мобил шахс касбий стандартининг жорий этилиши[39].

Бу ўзгаришлар, албатта, касбий вазифаларнинг кенгайиши ва мавжуд фаолиятнинг мураккаблашишига олиб келади.

Биринчидан, замонавий меҳнат воқеликда мобил шахснинг ижтимоий, маданий ва касбий мобилликка мослашиши учун етарли эмас[40].

Иккинчидан, ижтимоий ва маданий мобилликдан фарқли ўлароқ, мутахассиснинг касбий билим ва кўникмаларини бойитишга, бир хил ёки турли касблар бўйича мутахассислиги ва иш жойини ўзгартиришга тайёрлигини назарда тутади. Мутахассис фаолиятига келсак, илмий адабиётларда «мобил мутахассис» тушунчаси шахснинг таълим жараёнида ўзга субъектлар: ўқитувчи, ўқувчи (тингловчи)лар, ота-оналар, ҳамкасблар, маъмурият, атроф муҳит, жамият вакиллари билан бўладиган фаолиятни ташкил этиш қобилияти сифатида ишлатилади.

Меҳнат бозоридаги мавжуд вазият, мобил шахснинг малакасига қўйиладиган талабларнинг ортиши, касбий фаолиятни стандартлаштириш ва фаоллаштириш феномени шахсий касбий мобиллик каби сифатларни шакллантириш заруриятини келтириб чиқарди. Социологик адабиётларда мутахассиснинг вертикал ва горизонтал касбий мобиллиги ажратиб кўрсатилади. Биринчиси, асосан, мақом ўсиши билан боғлиқ бўлса, иккинчиси, ходимнинг меҳнат реаллари ўзгараётган шароитда самарали касбий фаолият кўрсатиш қобилиятини англаш билан фарқланади.

Албатта, қўшимча касбий функциялар пайдо бўлиши, янги ёндашувларни амалга ошириш ва янги соҳага оид технологияларни ишлаб чиқиш, шунингдек,

---

39 Большой толковый социологический словарь / сост. Д. Джер- ри, Дж. Джерри. – Москва: Вече, АСТ, 1999.с–588

40 Калиновский, Ю.И. Развитие социально-профессиональной мобильности андрагога в контексте социокультурной образовательной политики региона. Текст : дис. … д-ра пед. наук . 13.00.01. – СПб., 2001.с-470.

касбий мобиллик чегарасининг кенгайиши ва мураккаблашиши тадқиқотчидан қўшимча вақт талаб қилади ва унинг илмий "юки"ни сезиларли даражада оширади. Шундай қилиб, бу катта роль репертуарини ўзлаштириш зарурати, бизнинг фикримизча, замонавий мутахассислик фаолиятининг энергия сарфи кучайиши ва сезиларли даражада ошишининг сабабларидан бири бўлиб қолади.

## 1.3-§. Ички миграция жараёнларида шаҳар ва қишлоқ мигрантлари касбий мобиллигининг социал ҳолати

Сўнгги йилларда мамлакатнинг урбанизация жараёнининг жадаллашиши қишлоқдан шаҳарга келувчилар, яъни ички миграция кескин ортишига сабаб бўлди. Мустақилликнинг дастлабки йилларида паспорт тизимининг мавжудлиги мазкур жараёнлар сунъий пасайиши учун хизмат қилди. Халқаро ташкилотлар томонидан прописка тизимининг бекор қилиниши ижобий ўзгариш сифатида эътироф этиб келинмоқда. Жумладан, Жаҳон банкининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Хидеки Морингнинг эътиборини тортган яна бир жиҳат - аҳолининг турар жойда рўйхатга олиш, прописка масаласининг ислоҳ этилиши, иш ва яшаш учун одамларга танлаш ҳуқуқи ҳамда мамлакат бўйлаб бемалол ҳаракатланиш имкони берилиши керак[41].

Мамлакатда эркин ҳаракатланиш имконияти берилиши, яъни «тебранувчи» ишчи кучининг мавжудлиги охир-оқибатда иқтисодий ўсиш учун хизмат қилишини катта эҳтимол билан кутиш мумкин. Бундай жараённинг халқаро тажрибада ҳам фойдалилиги исботланган. Хусусан, узоқ йиллар давомида Хитой «Хукоу» сиёсатининг ислоҳ қилиниши натижасида мамлакатда иқтисодий "портлаш"ни келтириб чиқарганлигини айтиш мумкин[42].

---

[41] «Халқ сўзи» газетаси, 2020 йил 30 январь.

[42] Chan, Kam Wing. "Xitoyda uy xo'jaliklarini ro'yxatga olish tizimi va mehnat muhojirlari: munozara haqida eslatmalar." Aholi soni va rivojlanishi 36,2 (2010): 357-364.http://faculty.washington.edu/kwchan/Chan-Hukou.pdf

Шаҳар ва қишлоқ аҳолиси турмуш тарзида мавжуд фарқларни ҳам доимо эътиборга олиш муҳим. Мамлакатимиз қишлоқ аҳолиси ўртасидаги фарқ ҳам ички миграция жараёнларига таъсир этиши айни ҳақиқат.

Ички миграция жараёнлари касбий мобилликнинг ўзгаришига ўз таъсирини кўрсатмоқда.

Мамлакатимиз Президенти Ш.Мирзиёев эътироф этганидек: «Урбанизация жараёнларини жадаллаштирган ҳолда ҳудудларни комплекс ривожлантириш, аҳоли учун муносиб турмуш шароитини яратиш керак. Ана шу ишлар доирасида еттита йирик шаҳар – Андижон, Бухоро, Самарқанд, Қарши, Фарғона, Наманган, Нукусга туташ бўлган 12 та йўлдош шаҳарча танлаб олиниб, уларни ривожлантириш юзасидан комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқилади»[43]. Мазкур вазифа билан боғлиқ яна бир масала шуки, асосий ишчи кучи яшайдиган ва иш ўринлари яратилаётган ҳудудлар ўртасида тафовут мавжуд. Бунинг ечими – ички миграцияни эркинлаштириш.

Ҳудудларни тизимли ўрганиш, бир томондан, ички мигрантлар касбий мобиллигини ошириш ва прогнозлаштириш имкониятига олиб келади, иккинчидан, касбий мобилликнинг парадигмал ўзгаришлар йўналиши ва ички миграция сиёсатининг институционал стратегик вазифаларини белгилаб беради.

Инсон нафақат яхши ҳаёт кечиришга, балки жамиятда касбий мақомини трансформация қилиш орқали ўзини намоён қилишга интилади. Бироқ, бу интилиш фақат очиқ, демократик жамиятлардагина амалга ошиши мумкин. Бошқача айтганда, бундай мотивация ва саъй-ҳаракатларсиз индивидуал социал мобиллик ўз ижтимоий мазмуни ва аҳамиятини йўқотади.

[43] Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 24.01.2020./ lex.uz

Юқорида айтиб ўтилганидек, жаҳоннинг ривожланган давлатларидан бири бўлган ХХРда қишлоқ ички меҳнат мигрантларининг умумий сони 2010 йилда тахминан 155 миллион кишини ташкил этган. 1990 йиллар ўрталаридан бошлаб Хитой экспорт саноатининг асоси бўлиб келган Шензҳен ва Донггуан каби экспорт марказларида XXI аср бошларида меҳнат мигрантлари ишчи кучининг катта қисмини (70-80%) ташкил этди. Қишлоқ-шаҳар миграцияси Хитой урбанизациясида жуда муҳим роль ўйнади. Охирги 30 йил ичида Хитойнинг шаҳар аҳолиси сони сўнгги ўн йилликда кескин ошиб, 2021 йилда 914 миллионга етди. Мисол учун, 2011 йилда шаҳар аҳолиси сони 699 миллионни ташкил этган. Мос равишда қишлоқ аҳолисининг улуши 2011 йилда 649 миллионни ташкил этган бўлса, 2021 йилга келиб 498 миллионни ташкил қилмоқда. Мазкур рақамлар урбанизация ва ички миграция жараёнлари давлат тараққиётида муҳим аҳамият касб этишини кўрсатиб турибди[44]. Меҳнатга лаёқатли аҳолининг шаҳарларда жамланиши улар ўз маҳоратларини намоён қилиш учун социал макон бўлиб хизмат қилишини қайд этиб ўтиш лозим.

Дунёнинг аксарият мамлакатларида ички миграция шунчаки жисмоний ҳаракатни англатмайди. Мигрантларга янги ҳудудга ўтгандан сўнг, одатда, маълум муддат овоз бериш ҳуқуқи ва ижтимоий таъминотдан фойдаланиш ҳуқуқи берилган.

Ички миграциянинг икки жиҳати - ҳаракатланиш ва фуқаролик кўпинча бир-бирига қарама-қарши бўлади: яъни янги жойга кўчиб ўтиш мумкин, лекин айни пайтда жамият аъзолигига асосланган хизматлар ва имтиёзлардан фойдаланишдан доимий равишда маҳрум бўлиши мумкин. Мисол учун, Хитойда янги жойга кўчиб ўтган, лекин маҳаллий фуқароликка эга бўлмаганлар ҳукоусиз аҳоли деб аталади[45].

---

[44] Urban and rural population of China from 2011 to 2021. https://www.statista.com/statistics/278566/urban-and-rural-population-of-china/

[45] China's Hukou System at 60: Continuity and Reform. https://www.researchgate.net/publication/324106192

«Вертикал» қишлоқ-шаҳар табақаланиши нафақат касбий мобилликни, балки «горизонтал» табақаланишни ҳам яратди. Қишлоқ ва шаҳар ўртасида, шунингдек, шаҳар секторида сезиларли горизонтал табақаланиш мавжуд. Мустақилликдан олдинги даврда режали иқтисодиёт принципига таянилган ва иқтисодий вазифалар, шунингдек, ҳудудни бошқаришни амалга ошириш бошқарув ва иқтисодиётда иш бирликларининг юқоридан пастга маъмурий буйруқбозлик асосида амалга оширилган.

Ушбу иерархик маъмурий тизим буйруқбозлик ҳокимияти тизимининг бир қисми бўлса-да, мустақиллик йилларида хам айрим соҳаларда ўз фаолиятини давом эттирмоқда.

Социал-иқтисодий жиҳатдан парадигмал ўзгаришлар параметрлари, ички миграцион касбий мобилликни бозор муносабатлари шароитида характерини кўрсатувчи детерминт омили сифатида изоҳлаш мумкин. Шу сабабли, урбанизация жараёнларида ишлаб чиқариш ва маиший хизмат кўрсатиш соҳалари ҳудудлар кесимида ижтимоий-иқтисодий ривожланиши учун замонавий инфратузилмани сифат кўрсаткичларига олиб келади.

Шунингдек, ички миграция жараёнларида касбий мобиллик эркинлаштиришга олиб келинмаса, шаҳарлар ва қишлоқ аҳолиси мавжуд имкониятлардан фойдалана олмаса, инфратузилма инсон капиталини ривожлантиришга таъсир қилади. Мамлакатда олиб борилаётганислоҳотлар натижасида айтиш мумкинки, ички миграция жараёнларини назорат қилиш ва бошқариш билан урбанизация универсал жиҳатдан имкониятларга эга бўлмайди.

Шу боисдан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 10 январдаги «Урбанизация жараёнларини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5623-сон Фармони асосида давлат дастурининг

амалга оширилиши мамлакатда ички миграция жараёнларини тартибга солишга хизмат қилади:

***биринчидан,*** касбий мобиллик ижтимоий ҳаракатнинг объектив шарт-шароит ва субъектив омилларини ҳам, парадигмал параметрлар универсаллиги билан илмий-амалий проксологик аҳамиятини ҳам конкретлаштиради;

***иккинчидан,*** касбий мобилликнинг горизонтал йўналишдаги социометрик парадигмал ўзгаришларини ўрганиб, ишлаб чиқариш индексларини аниқлаш ҳамда корреляцион методлари ва прогнозлаштириш муҳим аҳамиятга эга;

***учинчидан,*** касбий мобилликнинг рағбатлантирувчи механизмлари ҳамда трансформацияси соҳалар бўйича диверсификациясининг касби ва даромади кўрсаткич даражасининг ҳудудий хусусиятларини идентификацияси муҳим аҳамият касб этишини назарда тутишимиз керак. Марказий Осиё минтақасидаги давлатлар ўртасида аҳоли сонининг кўпайишини Ўзбекистон мисолида кўриш мумкин. Ўзбекистоннинг доимий аҳолиси сони 2020 йил 1 январь ҳолатига кўра, 33905242 кишини ташкил этиб, нисбатан 2021 йил 1 январда 653649 кишига ёки 1,93 %га ўсган[46].

2019 йил ҳолати бўйича собиқ Иттифоқ таркибида бўлган республикаларда аҳоли зичлиги, яъни 1 км$^2$ га тўғри келадиган аҳоли сонини таҳлил қиладиган бўлсак, қуйидаги ҳолатни кузатиш мумкин: Россия Федерациясида 1 км$^2$ га – 8,57 киши, Қозоғистонда 1 км$^2$ га – 6,79 киши, Қирғизистонда – 32,9 киши, Тожикистонда – 42,8 киши, Туркманистонда – 13,0 киши, Ўзбекистонда – 75,5 киши тўғри келади. Собиқ Иттифоқ республикалари ичида аҳоли сони зичлиги бўйича Ўзбекистон етакчилик қилмоқда.

---

[46] Ўзбекистон Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.

Жаҳон миқёсида аҳоли сони зичлиги бўйича биринчи ўринда Монако (1 км$^2$га 16205 киши), иккинчи ўринда Сингапур (8404,5 киши) ва учинчи ўринда Мальта (1261,0 киши) давлати туради. Аҳолиси энг кўп давлат ҳисобланадиган Хитойда 1 км$^2$ га 153,0 киши (2020 й. ҳолатига кўра) тўғри келади.

Шунингдек, жамиятда демографик кўрсаткичлар трансформациясининг параметрлари ва ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан аҳоли маънавий қиёфасига ҳам таъсирини белгиловчи инновацион «Касбий мобиллик харитаси»ни яратиш ҳамда касбий мобиллик бўйича мунтазам социологик тадқиқотлар олиб бориш ва истиқболларини прогноз қилишда географик-демографик мезонларни ишлаб чиқишни тақозо қилади. Бу ҳолатда урбанизация жараёнларида шаҳар ва қишлоқ аҳоли қатламининг ҳаёт сифат даражасини ошириш, ҳудудий интегратив алоқаларни ошириш механизмларини яратиш давр талабига айланди. Умуман, ички ва ташқи миграцион мобиллик тарихда доимий ижтимоий ҳолат сифатида муайян таъсирини кўрсатган. Ўзбекистон ҳудудида демографик ўсишда XIX асрдан бошлаб кескин ўзгаришлар бўлди. Бу жараёнда аҳоли параметрларини аниқлаш, миқдор кўрсаткичлари даражаси, умумий коэффиценти, миллати ва ёши, аҳоли сони ошиш суръатлари, худудий хусусиятларида ўз аксини топган. Туб аҳолининг асосий миграцион мобиллиги паст даражада бўлган. Чор Россияси ҳукумати мустамлакачилик сиёсатининг сиёсий-социологик мезонлари ташқаридан кўчириб келувчилар ҳисобига ўсиши ва маданий ассимиляция қилиш натижаси эди. Стратегик ички миграцион мобилликни амалга ошириш учун янги шаҳарчалар ташкил этилган. Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий муҳити, хусусан, салкам 150 йил мустамлака бўлиб келгани унинг демографик ривожига, жумладан, аҳолининг миллий таркибига жуда катта таъсир кўрсатган. Аҳолининг умумий

сони, ҳудудлар бўйича таксимланиши, ёши, жинси, ижтимоий ва миллий таркиби, табиий ўсиши, миграцияси ва бошқалар ҳақида аҳоли рўйхатини ўтказиш орқали тўлиқ маълумот олинади. Ўзбекистонда аҳоли рўйхати кейинги 100 йил ичида бир неча марта (1897, 1920, 1926, 1939, 1959, 1970, 1979 ва 1989 йилларда) ўтказилган.

Статистик маълумотлар таҳлилига кўра, Ўзбекистонда 1939 йилги аҳоли рўйхатида 97 та, 1959 йилги рўйхатда 113 та, 1979 йилги рўйхатда 120 дан ортиқ миллат ва элат яшаган. 1989 йилги аҳоли рўйхатидан 125 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари истиқомат қилиб, уларнинг умумий сони 19 млн. 810 минг киши эканлиги маълум бўлди[47].

1925 йил бошларида жами 8 131 062 кишидан иборат бўлган Ўрта Осиё республикалари аҳолисидан 3 963 285 киши Ўзбекистон ССРга ўтди, улардан ўзбеклар 3 381 579 кишини, яъни республика аҳолисининг ¾ қисмини ташкил этган. Ўрта Осиё республикаларида яшовчи барча ўзбекларнинг карийб 90 %и Ўзбекистон ССР ҳудудида яшаган[48].

1926-1939 йиллар оралиғида Ўзбекистон аҳолиси 1 700 000 кишига кўпайган, унинг 38,2 %и ёки 650 минг кишини собиқ СССРнинг марказий ҳудудларидан келганлар ташкил этган. Шунингдек, улар республикада Европа миллатига мансуб аҳолининг 6,4 %дан 15,0 %га ўсишига олиб келган[49].

Ички мигрантларни кўчириш ҳисобига шаҳарлар аҳолиси сезиларли даражада ўсган. Масалан, XX аср 20-йиллари иккинчи ярмида Тошкент шаҳрига келган 81,5 минг нафар мигрантдан 33,5 минг нафари ёки 41,1 %и доимий яшаш учун қолиб кетган[50].

---

[47] Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси.-Тошкент: Давлат илмий нашриёти, 2006.
[48] Ўзбекистон тарихи (1917-1991 йиллар). Биринчи китоб (1917-1939 йиллар). –Тошкент: Ўзбекистон, 2019.
[49] Узбекистан. Экономика-географическая характеристика. – Ташкент.: 1950.
[50] Тошкент ШДА, 10-фонд, 1-рўйхат, 631-иш.

Бу ҳолат маъмурий-ҳудудий, социомаданий янги социал демографик муносабатларнинг маданий интеграциялаштириш имкониятларини яратишга асос бўлди.

Шу боисдан собиқ Иттифоқ республикаларидан қурилиш соҳалари бўйича мигрантлар жалб қилиниши ва уларни Ўзбекистонда қолиб кетиши демографик муаммоларни келтириб чиқарди, кичик ва йирик шаҳарлар инфратузилмаси ҳам ўз аҳолиси сонининг ошишига социал-иқтисодий ҳамда демографик томондан тайёр бўлмаган.[51]

Социологик тадқиқот натижаларига кўра, респондентларнинг 27,6%и ички миграция жараёнларини ижобий жиҳатдан баҳолаган бўлса, 25% бу ҳолатни салбий томондан баҳолашган[52]. Ички миграция жараёнларида касбий мобиллик ўзгаришларини детермент омил сифатида баҳолаш керак, сабаби бу парадигмал ўзгаришлар ҳар доим ***шаклланган ментал ҳудудий хусусиятлар аҳоли мотивига*** мос келмайди.

Қуйида сўров иштирокчиларининг мамлакатда ички миграция жараёнларида касбий мобилликни ривожлантириш учун нималарга эътибор бериш зарурлиги ҳақидаги фикрлари келтирилган (1-жадвал):

[51] Ўзбекистон тарихи (1917-1991 йиллар). Биринчи китоб (1917-1939 йиллар). –Тошкент: Ўзбекистон, 2019.
[52] Республика вилоятлари кесимида 2020-2021 йилларда ўтказилган эксперт сўрови натижаларининг таҳлил натижалари.

**1-жадвал**

**Ички миграция жараёнларининг корреляцион боғлиқлик таъсири ва муаммоларни ечиш учун таклифлар**

| | нафар | % |
|---|---|---|
| Ҳудудий хусусиятлардан келиб чиқиб иш ўринлари яратиш зарур | 82 | 16,05 |
| Иш ҳақини касблар рейтинги асосида ошириш ва нарх-навони пасайтириш керак | 42 | 8,22 |
| Касбий мобиллик дислокациясини тизимли мониторинг қилиш ҳамда унинг механизмини ишлаб чиқиш зарур | 37 | 7,24 |
| Ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва маиший хизматлар турларини яхшилаш лозим | 55 | 10,76 |
| Аҳолини рўйхатга олишда шаҳар ва қишлоқ ички мигрантларининг индикатор кўрсаткичларини яратиш лозим | 51 | 9,98 |
| Мигрантлар учун яшаш жойлари яратиш керак | 65 | 12,72 |
| Касбий мобиллик бўйича «юмшоқ сиёсат»ни амалга ошириш зарур | 50 | 9,78 |
| Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини кўчайтириш ва ҳуқуқий маданиятни ошириш керак | 14 | 2,74 |
| Коррупцияни йўқотиш лозим | 18 | 3,52 |
| Инсон капиталини ошириш керак | 14 | 2,74 |
| Ички миграция бўйича ривожланган мамлакатлар тажриба алмашинуви ва моделини ишлаб чиқиш керак | 9 | 1,76 |
| Билмайман | 28 | 5,48 |
| Жавоб беришга қийналаман | 23 | 4,50 |
| Жавоб йўқ | 23 | 4,50 |
| Жами | 511 | 100 |

Экспертлар фикрича, ички миграция жараёнларида касбий мобиллик ўзгариш тенденцияларини салбий ҳолат сифатида қарашларига турли омиллар таъсир кўрсатган. Улар асосий омил сифатида вақтинча оиласи билан ишлаш имкони йўқлиги, оилавий интеграцияси ва маданий муносабатлар, иш шароитига мослашиш каби ҳолатлар билан боғлиқ муаммоларни келтириб ўтишган.

Ички миграция жараёнларининг социо маданий муҳитга мослашуви ҳамда ягона концепция ишлаб чиқишда уни стратегик жиҳатдан социометрик ўлчов асосида ўрганишни тақозо қилади. Касбий мобилликни ривожлантиришга оид нодавлат ташкилотлари ва жамоатчилик назоратини ошириш механизмларини такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади. Миграция жараёнини математик моделлаштириш билан шуғулланувчи социологлар, истиқболини прогнозлаштирувчи футурологлар унинг миқдор кўрсаткичларини ифодалашда математик, кибернетик методлардан фойдаланиб, умумий ривожланиш тенденцияси қонуниятларини кўрсатиши, схематик тасаввурларни шакллантириши муҳим аҳамиятга эга.




**1-расм. «Кўчиб ўтган жойингизда қайси мутахассисликда ишлаяпсиз?» сўров натижалари**

Сўралганларнинг ярмидан кўпи (1-расм) мамлакатнинг бошқа вилоятидан ўз жойларидаги доимий яшаш жойига кўчиб келган Ўзбекистон фуқаролари, асосан, шу ерда ўз мутахассислиги бўйича (47,3 %и) ишлаётганини қайд этган бўлса, 14,5 %и ўхшаш мутахассислик бўйича ишлаган, 22,3 %и бошқа соҳада ишлаган. Уларнинг 11,3 %и «махсус тайёргарлик талаб қилинмайдиган жойда ишлайман» деган жавоб берган бўлса, қолган 4,6 %и жавоб беришга қийналган.

## Биринчи боб бўйича хулосалар

1. Касбий мобиллик ички миграция жараёнларида фаол иштирок этадиган шахснинг ижтимоий тизимда алоҳида ўрин тутишида муҳим аҳамият касб этади. Касбий муносабатларда интеллектуал салоҳияти билан ажралиб турувчи кишиларга хос хусусиятлардан унумли фойдаланиш ижтимоий муносабатларда самарали натижалар беради.

2. Ички мигрант – доимий ёки вақтинчалик мобил ҳаракатда бўладиган, у ёки бу мамлакатнинг фуқароси бўлиб, давлат тилида сўзлаша оладиган, ўзи истиқомат қилаётган давлатнинг худудий жойлашишига кўра этник ва маданий-тарихий маълумотларга эга шахс.

3. Касбий мобиллик инсон тафаккурининг қисқа фурсат ичида аниқ фаоллашиш ҳолати бўлиб, бу янги билим, интеллектуал кўникма ва малакаларни юқори тезликда ўзлаштиришини таъминлайди. Шунингдек, касбий салоҳият махсус таълим ёки касбий тажрибаси бўлмаган ишчи-ходимлар фаолияти самарадорлигини кафолатламайди.

4. Жамиятдаги ҳар қандай касбий мобиллик ижтимоий бошқарув тизимини ҳаракатга келтирувчи реал куч сифатида муҳим аҳамият касб этади. Ахборотлашган жамиятда касбий кўникма кўп соҳалар учун пойдевор вазифасини ўтай бошлади. Шундай бўлсада, унга нисбатан илмий тадқиқотларда социологик ёндашувнинг таъсири кам сезилади. Илмий манба ва

тадқиқот ишлари таҳлил этилганда, илгари сурилаётган масала бўйича фалсафа, психология, менежмент йўналишларида изланишлар олиб борилгани маълум бўлди. Бу эса социология фани олдига жиддий талаблар қўяди.

5. XXI асрда ички миграция социал бошқариш объектининг муҳим характеристикасига айланди. Сўнгги йилларда илмий бошқарувда ички миграция диагностикаси мультидисциплинар тадқиқотлар объектига айланди. Кишининг касбий мобиллиги эса мультидисциплинар тадқиқот объекти бўлиб, когнитив парадигмалар оламини шакллантирди. Бунда когнитология фани таянч йўналиш сифатида социология, лингвистика, кибернетика, мантиқ, психология фанлари ютуқлари асосида шаклланди, соҳалараро мажмуавий илм-фан тармоғи сифатида ривожланди.

# II БОБ. ИЧКИ МИГРАЦИЯ ЖАРАЁНЛАРИДА КАСБИЙ МОБИЛЛИКНИНГ ИНСТИТУЦИОНАЛ ДИНАМИКАСИ

Ички миграция жараёнларида касбий мобиллик йўналишлари гармонияси уларнинг корреляцион алоқадорлик характери ва даражаси, объектив шарт-шароитлари ва субъектив омилларини рағбатлантирувчи механизмлари билан бевосита боғлиқ бўлиб, унда ички миграция жараёнларида касбий мобилликнинг парадигмал ўзгаришлари асосий ўрин тутади.

Зеро, бундай ижтимоий ҳолатларни ўрганиш миграция жараёнларининг динамик ривожланиш тенденцияларини моделлаштириш ва прогнозлаштиришда мутасадди давлат ташкилотлари ва фуқаролик институтлари миллий-амалий тажрибаларини умумлаштирган ҳолда «Ички миграцион касбий мобиллик назарияси» фанининг ривожланишига назарий-методологик асос сифатида хизмат қилади.

## 2.1-§. Ички ва ташқи миграция жараёнларини ташкиллаштириш ва бошқариш функциялари

Ички миграция жараёнларининг парадигма ўзгаришларида касбий мобиллик параметрлари ҳамда динамик кўрсаткичларини башорат қилиш бўйича кузатишларимиз асосида амалий тавсиялар ишлаб чиқдик, уларни ҳавола қиламиз.

Ўз ечимини кутаётган масалаларга жамият социал бирликлари муайян мезон сифатида ривожланиш стратегиясини ишлаб чиқишда аҳолининг касбий малакасини, меҳнат ресурсларини ҳаракатлантирувчи мотив механизмлари, диффренциал ва субординацион ёндашув тарихий даврлар учун хос бўлган касбий мобиллик жараёни даражасини белгилашда жамиятнинг турли эҳтиёжлари, субъектив омиллари ва потенциал имкониятлари сифатида қаралди. Ички миграция жараёнларида касбий мобиллик ҳақидаги назария ва фикрлар эътироф этилган, уларга статистик-социологик нуқтаи назардан муносабатлар билдирилиб, маълумотлар тақдим этилган. Бундай ижтимоий

ёндашувлар далилларнинг тизимли социологик таҳлиллари, муайян даврда жамият демографик манзарасининг конкрет иллюстрацияси ва функционал аҳамиятини яхлит англаш имконини яратади ҳамда тарихий ривожланиш генезисининг ретроспектив асослари ва босқичлари, тажрибасини умумлаштирган тарзда ойдинлаштиради.

Бошқача айтганда, дунё демографик манзарасида бир-бирига қарама-қарши икки теденция кузатилмоқда. *Биринчисида* – моддий ва маънавий ишлаб чиқариш соҳаларида ишлайдиган, иқтисодий ўсишни таъминлайдиган ва солиқ тўлайдиган фаол одамларнинг абсолют ва нисбий сони камайиб бормоқда. *Иккинчисида* – ишламайдиган, аммо нафақа оладиган, жамият тиббий ва ижтимоий ғамхўрлигига муҳтож, давлат ижтимоий таъминотига қарам одамлар кўпаймоқда. Миграция жараёнларини рационал ташкил этиш[53], ички миграция жараёнларини назарий жиҳатдан моделлаштириш ва прогнозлаштиришда, асосан, икки мақсад кўзга ташланади, биринчиси – объектнинг келажаги ҳақидаги умумий социологик тасаввурларни конкретлаштириб, унинг идеалини яратиш жараёнини самарали ташкиллаштириш, оқилона бошқариш йўлларини аниқлаш; иккинчиси – миграция жараёнида шаклланган иқтисодий муносабатларнинг конструктив-рационал оптималлаштириш модели моддий ишлаб чиқариш корхоналарини оқилона жойлаштириш, технологик жараённи такомиллаштириш, меҳнат бозорида талаб ва таклифни, мулк муносабатларини оптималлаштириш. Уларнинг ўзаро боғлиқлиги, жамият миграцион муҳитининг яхлит манзараси, демократик-гуманистик характери, ривожланиш даражаси ҳақидаги илмий тасаввурлар уларнинг математик моделларини шакллантиришга асос бўлади.

Шу боисдан Президентимизнинг “Асосий ишчи кучи яшайдиган ва иш ўринлари яратилаётган ҳудудлар ўртасида мавжуд тафовутларни бартараф этиш учун ички миграцияни эркинлаштириш лозим»[54], деган фикри

---

[53] Пармонов Ф. Миграция жараёнлари: трансформацияси ва интеграциялашув тенденциялари: Фан доктори (DSc) диссертацияси. https://oak.uz/pages/6025

[54] «Халқ сўзи» газетаси, 2020 йил 30 январь.

фуқароларнинг горизонтал ва вертикал ижтимоий мобиллиги, шунингдек, миграция жараёнларидаги фаолликларини тартибга солишнинг концептуал асосларини ишлаб чиқишни тақозо қилади.

БМТ маълумотларига кўра, 2050 йилга бориб 30 та Европа давлатида аҳоли сони камайиши кутилмоқда[55]. Айни пайтда, АҚШ аҳолиси юқори даражада миграциявий ўсиш ва тугилиш даражасининг Европага нисбатан юқорилиги туфайли шунча фоизга ошади. Яъни, 1995 йилда АҚШ аҳолисидан 105 млн. ортиқ бўлган Европа аҳолиси 2050 йилга бориб, ундан 18 млн. кам аҳолига эга бўлади. Шунинг учун мазкур муаммо ечимида тугилиш ва ўлим нисбатига таъсир қилишдан кўра, миграцияга таъсир қилиш осонлигидан келиб чиқиб, бу жараённи илмий прогнозлаштириш ва моделлаштириш керак.

Касбий мобиллик жараёнларини моделлаштириш билан шуғулланувчи мутахассислар, келажакни башорат қилувчи футурологлар, асосан, унинг сон кўрсаткичларини ифодалашда математик, кибернетик методлардан фойдаланадилар. Бу тадқиқот усуллари, албатта, ички миграция объекти, субъектининг умумий ривожланиш тенденцияси ҳақида график-схематик тасаввурларни шакллантириши билан муҳим аҳамиятга эга. Бироқ, миграция билан боғлиқ ижтимоий муносабатлар, айниқса, унинг ижтимоий-руҳий, маънавий-маданий, ғоявий-мафкуравий кўрсаткичлари ҳақидаги статистик-социологик маълумотлар соф математик ҳисоб-китоблардан, сонларнинг оддий систематик-корреляцион алоқадорлигидан иборат эмас.

Бошқача айтганда, ҳар қандай ижтимоий объект модели математик формулаларга, схема, стандартларга қатъий бўйсунмайдиган, динамик ўзгарувчан ижтимоий-психологик стереотипларга, маънавий-ахлоқий нормаларга, ўзаро зиддиятли субъектив-индивидуал манфаатларга асосланади. Уларнинг имманент белгиларини, фақат фалсафа, социология ва бошқа ижтимоий-гуманитар фанларнинг назарий-методологик асосларига, мантиқий

[55] https://population.un.org/wpp.

таҳлилига таянган ҳолда аниқлаб, умумий ривожланиш йўналишларини моделлаштириш ва истиқболларини прогнозлаштириш мумкин.

Ички миграция жараёнларида касбий мобилликни бошқариш, оптималлаштириш ва демократиялаштириш назарияси (социология фанининг махсус илмий йўналиши сифатида) жамият ижтимоий-иқтисодий ҳаётига, ундаги ўзгаришларга муносабатнинг махсус шакли ҳисобланади. Чунки инсоннинг реал ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги ўзгаришлар, бир томондан, кишиларнинг ижтимоий онги, ҳаёт тарзи, социал мобиллиги ҳақидаги илмий тасаввурларига асосий детерминлаштирувчи омил сифатида таъсир этади; иккинчи томондан, илмий тасаввурлар, жамият ижтимоий-иқтисодий борлиғини ўзгартириш стратегияси ва тактикасини белгилаш шартидир. Чунки мустаҳкам фундаментал назарий асосга таянмаган ҳар қандай амалий фаолият муваффақиятсизликка олиб келади.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2019 йил 7 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 27 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида «Ўзбекистон Республикаси мамлакат ичкарисида ёки ташқарисида бўлишидан қатъи назар, ўз фуқароларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш, уларга ҳомийлик кўрсатишни бундан буён ҳам кафолатлайди ва барча чораларни кўради»[56], деб таъкидлаган кўрсатмаси алоҳида аҳамиятга эга.

Шунинг учун ҳам ички миграцияга ижтимоий-иқтисодий муаммоларни бартараф қилиш, юмшатиш усули сифатида қаралмоқда. Демографик муаммолар вужудга келиши ва глобаллашуви ривожланган мамлакатларда мигрантларга, уларнинг сони ва сифатига эҳтиёж ошиб бориш тенденцияси жаҳон меҳнат бозорида ички миграциянинг келажаги рақобатли кечишини кўрсатмоқда[57].

---

[56] Мирзиёев Ш.М. Конституция ва қонун устуворлиги – ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятининг энг муҳим мезонидир // https: // uza.uz/oz/politics/konstitutsiya-va-onun-ustuvorligi-u-u-iy-demokratik-davlat-v-07-12-2019

[57] Шу ўринда БМТнинг 10 та глобал муаммоларни классификация қилиш тартибида ядро уруши, экология, хом ашё ресурслари муаммоларидан кейин демографик муаммонинг тўртинчи ўринда туришини эслатиш жоиз.




**2-расм. «Кўчиб ўтган жойингизда қанча йил яшадингиз?» сўров натижалари**

Ўтказилган тадқиқотда иштирок этганларнинг аксарияти узоқ вақт давомида ўзининг турар жойида яшаётганлар, масалан, 23,0 %и – 21 йилдан 30 йилгача ўз жойида яшаётган, 22,0 %и –11 йилдан 20 йилгача, 15,0 %и – 5 йилдан 10 йил ва ундан ортиқ, баъзан 30 йилдан ҳам кўп (2-расм). Бу шуни кўрсатадики, бугунги кунда асосий миграция оқими четга кетиш ҳисобига эмас, балки ички миграция ҳисобига тўғри келмоқда.

Меҳнат бозорида ички миграция мамлакатлараро тузилиши мўлжалланаётган шартномалар, муайян маъмурий ҳududнинг профессионал ишчи кучига, касбларга бўлган эҳтиёжни, инфраструктураси, тиббиёт ва таълимга оид муассасалар, яшаш жойлари харитаси кўрсатилган индивидуал прогнозлар ҳамда моделлари, уларнинг репрезентативлигини таъминлайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 31 октябрдаги “Ягона миллий меҳнат тизими” идоралараро дастурий-аппарат комплексини жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-4502-сонли қарори билан кенг

кўламда жорий этилаётган Ягона миллий меҳнат тизими орқали меҳнатга лаёқатли аҳоли ва республика барча ташкилотлари маълумотларини ушбу тизимга киритиш, 2020 йил 1 январдан эса электрон меҳнат шартномаси ва меҳнат дафтарчасига ўтиш белгиланди. Шунга мувофиқ, 2020 йилда Ягона миллий меҳнат тизими ва “Работа в России” порталини интеграциялаш орқали вакансиялар ва иш қидирувчилар базаси бўйича электрон маълумот алмашишни жорий қилиш фақат миграция жараёнини эмас, балки ички миграцион мобилликни ҳам прогнозлаштиришга асос бўлади.

2021 йил 1 январь ҳолатига кўра, Ўзбекистон Республикаси бўйича меҳнатга лаёқатли аҳоли сони[58] (2-жадвал).

**2-жадвал**

**Ўзбекистон Республикаси бўйича меҳнатга лаёқатли аҳоли сони**

| Вилоятлар | 2016 йил | 2017 йил | 2018 йил | 2019 йил | 2020 йил | 2021 йил |
|---|---|---|---|---|---|---|
| Қорақалпоғистон Республикаси | 1 091 397 | 1 105 093 | 1 115 918 | 1 127 049 | 1 135 956 | 1 147 893 |
| Андижон | 1 788 069 | 1 801 387 | 1 813 787 | 1 827 421 | 1 837 699 | 1 847 838 |
| Бухоро | 1 127 585 | 1 136 277 | 1 144 672 | 1 148 591 | 1 153 331 | 1 154 777 |
| Жиззах | 764 863 | 775 222 | 784 999 | 795 051 | 803 638 | 811 728 |
| Қашқадарё | 1 822 710 | 1 851 703 | 1 875 274 | 1 897 717 | 1 918 449 | 1 927 638 |
| Навоий | 577 333 | 581 020 | 585 117 | 592 398 | 595 925 | 599 382 |
| Наманган | 1 610 978 | 1 626 196 | 1 640 397 | 1 655 982 | 1 668 813 | 1 680 409 |
| Самарқанд | 2 150 829 | 2 173 189 | 2 194 674 | 2 218 554 | 2 237 531 | 2 254 225 |
| Сурхондарё | 1 458 914 | 1 480 615 | 1 499 314 | 1 519 661 | 1 536 753 | 1 547 654 |
| Сирдарё | 489 047 | 494 160 | 499 455 | 505 786 | 510 866 | 515 202 |
| Тошкент | 1 704 847 | 1 711 251 | 1 716 399 | 1 723 006 | 1 729 065 | 1 734 883 |
| Фарғона | 2 160 497 | 2 175 980 | 2 189 786 | 2 205 287 | 2 218 675 | 2 233 954 |
| Хоразм | 1 068 711 | 1 083 307 | 1 096 125 | 1 108 923 | 1 119 335 | 1 129 563 |
| Тошкент ш. | 1 441 268 | 1 445 410 | 1 454 178 | 1 466 331 | 1 485 602 | 1 549 904 |
| **Жами** | **19257048** | **19440810** | **19610095** | **19791757** | **19951638** | **20135050** |

[58] SVOD-3225, O‘zbekiston Respublikasi Davlat statistika qo‘mitasininig 2021-yil 12-avgustdagi № 01/3-12-16/2-268-sonli xati.

Республикада меҳнатга лаёқатли аҳоли сонининг ошиш тенденцияси кузатилмоқда. Касбий мобилликнинг 60 %дан ортиғи қишлоқ ҳудудларида истиқомат қилади. Касб малакаси ва ички миграцион жараёнларда хуфёна ишсизлик, айниқса, қишлоқ жойларидаги меҳнат бозорида саноат, қурилиш ва хизмат кўрсатиш соҳаларида ҳамда кичик ва ўрта хусусий тадбиркорликни ривожлантириб, янги иш ўринлари яратиш имкониятлари мавжудлигини[59] эътиборга олиш зарур.

Касбий мобилликнинг ҳудудий хусусиятларини ўрганиш мақсадида Тошкент шаҳри, Тошкент вилояти, Фарғона водийси вилоятларидаги математик моделлаштириш ва прогнозлаш масалаларини кўриб чиқдик. Математик моделлаштириш ва прогнозлашни ўтказишдан мақсад Ўзбекистон Республикасида ички миграция ҳолатини, яъни мамлакатимиз ичида аҳоли мобиллигига доир асосий тенденцияларни аниқлашдан иборат. Оптимал моделлаштиришда ўтказилган синовлар асосида тўпланган маълумотлар бўйича тузилган эмпирик формулалардан фойдаланилади. Эмпирик формулаларни ҳосил қилишнинг энг самарали усулларидан бири энг кичик квадратлар (ЭКК) усулидир. ЭКК усули функцияларни экстремумга текширишда ва номаълум функцияларни аппроксимациялаш (текислаш) билан тузишда самарали қўлланилади. Мазкур усулнинг матнини иккита $x$ ва $y$ ўзгарувчиларнинг боғланишига нисбатан келтирамиз.

Ўтказилган $n$ та кузатувлар натижасида $x$ нинг кетма-кет $x_1, x_2, ..., x_n$ қийматлари ҳосил қилинган. Ушбу кузатувларда $y$ нинг ҳам мос $y_1$, $y_2$,..., $y_n$ қийматлари топилган. Агар ушбу қийматлардан тузилган нуқталар $M_1(x_1, y_1)$,

[59] Қаранг: Инсон тараққиёти тўғрисида : ҳисобот. - Тошкент: Ўзбекистон, 2004. -180 б.

$M_2(x_2, y_2), \ldots, M_n(x_n, y_n)$ текисликда координаталар тизимида бирорта чизиқ атрофида тарқалган бўлса, унда аппроксимацияланувчи функция сифатида даражали кўпҳад $y=a_0+a_1x+a_2x^2+a_3x^3 ..+a_nx^n$ ни олиш мумкин. Бунда фақатгина $a_0$, $a_1$, $a_2$, $a_3$, ... ва $a_n$ лар ҳозирча номаълум параметрлар. Ушбу функционал боғланишдаги $a_0$, $a_1$, $a_2$, $a_3$... ва $a_n$ параметрлар қийматларини топиш учун нормал тенгламалар системасидан фойдаланилади. Аниқланган тенгламалар системаси асосида ижтимоий-иқтисодий ҳамда ҳудудий ривожлантириш ва такомиллаштиришнинг устувор йўналишларини математик усуллардан фойдаланган ҳолда 2016-2021 йилларда Ўзбекистон Республикаси бўйича меҳнатга яроқли аҳоли сонининг ўсиб бориши бўйича статистик маълумотлар динамикасини илмий жиҳатдан эконометрик таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ бўлиб, эконометрик моделининг EXCEL дастуридан фойдаланиб, $R^2=0,9997$, $t_{хисоб}=182,6$ ва $F_{хисоб}=33328,3$ ($\alpha=0,05$ бўлганда $t_{жад}=2,11$ ва $F_{жад}=2.272$) тенг бўлган ҳолатда меҳнатга яроқли аҳоли сонининг адекват регрессия модели қуйидагича ифодаланади:

Андижон вилояти бўйича:

$$Y_{\text{меҳнатга яроқли аҳоли сони}} = 22,188x^4 - 402,06x^3 + 2004,9x^2 + 9438.6x + 1777005$$

Бу ерда: $x$– вақт (йиллар).

Бунда аниқланган модель графиги билан ҳақиқатда Андижон вилояти бўйича меҳнатга яроқли аҳоли сонини таҳлил қилиш орқали айрим четланишларни кузатиш имконияти пайдо бўлади ва бу ўз-ўзидан илмий асосланган қарорлар чиқаришга ёрдам беради (3-расм).




**3-расм. Андижон вилояти бўйича ўзгариш динамикаси**

3-расмда келтирилган натижаларга кўра, аникланган математик модель Андижон вилояти бўйича меҳнатга яроқли аҳоли сони бўйича статистик маълумотлар динамикасини тўғри акс эттирганини кузатиш мумкин. Ушбу ҳолатни эса мамлакатда қабул қилинган Давлат дастурларини амалга ошириш, шу асосда жамият ва иқтисодиётнинг мувозанатли ривожланишини таъминлаш бўйича белгиланган вазифалар изчиллик билан амалга оширилганлигидан далолат беради.

2-жадвал маълумотлари асосида 2016-2021 йилларда Наманган вилоятидаги меҳнатга яроқли аҳоли сони бўйича статистик маълумотлар динамикасини илмий жиҳатдан таҳлил қилиб, математик моделини EXCEL дастуридан фойдаланиб, $R^2$=0,9999, $t_{хисоб}$=223,6 ва $F_{хисоб}$=49995 ($\propto$= 0,05 бўлганда $t_{жад}$=2,11 ва $F_{жад}$=2.272) тенг бўлган ҳолатда асосий меҳнатга лаёқатли аҳоли сони ўзгаришининг адекват регрессия модели (4-расм) қуйидагича ифодаланади:

$$Y_{\text{меҳнатга яроқли аҳоли сони}} = 28,592x^5 - 478,42x^4 + 2814,2x^3 - 7294,1x^2 + 23276x + 1592000$$

Бу ерда: *x*– вақт (йиллар).




**4-расм. Наманган вилояти бўйича ўзгариш динамикаси**

2-жадвал маълумотлари асосида 2016-2021 йилларда Фарғона вилоятидаги меҳнатга яроқли аҳоли сони бўйича статистик маълумотлар динамикасини илмий жиҳатдан таҳлил қилиб, математик моделини EXCEL дастуридан фойдаланиб, $R^2$=0,9998, $t_{хисоб}$=158,1 ва $F_{хисоб}$=24995 ($\alpha$=0,05 бўлганда $t_{жад}$=2,11 ва $F_{жад}$=2.272) тенг бўлган ҳолатда асосий меҳнатга лаёқатли аҳоли сони ўзгаришининг адекват регрессия модели (5-расм) қуйидагича ифодаланади:

$$Y_{\text{меҳнатга яроқли аҳоли сони}} = 13,167x^4 - 124,93x^3 + 206,56x^2 + 15183x + 2145219.$$

Бу ерда: *x*– вақт (йиллар).




**5-расм. Фарғона вилояти бўйича ўзгариш динамикаси**

2-жадвал маълумотлари асосида 2016-2021 йилларда Тошкент вилоятида меҳнатга яроқли аҳоли сони бўйича статистик маълумотлар динамикасини илмий жиҳатдан таҳлил қилиб, математик моделини EXCEL дастуридан фойдаланиб, $R^2=0,9999$ , $t_{хисоб}=5,9$ ва $F_{хисоб}=49995$ ($\propto= 0,05$ бўлганда $t_{жад}=223,8$ ва $F_{жад}=2.272$) тенг бўлган ҳолатда асосий меҳнатга лаёқатли аҳоли сони ўзгаришининг адекват регрессия модели (6-расм) қуйидагича ифодаланади:

$Y_{меҳнатга\ яроқли\ аҳоли\ сони} = 38,633x^5-1076,2x^4+7403,8x^3-23422x^2+39169x+1682714.$

Бу ерда: *x*– вақт (йиллар).




**6-расм. Тошкент вилояти бўйича ўзгариш динамикаси**

2-жадвал маълумотлари асосида 2016-2021 йиллардаги Тошкент шаҳрида меҳнатга ярокли аҳоли сони бўйича статистик маълумотлар динамикасини илмий жиҳатдан таҳлил қилиб. математик моделини EXCEL дастуридан фойдаланиб, $R^2$=0,9996, $t_{хисоб}$=111,8 ва $F_{хисоб}$=12495 (∝= 0,05 бўлганда $t_{жад}$=2,11 ва $F_{жад}$=2.272) тенг бўлган ҳолатда асосий меҳнатга лаёқатли аҳоли сони ўзгаришининг адекват регрессия модели (7-расм) қуйидагича ифодаланади:

$$Y_{меҳнатга\ ярокли\ аҳоли\ сони} = 81{,}71x^4 - 9445{,}6x^3 + 39811x^2 - 62102x + 1472189$$

Бу ерда: *x*– вақт (йиллар).




**7-расм. Тошкент шаҳри бўйича ўзгариш динамикаси**

2-жадвал маълумотлари асосида 2016-2021 йилларда Ўзбекистон Республикаси бўйича меҳнатга яроқли аҳоли сони бўйича статистик маълумотлар динамикасини илмий жиҳатдан таҳлил қилиб, математик моделини EXCEL дастуридан фойдаланиб, $R^2$=0,9999, $t_{хисоб}$=223,6 ва $F_{хисоб}$=49995 ($\propto$= 0,05 бўлганда $t_{жад}$=2,11 ва $F_{жад}$=2.272) тенг бўлган ҳолатда асосий меҳнатга лаёқатли аҳоли сони ўзгаришининг адекват регрессия модели (8-расм) қуйидагича ифодаланади:

$$Y_{\text{меҳнатга яроқли аҳоли сони}} = 384,54x^4 - 4572,8x^3 + 16438x^2 + 157344x + 19087454$$

Бу ерда: *x*– вақт (йиллар).




**8-расм. Ўзбекистон Республикаси бўйича меҳнатга яроқли аҳоли сонининг ўзгариш динамикаси [60]**

Ҳосил қилинган математик моделлар асосида Ўзбекистон Республикаси бўйича меҳнатга яроқли аҳоли сонининг керакли йилларгача прогноз қилиш имконияти пайдо бўлади:

**3- жадвал**

**Ўзбекистон Республикаси бўйича меҳнатга яроқли аҳоли сонининг математик моделлари**

| | | |
|---|---|---|
| Андижон вилояти | $y = 22,188x^4 - 402,06x^3 + 2004,9x^2 + 9438,6x + 1777005.$ | $R^2 = 0,9997$ |
| Наманган вилояти | $y = 28,592x^5 - 478,42x^4 + 2814,2x^3 - 7294,1x^2 + 23276x + 1592000$ | $R^2 = 0,9999$ |
| Фарғона вилояти | $y = 13,167x^4 - 124,93x^3 + 206,56x^2 + 15183x + 2145219.$ | $R^2 = 0,9998$ |

[60] Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.

| | | |
|---|---|---|
| Тошкевт вилояти | $y = 38,633x^5 - 1076,2x^4 + 7403,8x^3 - 23422x^2 + 39169x + 1682714.$ | $R^2 = 0,9999$ |
| Тошкевт шахри | $y = 81,71x^4 - 9445,6x^3 + 39811x^2 - 62102x + 1472189$ | $R^2 = 0,9996$ |
| Ўзбекистон Республикаси бўйича | $y = 384,54x^4 - 4572,8x^3 + 16438x^2 + 157344x + 19087454$ | $R^2 = 0,9999$ |

**4-жадвал**

**Ўзбекистон Республикаси бўйича меҳнатга яроқли аҳоли сонининг 2028 йилгача прогноз кўрсаткичлари**

| № | Йиллар | Андижон вилояти | Наманган вилояти | Фаргона вилояти | Тошкент вилояти | Тошкент шаҳри | Ўзбекистон Республикаси |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | 2022 | 1856682 | 1694651 | 2250384 | 1750211 | 1706893 | 20349134 |
| 2 | 2023 | 1865855 | 1729550 | 2269871 | 1800975 | 2028278 | 20632040 |
| 3 | 2024 | 1876823 | 1811629 | 2293912 | 1936695 | 2303993 | 21024424 |
| 4 | 2025 | 1891701 | 1984550 | 2324445 | 2237304 | 2543769 | 21577294 |
| 5 | 2026 | 1913135 | 2031373 | 2363722 | 2520228 | 2776915 | 22350889 |
| 6 | 2027 | 1944304 | 2067987 | 2414312 | 2647424 | 2852315 | 22414677 |
| 7 | 2028 | 1988921 | 2196538 | 2479098 | 2732416 | 3038432 | 22847353 |

4-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, прогноз қилинаётган йиллар давомида Ўзбекистон Республикаси бўйича меҳнатга яроқли аҳоли сонининг ўсиб бориши кутилмоқда.

Шу сабабли, келажакда меҳнатга яроқли аҳоли сонининг ўсиши халқ хўжалигининг барча тармоқларини кенг кўламда ривожлантиришни, жумладан, қишлоқ хўжалигида касбий мобилликнинг ривожланиш тенденциясини

оширади. Жаҳонда кечаётган сиёсий воқеалар таъсирида мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги интеграциялашуви жараёнида ички миграция интенсивлиги ошади. Бу, ўз навбатида, ички миграция жараёнини давлат томонидан бошқариш ҳамда урбанизация жараёнини назорат қилиш заруратини келтириб чиқаради. Мамлакат ички миграциясига оид ҳужжатларда мигрантларни, баъзан уларнинг оилаларини кўчириш, меҳнатини ташкил этишда янги социал-иқтисодий шароитларга кўникиш масалалари кўзда тутилиши зарур. Аҳолини қайта жойлаштиришда, нафақат ҳозир вакант жойлар мавжуд ҳудудлар эътиборга олиниши, балки кичик бизнес, фермер хўжаликлари, давлат бандлик хизмати режалари, ташкил этилаётган «эркин иқтисодий зоналар» имкониятлари, бўлажак иш жойлари истиқболлари ҳақидаги социологик маълумотлар ҳам катта аҳамиятга эга.

Меҳнат бозорларида мигрантларни ҳудудий қайта тақсимлашни ташкил этишда улар эгаллаши керак бўлган вакансиялар, иш ва яшаш шароитлари, иш ҳақи каби ишончли ахборотлар яратиш ҳамда аҳоли эътиборига етказиш биринчи қадамлардан бўлиши керак. Бунда аҳоли бандлиги ҳудудий органлари билан етарли вакансияларга эга ташкилот ва муассасалар ўртасида шартномалар тузилиши, улар асосида «бўш ўринлар ярмаркалари» ташкил этилиши долзарб вазифалар сирасига киради.

Ҳозирги замон жамиятида касбий мобиллик потенциалига эга «очиқ жамият» сифатида динамик кўрсаткичларини таҳлил қилишда аҳолининг ўзгариш тенденцияси ижтимоий-иқтисодий ривожланишига таъсирини социо-математик корреляцион таҳлил қилиш муҳим аҳамият касб этади. Экспертлар томонидан ички миграцион жараёнларнинг институционал, этно-демографик ва социометрик жиҳатларини ўрганиш социология фанининг тадқиқот объектига айланди. Шунингдек, касбий мобилликни, хусусан, ички миграция жараёнини таҳлил қилишда Ғарб социологиясида П.А.Сорокиннинг социомаданий динамика концепциясидан ташқари унинг ижтимоий мобиллик ва ижтимоий

стратификацияни ўрганиш соҳасида қилган эмпирик тадқиқотлари хам юксак қадрланади. Лекин, АҚШда касбий мобиллик ва «юмшоқ сиёсати» Европа давлатлари билан қиёслаганда нисбатан очиқ жамият ҳисобланади, деган фикрлар социологик гипотеза ҳамда ёндашувлар билан зиддиятли томонларини эътироф этиш мумкин. Социологик кузатиш жараёнида, хусусан, АҚШда касбий мобилликка нисбатан “очиқ жамият”нинг яширин ҳолатлари намоён бўлмоқда. Чунончи:

1) замонавий ***жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий потенциали ва кўрсаткич индикаторлари;***

2) ***демографик вазият тенденцияси*** ҳамда аҳоли қатламининг ишлаб чиқариш кўрсаткичлари;

3) малакавий билим, касб-ҳунар йўналишлари, касбий мобиллик, ***интеллектуал салоҳияти;***

4) ворисийлик ҳуқуқи, мерос масаласи ва унинг миқдори – ***социал иерархик кўринишлар.***

Ғарб олимларнинг фикрича, ***«касбий мобиллик социологияси»***нинг вужудга келиши, касбий карьера, социал статуслар ўзгаришлари, мобиллик категорияларини унификациялаштириш (масалан, Европа, АҚШ ва Марказий Осиё) каби махсус масалаларга социологлар эътиборини қаратишга замин яратилмоқда.

Бу ҳодисаларнинг парадигмал ўзгаришлар тенденцияси, ***биринчидан,*** ички миграцион касбий мобилликнинг ретроспектив асослари ва тарихий генезиси ҳамда ривожланиш босқичлари; ***иккинчидан,*** тафаккур қонуниятлари ва ижтимоий муносабатлардаги трансформацион ўзгаришлар, объектив ва субъектив омилга боғлиқлигини исботлаб берган. Глобализация жараёнлари айрим давлатларда демокрафик жиҳатдан камайиб бориши ҳамда муайян миллатнинг идентиклигига маънавий таҳдид солиши билан бир қаторда, ички миграцион касбий ривожланиш омиллари, аҳоли ўрта қатлам ёшининг ортиб

бориши, ижтимоий-иктисодий географик инфратузилмаларни стагнация ҳолатига олиб келишни тақозо қилади. Бу ҳолат мамлакатларда ишлаб чиқарилаётган товар (хизмат)ларга бўладиган эҳтиёжлар ортиб боришида аҳоли жон бошига тақсимланадиган ялпи ички маҳсулотнинг мутаносиблигига универсал таъсир кўрсатади.

Шунингдек, аҳоли сонининг мунтазам ошиб бориши ижтимоий соҳалар динамикасида тиббий хизмат, таълим, маданият, уй-жой, моддий неъматлар, коммунал хизматлар турлари, пандемия шароитида озиқ-овқат хавфсизлиги, бандликни таъминлаш, инсон омилига бўлган маиший эҳтиёж ошишида касбий мобиллик йўналишларининг ўзаро корреляцион алоқадорлигига етарлича имкон бермаслик ва ўзини ўзи намоён қилмаслик жамиятда десоциализация ҳолатига олиб келиши мумкин.

«Ҳудудларда касбий мобиллик бўйича илмий тадқиқот субъектлари ва уларнинг фаолияти ҳақида» қонун қабул қилиб, унда илмий тадқиқот муассасалари ва бошқа субъектлар фаолиятини ташкил этиш, бошқариш ва назорат қилишнинг ҳуқуқий нормалари ва «юмшоқ сиёсат»ни амалга ошириш институционал ички миграцион модел ишлаб чиқишни тақозо қилади.

Шунинг учун мамлакатда ички миграция жараёнларини барқарорлаштириш ҳамда аҳолининг кундалик эҳтиёжлари учун зарур озиқ-овқат маҳсулотлари нархи ва аҳоли жон бошига тўғри келувчи ялпи ички (ҳудудий) маҳсулот ҳажми ўртасидаги номутаносибликни йўқотишга эришиш ва фуқаролар ўзлари яшаётган ҳудудларида касбий лаёқатига мос иш билан таъминланиши лозим.

Сўровномада иштирок этганларнинг айтишича, қариндошларининг кўплари, яъни 38 %и улар кўчиб бориб яшаётган жойларга кўчишмаган. Респондентларнинг 23 %и ака-ука ва опа-сингилларининг, 18 %и бошқа яқин қариндошларининг уларникига кўчиб келганини таъкидлади (5-жадвал). Бинобарин, кетиш яқин қариндошларидан бири билан бирга амалга

ошириладиган бўлса, миграция тўғрисидаги масала асосан оила қарорига кўра амалга оширилиши аниқланди.

**5-жадвал**

**«Сиз яшаётган ҳудудга қариндошларингиз кўчиб ўтишдими?»**

| № | жавоблар | % |
|---|---|---|
| 1 | Ҳа, ака-ука ва опа-сингиллар | 23,0 |
| 2 | Ҳа, бошқа яқин қариндошлар | 18,0 |
| 3 | Ҳа, узоқ қариндошлар | 5,0 |
| 4 | Ҳа, дўстлар | 7,0 |
| 5 | Йўқ | 38,0 |
| 6 | Жавоб беришга қийналаман | 9,0 |

Аниқланишича, респондентларнинг оиласи ҳам. яқинлари ҳам ҳозирги яшаш жойларига кўчгандан кейин қийинчиликларга дуч келишмаган, бу маълумот уларнинг 63 %и томонидан қайд этилди. Бу ички миграция қандайдир инқирозий ҳодисалар сабабли эмас, балки онгли равишда эҳтиёжлар ортиши негизида қабул қилинганини кўрсатади.

Мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётида касбий мобиллик ролини аниқлаш ва истиқболини прогнозлаштириш долзарб аҳамият касб этади. Аҳоли касбий мобиллигини ўрганишда математик моделлаштириш усулидан фойдаланиш социологик тадқиқотлар натижалари самарадорлиги ва репрезентативлигини оширади. Аммо ички миграцион жараёнларни ўрганиш борасида математик моделлаштириш турлари, индивидуал хусусиятларига дифференциал ёндашиб, прогнозлаштириш усуллари яхши ўрганилмаган.

Касбий мобилликнинг ҳудудий хусусиятларини ўрганиш мақсадида Фарғона водийси вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳри ва вилоятида социологик тадқиқот ўтказилди.

Тадқиқотни ўтказишдан мақсад Ўзбекистон Республикасида ички миграция ҳолатини, яъни мамлакатимиз ичида аҳоли мобиллигига доир асосий тенденцияларни аниқлашдан иборат эди[61].

Сўровда иштирок этганларнинг умумий сони 511 кишини ташкил этди. Тадқиқот шуни кўрсатадики, ички миграцияга киришиш фуқароларнинг иш топиш истаги ёки оилавий шароити ва таълим эҳтиёжлари ҳамда ўзини намоён қилишини ҳам кўрсатади.

Шундай қилиб, респондентларнинг турли жойларга кўчишининг асосий сабаблари:

- бандлик-38,31 %;

никоҳ-29,36 %;

таълим-17,84 % ҳисобланди (9-расм).




**9-расм. Бошқа ҳудудга кўчишнинг асосий сабаблари**

[61] Муаллифлик тадқиқот маълумотлари.

Шуни таъкидлаш керакки, респондентларнинг бирортаси «бу ерда бирор бир камситиш (инсонга нисбатан салбий, нохолис муносабат, миллати, дини, жинси, ёши ва бошқалар бўйича муайян ҳуқуқлардан маҳрум қилиш) бор», деб қайд этмади. Бу Ўзбекистонда ички миграция бўйича ҳуқуқ бузилишининг ижтимоий эътибор тортувчи кўринишлари йўқлигини кўрсатади. Демак:

1. янги яшаш ва иш жойидаги социал-иқтисодий мавқе, мақомга мослашув (масалан, қишлоқликларнинг шаҳарликлар ва аксинча, шаҳарликларнинг қишлоқ турмуш тарзини қабул қилиши);

2. янги экологик вазият, табиий-географик муҳит ва тарихий шаклланган қадриятларга мослашув (маҳаллий анъаналар, урф-одатларни қабул қилиш ва амалда бажариш).

Бу йўналишларнинг бир-бири билан диалектик корреляцион алоқадорлиги уларнинг ўзига хослигини, мазмун-моҳияти, бошқариш механизм ва натижалари нисбий мустақиллиги ҳамда индивидуаллигини истисно қилмайди.

Методологик тамойилга кўра, бирор ҳудудда муайян вақт ичида амалга оширилган кўчишлар йиғиндиси ички миграциявий оқимни ташкил қилади. Умумий бўлган бу таъриф характеристикасида мигрантлар жинси, ёши, оилавий аҳволи, миллий таркиби, билим даражаси каби белгиларни ўз ичига олувчи социал-демографик ва миграциянинг ҳудудий географик ҳолати (шаҳар ёки қишлоқ), мақоми, иқтисодий ривожланиш даражаси ва ишлаб чиқариш структураси каби белгиларни ўз ичига олувчи социал-географик гуруҳларга ажратилиши мақсадга мувофиқ. Яъни, турли ҳудудларда миграциявий оқим хусусиятларини ўрганиш ушбу босқичларни тадқиқ этувчи социологик таҳлилчилар вазифаси ҳисобланади.

Булар тегишли олий таълим муассасаларида социологик тадқиқотлар ўтказишга оид ихтисосликлар бўйича кадрлар тайёрлашнинг бакалавр ва магистратура босқичларида математик моделлаштириш ва мантиқий

боғланишларга оид фанлардан дарс бериш, талабаларнинг тегишли жойларда амалиёт ўтишларини белгилаш бўйича ҳали қилинадиган ишлар кўплигидан дарак беради.

Ички миграцион жараёнларни таҳлил қилишда нафақат математика, балки барча фан соҳаларида кенг қўлланилаётган корреляцион усулни қўллаш статистик-социологик кўрсаткичларнинг ўзаро корреляцион боғлиқлик, алоқадорлик коэффициентлари ўзгаришларига турли омилларнинг индивидуал таъсир даражасини аниқлашга хизмат қилади. Математик корреляцион метод, моҳиятан, тадқиқот натижалари кўрсаткичлари миқдорини аниқлашда, улар орасидаги боғланишларни ифодаловчи математик муносабатларни келтириб чиқарган асосларни таҳлил этиши ва уларни сонлар орқали ифодалаши билан ҳам аҳамиятли ҳисобланади[62].

Бошқача айтганда, муаммога комплекс-тизимли ёндашувда математик корреляция методини қўллаб, олинган статистик маълумотлар таҳлили натижаларига кўра, республикамизда ахолининг умумий реал даромади кейинги беш йил ичида икки баробарга ошган[63].

**6-жадвал**

**Аҳоли реал умумий даромадлари (млрд. сўм)**

| | 2016 й. | 2017 й. | 2018 й. | 2019 й. | 2020 й. |
|---|---|---|---|---|---|
| Қорақалпоғистон Республикаси | 7 460,2 | 8 808,0 | 10 723,0 | 13 531,2 | 16 101,1 |
| Андижон | 15 695,4 | 18 516,3 | 21 582,4 | 27 043,7 | 30 653,2 |
| Бухоро | 12 758,4 | 14 966,2 | 18 153,5 | 21 825,9 | 25 174,0 |
| Жиззах | 6 677,2 | 7 800,0 | 9 788,1 | 11 591,0 | 13 604,6 |

[62] Ички миграция жараёнларида касбий мобилликни ўрганишда корреляцион методнинг аҳамияти ва қўллаш бўйича турли назариялар мавжуд. Масалан, инглиз олими Френсис Гальтон (1822-1911) бу тушунчани биринчи бўлиб илмий муомалага киритган бўлса, Карл Пирсон (1857-1936) прогнозлаштириш, статистик-маълумотлар билан боғлиқлиги ва таъсирини ишлаб чиққан.

[63] SVOD-3225, O'zbekiston Respublikasi Davlat statistika qo'mitasininig 2021-yil 12-avgustdagi № 01/3-12-16/2-263-sonli xati.

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| Қашқадарё | 15 956,0 | 18 338,2 | 21 155,7 | 25 983,6 | 29 878,3 |
| Навоий | 8 658,2 | 9 696,0 | 11 575,9 | 14 650,0 | 18 616,8 |
| Наманган | 11 829,5 | 14 035,6 | 16 061,0 | 20 056,1 | 23 850,7 |
| Самарқанд | 19 101,2 | 22 210,8 | 26 023,4 | 31 287,1 | 37 550,9 |
| Сурхондарё | 11 713,0 | 13 510,6 | 16 488,3 | 20 404,6 | 23 410,7 |
| Сирдарё | 5 094,9 | 5 067,6 | 5 834,9 | 7 351,3 | 8 408,0 |
| Тошкент | 17 979,0 | 19 936,3 | 23 169,2 | 28 652,1 | 34 769,1 |
| Фарғона | 16 708,3 | 18 382,1 | 22 169,6 | 26 353,7 | 29 995,3 |
| Хоразм | 9 735,5 | 11 813,2 | 14 572,4 | 18 119,0 | 20 592,7 |
| Тошкент ш. | 28 145,8 | 33 182,9 | 38 709,8 | 52 603,1 | 59 374,7 |
| **Жами** | **187 512,6** | **216 263,8** | **256007,0** | **319 452,4** | **371 980,1** |

Аҳоли жон бошига тўғри келувчи реал даромад эса кейинги беш йил ичида 1,8 баробарга ошган (6-жадвал). Ривожланаётган мамлакатлар тажрибасида олий маълумотли кишиларга касбий соҳасига оид муносиб иш топиб бериш, касбий мобиллик кўрсаткичларини халқаро меҳнат бозорида эҳтиёжлар ўртасидаги зиддиятлар ва иқтисодиёт ривожланишига туртки берувчи ҳамда фуқаролик жамияти институтларининг мавқеини ошириш механизмлари ҳамда функционал аҳамиятининг ижобий томонларини кўриш мумкин.

Шунингдек, ички меҳнат миграцияси объектив шарт-шароит ва субъектив омиллар тизимига боғлиқ бўлиб, уларнинг ҳар бири ўз таъсир доирасида функционал аҳамиятга эга. Шу нуқтаи назардан, мамлакатда амалга оширилаётган ислоҳотлар замирида социал муносабатлар тизими парадигмал

ўзгаришга олиб келди. Шунингдек, жамиятда ***касбий мобиллик*** аҳоли қатламининг ўзгаришга таъсир этувчи асосий детерминт омилга айланади.

Тадқиқот жараёнида ОАВ ҳамда ҳукумат вакиллари томонидан бугунги кунда такрор ва такрор айтилаётган иш ўринларини кўпайтириш мамлакатимизда ташқи меҳнат миграция жараёнини барқарорлаштириш учун универсал, ягона конструктив-рационал ечим бўла олмайди. Бунинг бошқа омилларини кўрсатиш мумкин. Масалан, аҳолиси тез ўсаётган, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ички бозорини таъминлашга етарли бўлмаган, ер, уй-жойга эҳтиёжи юқори бўлган ҳудудларда, нафақат иш ўринларини, балки ялпи даромадни ошириш, яъни кундалик эҳтиёж учун зарур бўлган маҳсулотларни харид қилиш учун етарли даромад олишни таъминлаш керак.

Социал мобиллик бўйича инглиз социологи Дэвид Гласс ҳам муҳим илмий тадқиқотлар ўтказган. У фаолиятнинг нуфузи, обрў-эътибори ва таълим омиллари ўрта синф вакилларининг юқориловчи мобилликка интилишида қандай ўрин эгаллашини таҳлил қилган, социал мобиллик Англияда «ёпиқ доира» деб аталган тенденцияга эгалигига эътибор қаратган.[64]

Лекин, бугунги кунда мамлакатимизда барча йўналишларда кўплаб иш ўринлари яратилаётган бўлсада, ишга лаёқатли фуқароларнинг аксарият қисми (имкони топиши билан) ташқи меҳнат миграциясини амалга оширишга киришади. Шу нуқтаи назардан, биз россиялик тадқиқотчиларнинг «Мобиллик – нафақат социал зинапоядан юқорига чиқиш, аграр жамиятларни модернизацияловчи урбанизация, балки сиёсий тақсимотга, фуқароларнинг сиёсий афзалликлар ҳақидаги тасаввурларига жиддий таъсир этувчи омилдир», деган фикрига қўшиламиз[65].

---

[64] GlassD.V. Social mobility in Britain. L., 1967.
[65] Социальная мобильность в усложняющемся обществе: объективные и субъективные аспекты.-Москва: ФНИСЦРАН. 2019. С. 22.

## 2.2-§. Ички миграция жараёнларида касбий мобилликнинг парадигмал ўзгаришлари

Ички миграция жараёнлари типлари ва функцияларини, унинг касбий мобиллик жараёнларига таъсирини аниқлаш жамият ижтимоий-сиёсий муносабатларини бошқаришнинг муҳим шарти ҳисобланади. Зеро, бу ҳодиса мазмун-моҳияти ва шаклларига кўра, жамият субъектлари ижтимоий ҳаракати ва мобиллигини намоён қилади. Шу нуқтаи назардан, истиқболда ички миграцион мобилли параметрлари, парадигмалари ўзгаришларини прогнозлаштириш, аҳолининг касбий мобиллигини, меҳнат ресурслари ҳаракати йўналишларини, стратегиясини белгилашда муҳим аҳамиятга эга.

Дунёда содир бўлаётган ўзгаришлар натижалари ислоҳотлар самарасини белгилаяптими, деган схоластик баҳс-мунозарали савол четга суриб қўйиладиган бўлса, ҳар иккала омил ўртасида корреляцион алоқадорлик ва боғлиқликни кўрамиз.

Бу жараёнлар мутаносиблигидаги ўзгаришлар, биринчидан, касбий мобилликнинг объектив-ретроспектив асослари ва тарихий генезиси тадрижий ривожланишига; иккинчидан, ижтимоий онг тизими ва муносабатларидаги ўзгаришлар, субъектив омил (асосан, давлатнинг бош ислоҳотчилик роли ва инсонлар касбий мобиллиги даражаси)га боғлиқлигини исботлаб берган.

Ўтказилган тадқиқотда респондентларнинг аксарияти маҳаллий аҳоли кўчиб келган аҳоли билан тенг иш ҳақи олади, деб ҳисоблайди (53,24 %). «Йўқ, фарқ маҳаллий аҳоли фойдасига, лекин аҳамиятли эмас» деган жавобни 12,23 % респондент белгилади. 19,42 %и жавоб беришда қийналди. Бинобарин, меҳнатга ҳақ тўлашда сезиларли тенгсизлик йўқ, лекин айрим белгилари сақланиб қолмоқда.

Кўпгина респондентларнинг даромади киши бошига 1 миллиондан 2 миллион сўмгачани ташкил этган (10-расм).




**10-расм. Киши бошига тўғри келадиган даромадлар**

Кўпгина респондентларнинг умумий иш стажи беш ёки ўн йилни ташкил этган. Респондентларнинг деярли ярми жойлардаги иш стажида узилиш бўлмаганлигини қайд этишди (49,0 %). 26,0 % респондент баъзан узилиш бўлганлигини қайд этиб, 11,0 %и «жуда камдан-кам ҳолларда», 2 %и «мунтазам равишда узилиш бўлган», 4 %и «ҳозир ҳам ишламайман», деб жавоб беришган. Бу эса ички мигрантларнинг иши онгли равишда, ўйлаб қилинаётганлигини, яъни одамлар кўчаётганда қаерга кетаётганини билганлигини кўрсатади.

Уларнинг 73,38 %ида меҳнат дафтарчаси расмийлаштирилган, 10,79 %ида расмийлаштирилмаган, 13,0 %и ҳозирда ишлайди.

Бундан ташқари, уларнинг катта қисми ишлайди (79,0 %), фақат 10,0 %и рўйхатга олинган, 7,19 %и ҳозирда ишламайди, 2,16 %и жавоб беришда қийналган.

Уларнинг 85,0 %и давлат ишида, 6,0 %и хусусий секторда банд, 4,0 %и ўз бизнесига эга. Ўз бизнесига эга бўлганларнинг камлиги ички миграция Ўзбекистонда ёлланма ишчилар оқимига олиб келишини, уларнинг бизнеси эса, аксинча, одамни туғилган жойига боғлаб қўйишини кўрсатган.

Шу билан бирга, 81,0 %и тўлиқ иш кунида, 9,0 %и тўлиқ бўлмаган иш кунида фаолият олиб борган.

Респондентлар 56,12 %ининг уй-жойи хусусий мулк ҳисобланади, 12,95 %и яқин қариндошларнинг хусусий мулкида ёки ижарада яшаши, 15,83 %и эса ипотека кредити орқали уй-жой сотиб олганлиги аниқланди.

Олти кишилик оилалар – 6,47 %, беш кишилик оилалар – 16,55%, тўрт кишилик оилалар - 33,09 %, уч кишилик оилалар - 24,46 %, икки кишилик оилалар – 8,0 %, бир кишилик оилалар – 1,44 %ни ташкил этган. Улар орасида 14 ёшгача икки нафар фарзанди бор оилалар 42,45 %, уйларида нафақахўр бўлган оилалар 74,82 %ни ташкил этди.

Респондентларнинг 47,0 %и эркаклар, 53,0 %ини аёллар ташкил этган. Уларнинг ёши - 18 ёшдан 75 ёшгача. Оилавий аҳвол: рўйхатга олинган никоҳдагилар 75,0 %, ажрашганлар 12,0 %, ҳеч қачон никоҳда бўлмаганлар 7,0 %. Уларнинг 81,0 %и олий маълумотга, 16,0 %и ўрта махсус маълумотга, 1,5 %и умумий ўрта ва тўлиқсиз ўрта маълумотга эга.

Сўров натижаларига кўра, Ўзбекистонда етарли даражада бир хил маданий ва лисоний муҳит мавжуд бўлиб, у ички мигрант учун ҳеч қандай психологик қийинчилик туғдирмайди. Молиявий қийинчиликлар янги жойга кўчиш ва унга мослашиш билан боғлиқ. Жавобларнинг паст даражаси, атиги «4 %и давлат кўмагида» ички миграция жараёнлари ўз-ўзидан ва фақат оилавий шароитларга боғлиқлигини кўрсатади.

Социологларнинг мобиллик даражаларини аниқлашда мақом гуруҳлар, синфлар, индивидлар, оилалар, ижтимоий гуруҳлар мобиллик кўрсаткичлари, уларнинг жамиятдаги ўрни ва роли; мақоми ва мавқеи; социал страталари ва ҳаракат типлари; турмуш тарзи ва мулк муносабатлари; фаолият турлари ва қадриятлари; ҳокимият тақсимотидаги мавқеига қараб аниқлаш устувор ёндашув бўлиб келмоқда.

Лекин, касбий мобиллик жараёни даражаларини белгилашда жамият иқтисодий эҳтиёжларини доминант мезон сифатида қараш асосида шаклланган умумий тасаввурлар барча тарихий даврларга хос бўлиб, соф миқдорий кўрсаткичлар, уни ҳаракатлантирувчи мотив ва механизмларини ҳам, усул-восита ва “технологик” жараёнларини ҳам, натижа ва истиқболларини ҳам тўлиқ кўрсатишга ожизлик қилади. Яъни, оддий статистик-социологик маълумотлар базаси бўлиб қолаверади. Шунинг учун, касбий мобиллик жараёнини, хусусан, миграция феноменини соф иқтисодий статистика нуқтаи назаридан ўрганиш, унинг “конструкцияси”ни, функционал аҳамиятини яхлит тасаввур қилиш имкониятини чегаралайди.

Бундан ташқари, ички миграция жамиятда ишбилармонлик ва тадбиркорликни ривожлантиради, яъни улар халқаро чегарадан ўтиб, бошқа мамлакатга кўчишда таваккал килишга мойил бўлади. Чунки мигрантлар шаҳарларга кўчиши жараёнида таълим-тарбия, тажриба ва кўпроқ даромад олиш имкониятини танлаш майдонида таваккал қилиш зарурияти пайдо бўлади. Ички миграция, айниқса, аёлларга эркинлик беради, чунки шаҳарларда консерватив ва патриархал стереотиплар қишлоқларга нисбатан кучли сақланиб қолмаган. Бу эса аёлларнинг яхшироқ маълумот олиши, ишга кириши ва кўпроқ мустақил бўлишига имконият яратади.

Ўтган аср 60-йилларида пайдо бўлган ва мобилликка бағишланган кўплаб ишларда урбанизация сифатидаги социал мобиллик, бандлик ва моддий фаровонлик соҳаларидаги мобилликка урғу берилди. Айнан шу сабабли мобилликка оид кўрсаткичлардан фойдаланган С.Липсет ва Р.Бендикслар Ғарб жамиятининг олға борувчи ҳаракатини таъкидлаб, унда шаҳар аҳолисининг кўпайиши, ҳаёт даражасининг ўсиши, таълимнинг илғор шакллари кенгайишини кўрсатдилар.

Бундай жараёнлар, аслида, ҳар бир давлатда содир бўлмоқда, жамиятдаги ижтимоий-иқтисодий вазиятга жиддий таъсир кўрсатмоқда. Бу омилларни

комплекс-системали ўрганиш, бир томондан, уларнинг мигрантлар касбий мобиллигини оширишга қандай йўналишларда таъсир қилишини, қандай натижаларга олиб келишини башорат қилишга имконият яратади, иккинчи томондан, социал мобилликнинг конкрет шакли ва йўналишини ўзгартиришда вазифани қандай бажариш «технологияси» аниқланиб, давлат миграция сиёсати стратегияси белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 10 январдаги «Урбанизация жараёнларини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5623-сонли Фармони урбанизация даражасини ҳар томонлама пухта ўйлаб, тартибга солиш учун қабул қилинди. Унда қуйидаги фикрлар алоҳида аҳамият касб этади: миграция жараёнларини маъмурий тартибга солиш тизимини такомиллаштириш йўли билан аҳолининг қишлоқ жойларидан шаҳарларга эркин ҳаракатланиши учун шарт-шароитлар яратиш. Ҳар қандай жамият структурасини ташкил қилган муайян ижтимоий элементнинг функционал роли, мобиллиги нуқтаи назаридан, бир томондан, жамиятнинг (хусусан, «очиқ жамият») ҳаракатлантирувчи мотиви, ривожлантирувчи омили; иккинчи томондан, ижтимоий муносабатлар тизими ўзгаришида асосий детерминлаштирувчи сабаб бўлиши мумкин ҳамда уларнинг динамик ўзгараётган жараёнларга кетма-кетлик асосидаги таъсири, изчиллиги, ривожланишининг доимийлигини таъминлайди[66].

Америкалик тадқиқотчи Р.Бендикс ва С.Липсетлар «Индустриал жамиятда социал мобиллик» (1960) номли ишларида социал мобилликни индивидларнинг бир позициядан бошқасига ўтишини ифодаловчи жараён сифатида тушунтирадилар. Улар географик мобиллик ва унинг сабабларини батафсил ўрганишган[67]. Социал мобилликнинг кучайишига таъсир этувчи

---

[66] Бекмуродов М., Парманов Ф. Ички миграциов мобилликни институционал бошқаришда урбанизациянинг аҳамияти / Жамият ва бошқарув., 2020 й. 1-сон.
[67] Шеллер М. Новая парадигма мобильностей в современной социологии / М. Шеллер // Социологические исследования. - 2016. - №7. - С. 4.

омилларни ажратиб, таҳлил этишган. Улар қуйидаги омиллар билан белгиланади:

а) муайян қатлам ёки мақомга оидлик учун берилган енгилликларнинг ҳуқуқий жиҳатдан бекор қилиниши;

б) фуқароларнинг қонун олдида тенглиги ва иқтисодий соҳада имкониятлари тенглигини тан олувчи конституциянинг қабул қилиниши;

в) индивиднинг ижтимоий жиҳатдан илгари боришига имкон берувчи иқтисодий ўсиш;

г) таълим тизимининг ривожи. Янги корхоналар ташкил топиши, уларнинг кенгайиши ва янгиланиши юқори ҳақ олувчи малакали ишчи ёки ходимларнинг кўпайишига олиб келади. Социал мобилликка таълим омилининг таъсири ҳақида гапирганда, муаллифлар, энг аввало, омманинг ижтимоий юксалишига имкон берувчи олий таълим тизимига эга бўлиш билан боғлиқ ички миграцияни кўзда тутишлари лозим.

Ички миграцион мобиллик имкониятларидан ишлаб чиқаришни таркибий ўзгартириш, миллий иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация ва диверсификация қилиш учун фойдаланишда:

миллий иқтисодиёт соҳалари барқарор ривожланишини таъминлашда давлат миграция сиёсатининг ўрнини аниқлаш;

ишчи кучи миграцияси имкониятларидан:

саноат, хизмат кўрсатиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаларини ривожлантиришда фойдаланиш;

миграция соҳасини оптималлаштиришга йўналтирилган инвестициялардан манзилли ва самарали фойдаланиш;

ишлаб чиқаришни модернизация ва диверсификация қилишда ички ва ташқи меҳнат бозорларида мигрантлар рақобатбардошлигини таъминлаш;

ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш учун миллий меҳнат бозорида ишчи кучи миграцияси ривожланишига қулай шарт-шароит яратиш;

миграциянинг тармоқлараро кооперациясини кенгайтириш ва рағбатлантириш;

миграция хавфсизлигини таъминлашда бозор механизмлари самарадорлигини оширишнинг потенциал имкониятларидан фойдаланиш;

мигрантларнинг интеллектуал салоҳиятидан моддий ва маънавий ишлаб чиқариш соҳалари коммуникацияси ва инфратузилмасини, инновацион технологияларини ривожлантиришда фойдаланиб, уларнинг иқтисодиётдаги ролини ошириш;

миграциянинг таркибий тузилмасини диверсификация қилиш ва географиясини кенгайтириш;

замонавий миграция талаблари асосида йўл-транспорт инфратузилмасини янада ривожлантириш зарур.

Қишлоқ хўжалигида мигрантлар меҳнатидан фойдаланиш имкониятлари ва йўналишларини ривожлантириш:

мамлакат аҳолисининг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш учун соҳада ишлаб чиқариш таркибий ўзгартиришларини чуқурлаштириш;

қишлоқ аҳолисининг ижтимоий ва миграцион мобиллигини ошириш;

мигрантлар ҳисобига аграр секторнинг экспорт салоҳиятини ошириш;

аграр секторда мигрантларга зарур хизматлар кўрсатиш инфратузилмасини ривожлантириш;

мигрантларни замонавий корхоналар қуриш, мавжудларини реконструкция ва модернизация қилишга жалб этиш;

мигрантларнинг қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, ярим тайёр ва тайёр озиқ-овқат ҳамда қадоқлаш маҳсулотларини ишлаб чиқариш учун зарур билимлари ва амалий кўникмаларини ривожлантиришга кўмаклашиш[68];

---

[68] Koser Khalid. International Migration: A Very Short Introduction. Oxford. 2007. P.P. 22.

мигрантлар меҳнатидан суғориладиган янги ерларни ўзлаштириш, ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, мелиорация ва ирригация объектларини

ривожлантиришда фойдаланиш;

мигрантларни глобал иқлим ўзгаришлари ва Орол денгизи қуришининг қишлоқ хўжалиги ҳамда аҳоли ижтимоий-иқтисодий ҳаётига салбий таъсирини юмшатиш фаолиятига жалб қилиш бўйича тизимли чора-тадбирлар кўришни тақозо қилади.

Социал иқтисодий ўзгаришларга олиб келувчи ички миграцион мобиллик меҳнат бозорида ишчи кучига талаб ва таклифнинг характерини белгиловчи энг муҳим омиллардан ҳисобланади. Хусусан, у урбанизация жараёнларида, саноат ва хизмат кўрсатиш тармоқларида янги иш жойлари яратиш ва ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида сифат ўзгаришларига асос бўлади. Шунингдек, ички миграция ва урбанизация жараёнлари етарлича тартибга солинмаса, шаҳарлар аҳолисининг сони ва мавжуд инфратузилма, уй-жой, иш ўринлари сони ўртасида катта тафовут пайдо бўлади. Бу шаҳарнинг умумий қиёфаси ўзгаришига олиб келиши билан бир қаторда, жуда кўплаб ижтимоий ва иқтисодий муаммолар, масалан, ишсизлик, нарх-навонинг ошиши, уй-жой танқислиги, таълим ва соғлиқни сақлаш муассасаларининг етишмаслиги кабиларни келтириб чиқаради.

Бунда энг асосий масала - ҳар қандай ижтимоий онг шаклининг манфаатлашиши, объективлашиши ва «моддийлашиши»ни ташкиллаштириш ва бошқариш «технологияси»ни яратиш. Зеро, хар қандай иқтисодий фаолият ва унинг натижалари ижтимоий онг шаклларига (яъни, ҳуқуқий онг нормаларига, ахлоқий онг тамойилларига, эстетик онгнинг ҳиссий-руҳий, гедонистик-эвдомонистик мазмунига, сиёсий онгнинг демократик характерига, гуманистик мазмунига) асосланмаса, социал мобиллик ғоясига путур етади.

XX аср 70-йилларидаёқ дунёнинг барча мамлакатларида миграция жараёнларида инсонийлик тамойилини карор топтиришда, аҳолининг турли

социал қатламлари муносабатларида янги босқичнинг вужудга келишида инсоншунослик назариясини яратиш зарурлиги ҳақидаги ғоялар илгари сурилгани ҳам тасодифий эмас[69]. Инсон объектига комплекс ва тизимли ёндашиш методологияси мутахассисларидан бири Е.М.Макаровнинг фикрича, инсоншунослик назарияси бир бутун тизим бўлиб, уни шартли равишда икки қисмга бўлиш мумкин. Ушбу назариянинг биринчи қисми инсонни объект сифатида ўрганиш қоида ва усуллари, тушунча ва категориялари, функцияси ва шаклланиш тарихи каби масалаларни ўз ичига олса, иккинчи қисми инсон ҳақидаги билимлар таснифига доир эмпирик, махсус илмий, социологик ва фалсафий қарашларни қамраб олади

Шкалалаштирилган касбий мобиллик стандартларини (хизмат қилувчи (service) синфларни ҳам) қуйидаги даражаларга ажратиш мумкин[70]:

биринчи даражали «профессионаллар» – давлатнинг юқори даражали мансабдорлари ва маъмурлари, бошқаришга мутасадди муассаса, ташкилот раҳбарлари ва трансмиллий компания менежерлари, йирик мулкдорлар;

иккинчи даражали «профессионаллар» – нисбатан ўрта мавқедаги давлат мансабдорлари ва маъмурлари, кичик бизнес ва саноат корхоналари раҳбар бошқарувчилари, ақлий меҳнат ходимлари;

учинчи даражадаги «профессионаллар» – оралиқ синфлар бўлиб, бошқариш ва коммерцияда ақлий меҳнатга оид ишларни бажарувчи дастурчилар; хизмат кўрсатиш соҳасида индивидуал меҳнат фаолияти билан машғул кишилар; кичик хусусий корхона эгалари; ёлланма ишчилари бўлган ҳунармандлар; кичик мулк эгалари; фермерлар ва кичик арендаторлар; кичик техник мутахассислар; жисмоний меҳнат билан шуғулланувчи малакали ишчилар; жисмоний меҳнат билан шуғулланувчи ўрта малакали ва малакасиз ишчилар; қишлоқ хўжалиги соҳасида ёлланма ишчилар социал страталарда ўзига хос мавқега эга касбий мобиллик субъектларини ташкил қилади.

---

[69] Ананьев Б.Г. О проблемах современного человека. - М.: Наука 1977. - С. 6-7.
[70] Парманов Ф.Я., Сеитов А.П., Пак П.В. и др. Методические рекомендации по проведению социологических исследований. Методическое пособие. - Ташкент: «Fan va texnologia», 2017.

## 2.3-§. Ички миграция жараёнларида хорижий тажрибанинг ривожланиш тенденциялари

Жаҳоннинг ривожланган давлатлари тажрибаларидан маълумки, иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий жараёнларнинг чуқурлашуви уларнинг ички миграциясига ҳам таъсир этмай қолмайди. Шу сабаб ҳар бир мамлакатнинг ички миграциясини ўрганишнинг аҳамияти ортиб бормоқда. Жумладан, Хитой Халқ Республикасида (ХХР) аҳолининг ички миграцияси мамлакат иқтисодий мўъжизасининг шаклланишига сезиларли улуш қўшди. Жадал ривожланаётган денгизорти шаҳар ва вилоятларидаги арзон ишчи кучининг оқими ишлаб чиқаришнинг ўсиши ҳамда ХХР иқтисодий ривожланишининг экспортли йўналтирилган моделини қўллаб-қувватлаш имконини таъминлади. Бир вақтнинг ўзида замонавий Хитойда ички минтақалараро миграция ўзининг салбий оқибатларини ҳам келтириб чиқармоқда. Бу йирик шаҳарлардаги назоратсиз миграция, мигрантлар ва рўйхатдан ўтиш ҳужжатига эга шаҳарликлар ўртасидаги ижтимоий тенгсизликнинг ошиши, қишлоқларда хусусийлаштириш имкони бўлмаганлиги сабабли ташландиқ ер ҳудудлари сонининг ортиб боришига олиб келди.

Айни пайтда Хитой ҳукумати томонидан ички миграцияга нафақат иқтисодиётни ривожлантириш воситаси сифатида, шунингдек, йўналтирилган экспорт моделидан ички эҳтиёжнинг ўсишига йўналтирилган моделга ўтиш шарти сифатида ҳам қаралмоқда[71].

Бундай шароитда мигрантлардан янада самарали фойдаланиш ва уларни қайта тақсимлаш Хитойнинг ички ҳудудларида иқтисодий ривожланишнинг тенглашишига асос бўлади. ХХРдаги аҳоли ички миграциясининг турли жиҳатлари А.В.Островский, Е.С.Баженовая, Я.М.Бергер, В.Г. Гельбрас[72], Л.Д.

---

[71] Доклад о выполнении плана экономического и социального развития за 2016 год и проекте плана на 2017 год. URL: http://russian.news.cn/china/2017- 03/17/c_136137588.htm

[72] *Гельбрас В.Г.* Экономика Китайской Народной Республики. Важнейшие этапы развития. 1949-2007. Важнейшие отрасли. М.: Квадрига, 2010. 642 с.

Бони, Е.С. Анохина, Е.В. Савкович каби россиялик хитойшуносларнинг тадқиқотларида ифода этилган. Кам Вин Чан, Чжао Яохуэй, Цай Фан, Хуан Пин, Цзай Лян ва бошқаларнинг асарлари ХХР ички миграциясининг ихтисослашган тадқиқотларига бағишланган. Аммо, шу билан бирга, мигрантларнинг турли хил тоифаларини ажратиш ҳамда уларга баҳо беришда бўшлиқ мавжудлигича қолмоқда. Шу сабабли турли тоифадаги мигрантларни ажратишга турлича ёндашувларни таҳлил қилиш, шунинг асосида ички мигрантларнинг кўринишлари ва турларини аниқлаш ҳамда уларнинг сонига миқдорий баҳо бериш тадқиқотимизнинг мақсадига айланди. Хитой Давлат статистика бошқармаси (жумладан, Бутун Хитой аҳолини рўйхатга олиш маълумотлари), Хитой Жамоат хавфсизлиги вазирлигининг ички миграция бўйича статистик маълумотлари ва таҳлилий материаллари тадқиқотнинг ахборот асоси ҳисобланади. Бунда статистика материаллари ва методологик ҳолатга услубий изоҳ беришга алоҳида эътибор қаратилди[73].

Шунингдек, Хитой аҳолисининг ички миграцияси ХХРнинг шарқий минтақалари ривожланиши ва мамлакатнинг экспортга йўналтирилган моделини қўллаб-қувватлашга сезиларли ҳисса қўшди. Шу билан бирга, ички мигрантлар рўйхатдан (пропискадан) ўтган ва рўйхатдан ўтмаган мигрантлар кўринишида намоён бўлади. Гарчи ХХРда рўйхатни алмаштиришни амалга ошириш жуда мураккаб жараён бўлса-да, уни ўзгартирган мигрантлар тоифаси барқарордир.

Яшаш жойини ўзгартирмаган ички миграция рўйхатдан ўтиш даври оралиғида, айниқса, ўсди. Шу билан бирга, турли тоифадаги мигрантларни ажратиш, тизимлаштириш ва баҳолашда муайян бўшлиқ мавжуд бўлиб, ХХР аҳолисининг миграцион сафарбарлигига рўйхатга олиш тизимининг таъсири қайд этилган. Мамлакат аҳолисини рўйхатга олиш мақоми ва яшаш манзилини фарқлаш лозим, чунки мақом рўйхатга олиш эгаси ва давлатнинг ўзаро

[73] Положение Китайской Народной Республики по правилам ведения статистики. URL: http://www.docin.com/p-110215804.html

муносабатларини ижтимоий таъминотга нисбатан ҳуқуқларини белгилаб бериш билан бирга, ХХРнинг рўйхатга олиниш ва амалда яшаш мақоми бўйича фуқаролар ажратиб олинди. Турли тоифадаги ички мигрантларни тизимлаштириш таклиф қилинди ва уларнинг миқдорий сонига баҳо берилди.

ХХРдаги аҳоли миграциясини тадқиқ қилиш жараёнида аҳолининг ички миграцияси билан боғлиқ тушунчаларни чеклашга зарурат туғилди, биринчи навбатда, бу рўйхатга олиш мақоми ҳамда манзилига тааллуқли ҳисобланади.

Шу ўринда, рўйхатга олиш мақоми икки кўринишга бўлинади – қишлоқ мақоми ва қишлоқ бўлмаган ёки шаҳар мақоми. Бунда қишлоқ ва шаҳар рўйхатида бўлиш шаҳар ёки қишлоқ ҳудудида мажбурий яшашни англатмайди. Шаҳар ва қишлоқларда ҳам қишлоқ, ҳам шаҳар рўйхатидан ўтган аҳоли истиқомат қилади. Фарқ шундаки, рўйхатга олиш мақоми рўйхатга олиш эгаси ва давлатнинг давлат ижтимоий таъминоти тизимидан фойдаланиш ҳуқуқларига нисбатан ўзаро муносабатларни белгилаб беради. Рўйхатга олишнинг давлат мақоми турар-жой билан таъминлаш, ишга кириш, таълим олиш, тиббий хизмат ва бошқа давлат хизматларидан фойдаланиш ҳуқуқини беради. Рўйхатга олиш мақоми агар инсон мақомини ўзгартириш бўйича расмий жараёнлардан ўтмаган бўлса, амалдаги яшаш жойидан қатъи назар, ўзгармасдан қолади[74].

Сўнгги йилларда ХХРда рўйхатга эга бўлмаган шахсларни ҳисобга олиш борасида муайян ишлар олиб борилмоқда. Ҳозирги кунда ХХРда рўйхатга олиш тизимини ислоҳ қилиш амалга оширилмоқда, унинг асосий вазифаларидан бири ягона рўйхатга олиш тизимини яратиш ва мамлакат аҳолисининг умумий рўйхатга олиш мақомини киритиш ҳисобланади. Шу сабабли рўйхатдан ўтиш турини ўзгартирмоқчи бўлган ва вақтинчалик рўйхатга эга бўлмаган аҳоли *рўйхатга олинишини кутаётган аҳоли* деб номланади.

---

[74] Ўша манба.

Бешинчи Бутун Хитой аҳолини рўйхатга олиш маълумотларига кўра, рўйхатга олинишини кутаётган кишилар 8,052 миллион нафарни, олтинчи рўйхатга олиш маълумотлари бўйича 13,8 миллион нафарни ташкил қилиб, уларнинг 9,5 миллион нафари қишлоқ аҳолисини ташкил этади[75]. Баён этилганларни инобатга олган ҳолда Хитой барча аҳолисини шартли равишда қуйидаги олтита турга ажратиш мумкин:

1. шаҳар рўйхатида туриш мақомига эга шаҳарда яшовчи аҳоли;
2. шаҳар рўйхатида туриш мақомига эга қишлоқда яшовчи аҳоли;
3. қишлоқ рўйхатида туриш мақомига эга шаҳар поселениеларида яшовчи аҳоли;
4. қишлоқ рўйхатида туриш мақомига эга қишлоқ поселениеларида яшовчи аҳоли;
5. умумий рўйхатда туриш мақомига эга аҳоли;
6. рўйхатда туришни кутаётган аҳоли.

Рўйхатда туриш мақоми (хукоу)дан ташқари, ҳар бир киши рўйхатда туриш манзилига (хукоусоцзайди) расмий ва «доимий яшаш» жойлари бўйича ҳам мақомга эга. Бошқача айтганда, ҳар бир аҳоли ҳудудида маҳаллий ва доимий яшаш бўйича рўйхатда туришга эга бўлган (бэньди хукоу) ва шундай мақомга эга бўлмаган (вайди хукоу) аҳоли мавжуд. Агар рўйхатга қўйиш мақоми ўрнатилса, фуқаро давлатнинг қандай ижтимоий кафолатларига эга бўлишини белгиласа, рўйхатга олиш манзили фуқаро улардан қаерда фойдаланиши мумкинлигини англатади. Бунда агар рўйхатга олишнинг кишлоқ мақомига эга инсон шаҳарга расмий равишда кўчиб ўтмоқчи бўлса, бундай ҳолда у, биринчи навбатда, рўйхатга олиш мақомини шаҳарда рўйхатга олиш мақомига ўзгартириш ҳақида мурожаат қилиши, сўнгра эса янги яшаш манзили бўйича рўйхатга олишни қўлга киритиши лозим бўлади[76].

---

[75] Материалы переписи населения Китая 2010 года. http://www.stats.gov.cn/english/Statisticaldata/CensusData

[76] Положение Китайской Народной Республики о регистрации хукоу. URL: http://www.law-lib.com/law/law_view.asp?id=1338

Таъкидлаш жоизки, ХХРда мақомни ва рўйхатга олиш манзилини ўзгартириш жараёни давлат томонидан чеклаб қўйилган, шу сабабли мигрантларнинг асосий қисми рўйхатга олинишини ўзгартирмаган. Бу, бир томондан, миграцияни тартибга солишга имкон берса, бошқа томондан, ижтимоий кафолатларга ҳуқуқи бўлмаган аҳоли қатламини шакллантиришга туртки бўлади.

Бундай сиёсат Хитойда ижтимоий кафолатларга ва «тўлиқ фуқаролик»ка эга шаҳар табақаси ҳамда ерга боғланган ва шахсий таъминотида бўлган деҳқонлар табақасидан иборат иккита турлича кўринишдаги жамият пайдо бўлишига олиб келди. Қишлоқдан шаҳарга кўчиб ўтиш тақиқланмаганлиги учун рўйхатга олиш тизими миграцияни унчалик ҳам чеклаб қўймаган бўлса-да, қишлоқ аҳолисини давлат таъминоти ва ижтимоий кафолатлардан маҳрум қилди.

Шу муносабат билан шаҳарлардаги қишлоқдан келганлар етарли даражада кўчишга мойил, зеро, улар арзон ва осон фойдаланиладиган ишчи кучи бўлган. Шундай қилиб, рўйхатга олиш тизими ХХРга иқтисодий вазиятдан келиб чиқиб, малакасиз ишчи кучининг оқимини тартибга солиш ҳамда уларнинг халқ хўжалиги муаммоларини ҳал қилиш мақсадида мамлакатнинг муайян туманларига жўнатиш имконини беради. Бироқ мамлакат аҳолисининг турмуш даражасини ошириш ва «сяокан» кичик фаровон жамият қуриш бўйича вазифаларни ҳал қилиш аҳолининг турли ижтимоий кафолатларининг таъминланишини тенглаштиришни назарда тутади[77]. Шунинг учун ҳам ХХРда яшаш тури (цзюйминчжэн) институтини маҳаллий рўйхатга олишнинг мавжудлиги ва унинг йўқлигида муросага келтирувчи вариант сифатида илгари сурмоқда, бу янада прогрессив ечим ҳисобланади. Шунингдек, рўйхатга олиш институтини ислоҳ қилиш ишлари ҳам олиб борилмоқда.

---

[77] Островский А.В. Планы 13-й пятилетки: как построить общество «сяокан» в Китае к 2020 году (по материалам 4-й сессии ВСНП 12-го созыва, март 2016 г.) // Доклады ИДВ РАН. 2016. М.: ИДВ РАН, 2017.120 с.

«Ички миграция» тушунчасини ажратишнинг мураккаблиги, унинг қарама-қаршилиги ва бир хил эмаслиги ХХРдаги ички мигрантларнинг сонини баҳолашга яққол мисол бўлади. Бунда мигрантларнинг тоифасини чеклаш ва уларнинг миқдорини баҳолаш жуда мураккаб жараёндир. ХХР ички миграциясининг барча тоифаларини аниқлашнинг умумий тизими эса тўла шаклланмаган. Тадқиқотимиз давомида Хитой ички миграциясига тааллуқли маълумотлар манбалари, биринчи навбатда, Хитой Жамоат хавфсизлиги вазирлигининг маълумотлари (расмий рўйхатдан ўтишни алмаштириш, вақтинча рўйхатдан ўтиш ва яшаш ҳуқуқини берувчи гувоҳномалар сони) ва Хитой Давлат статистика бошқармасининг маълумотлари (аҳолини рўйхатга олиш материаллари, йиллик статистик тўпламлар, қишлоқ ишчи кучи миграциясини мониторинг қилиш ва тадқиқ этиш бўйича йиллик ҳисобот) ўрганиб чиқилди. Мазкур маълумотларни таққослаш натижасида мигрантларнинг турли тоифаларини уч даражали тизимлаштириш таклифи билдирилди. Унинг асосига рўйхатга олиш манзилини ўзгартириш ва доимий истиқомат қилиш жойини қолдириш муддати киритилди. Доимий (рўйхатдан ўтишни ўзгартириш билан) ва вақтинчалик (рўйхатдан ўтиш жойини ўзгартирмаган ҳолда) миграция ажратиб олинди. Ўз навбатида, вақтинчалик миграция ҳам узоқ муддатли (олти ойдан ортиқ) ва қисқа муддатли (олти ойга қадар) даврларга бўлинди. Бизнинг фикримизча, энг қийини рўйхатга олиш манзилини ўзгартирмаган ҳолдаги узоқ муддатли миграция ҳисобланиб, унинг доирасида кўпинча ўзаро мигрантларнинг учта тоифаси қайд этилади.

Мигрантларнинг биринчи тоифасини рўйхатга олиш манзили бўйича яшамаётган аҳоли ташкил этади. Мазкур тоифага мигрантларнинг иккита тури, яъни рўйхатга олиш манзилидан бошқа жойда яшаётган аҳоли (жэньху фэньлидэ жэнькоу) ва аҳолининг алмашиниб туриши (людун жэнькоу)[78] киради. Биринчи турга бир ярим йилдан буён рўйхатга олиш манзилидан бошқа

[78] Материалы переписи населения Китая 2010 года.URL: http://www.stats.gov.cn/english/Statisticaldata/CensusData

аҳоли ҳудудида ёки битта ҳудудда, бироқ бошқа манзил бўйича яшаётган аҳоли киради. Аҳолининг алмашиниб турадиган турига бир ярим йилдан буён рўйхатда турган манзили бўйича эмас, балки бошқа манзилда яшаб келаётган аҳоли киритилди, бироқ рўйхатга олиш манзили округи (префектура) чегарасидан ташқарида ёки рўйхатга олиш манзили бўйича муниципалетит ёки округ аҳамиятидаги шаҳарлардан ташқарида яшаётган аҳоли киритилди. Шундай қилиб, рўйхатда туриш манзили бўйича яшамаётган аҳоли алмашиниб турадиган аҳолини ва рўйхатда туриш манзилида яшамаётган, бироқ рўйхатда туриш манзили бўйича округ ёки муниципалитет ёхуд округ аҳамиятидаги шаҳарлардан ташқарида яшаётган аҳолидан таркиб топади. Шунга мувофиқ, 2016 йилда рўйхатда туриш манзили бўйича яшамаётган аҳоли сони 294 миллион киши бўлиб, алмашиниб турадиган аҳоли сони эса 47 миллионга кам, яъни улар 245 миллион нафарни ташкил этган[79].

Иккинчи тоифа қишлоқ ишчи мигрантларидан иборат. Мазкур тоифага олти ойдан ортиқ муддат давомида туғилган қишлоғида ва шаҳар кўринишидаги ҳудуддан (посёлкадан) ташқарида ишлаётган, қишлоқ хўжалигига тааллуқли бўлмаган ишлар билан шуғулланаётган аҳоли, шунингдек, олти ойдан ортиқ ўз қишлоғи ҳамда посёлкада ноқишлоқ хўжалиги ишларини бажараётган аҳоли киради. 2016 йилда ХХРда қишлоқлик мигрантлар сони 282 миллион кишига етди (таққослаш учун: 2015 йилда 277,47 миллион киши)[80]. Олти ойдан ортиқ давр ичида туғилган қишлоқлари ва посёлкаларидан ташқарида иш фаолияти билан машғул бўлган аҳоли сони 2016 йилда 169,34 миллион нафарни ташкил этди. Мазкур тоифадаги мигрантлар ташқи қишлоқ ишчи мигрантлари ҳисобланади. Ўз навбатида, туғилган қишлоғи ва посёлкада олти ойдан ортиқ муддат ичида ноқишлоқ хўжалиги

---

[79] Statistical Communique of the People's Republic of China on the 2016 National Economic and Social Development. URL: http://www. stats. gov. cn/english/PressRele- ase/201702/t20170228_1467503.html
[80] Ўша манба.

ишларини бажараётганлар ёки маҳаллий қишлоқ ишчи мигрантларининг сони 2016 йилда 112 миллион кишига етди (2015 йилда 108,63 миллион киши).

Учинчи тоифага шаҳар рўйхатида турмаган шаҳар аҳолиси, яъни шаҳарда яшаш учун рўйхатга эга бўлмаган шаҳар аҳолиси киради. 2016 йилда шаҳарларда рўйхатда турмаган шаҳар аҳолиси сони 224 миллион кишига етди[81]. Мазкур тоифага, шунингдек, шаҳарда яшовчи, бироқ қишлоқда рўйхатда туриш мақомига эга аҳоли ҳам киради.

ХХРдаги ички миграция ҳақида янада аниқроқ тасаввурга эга бўлиш учун миграцияни асосий белгиларига кўра таснифлаш мақсадга мувофиқ:

1. ХХРда ички миграциянинг юридик мақоми белгиси бўйича рўйхатга олиш манзилини ўзгартирувчи миграция ва рўйхатда туриш манзилини ўзгартирмаган, яъни рўйхатдан ўтган миграция (вақтинчалик рўйхатдан ўтган ёки яшаш учун рухсат олган) билан рўйхатдан ўтмаган миграцияга ажратиш мумкин;

2. ички маъмурий чегараларни кесиб ўтиш белгиси бўйича: минтақалараро миграция (минтақавий чегараларни кесиб ўтувчи), вилоят(провинция)лараро миграция (вилоят даражасидаги чегараларни кесиб ўтувчи), ички вилоятлараро миграция (вилоят даражасидаги чегарани кесиб ўтмаган, бироқ округ даражасидаги чегарани кесиб ўтувчи) ва округ ичидаги миграция (округ даражасидаги чегарани кесиб ўтмаган);

1. оқимлар йўналиши бўйича шаҳар аҳоли ҳудудидан шаҳарга, қишлоқ аҳоли ҳудудидан шаҳарга, шаҳар аҳоли ҳудудидан қишлоққа йўналтирилиши мумкин;

2. сўнгги манзилда қолиш муддати бўйича: доимий (рўйхатда туришни ўзгартирган ҳолда) ва вақтинчалик бўлиб, ўз навбатида, бу узоқ муддатли (ярим йилдан ортиқ) ва қисқа муддатли (ярим йилга қадар) бўлади;

---

[81] Statistical Communique of the People's Republic of China on the 2016 National Economic and Social Development. URL: http://www.stats.gov.cn/english/PressRele- ase/201702/t20170228_1467503.html

3. 2010 йилда Бутун Хитой аҳолини рўйхатга олиш материалларида тақдим этилган мақсадлар ва сабабларга кўра, миграция иш (бизнес) билан, ишни, ўқишни бошқа жойга ўтказиш, қарамогида бўлганларнинг кўчиши, қариндошлари ёки дўстлариникига ташриф, кўчиб ўтиш, шунингдек, рўйхатдан ўтишни ўзгартириш, никоҳдан ўтиш ва бошқа сабаблар билан боғлиқ бўлиши мумкин[82].

Шундай қилиб, турли хил тоифа бўйича миграциянинг батафсил таҳлили Хитойдаги ички миграция жараёнини чуқуррок тушуниш имконини беради.

ХХРдаги мигрантлар сонига турли хил баҳо бериш мавжуд экан, демак, аҳолининг ички миграциясини тўлиқ ҳисобга олгунга қадар миграция тўғрисидаги ахборот манбалари катта ўрин тутади. Ўтказилаётган тадқиқотда турли баҳолашларни қиёслаш учун ҳар хил вазирлик ва идораларнинг маълумотлари таҳлил қилинди.

Доимий рўйхатдан ўтиш (яъни, пропискасини ўзгартирган ҳолда) миграцияга оид маълумотлар Хитой Жамоат хавфсизлиги вазирлиги юритувида бўлиб, йил давомида кўчиб келган жойида доимий рўйхатдан ўтган мигрантлар сонини акс эттиради. Бундай ҳолатда бир йил мобайнида рўйхатга олинган манзилнинг (прописка) расман ўзгариш сони тушунилади. Айни пайтда, мазкур тоифадаги маълумотларда бир турар-жой (шаҳар, посёлка, кишлоқ) ҳудудида пропискасини алмаштирган (рўйхатдан ўтган) шахслар ҳисобга олинмайди.

Расмий миграциянинг бир қисми бир қишлоқдан иккинчисига қараб йўналтирилган бўлиб, уларнинг асосий қисми тузилган никоҳ сабабли амалга ошади. Таъкидлаш лозимки, расман рўйхатда туришни ўзгартирган мигрантлар сони деярли барқарор ҳолатда сақланиб қолмоқда.

Доимий рўйхатдан ташқари, вақтинчалик яшаш учун берилган гувоҳнома ва яшаш учун гувоҳномалар бўйича маълумотларни юритиш ҳам Хитой Жамоат хавфсизлиги вазирлиги ваколатларига киради.

[82] Материалы переписи населения Китая 2010 года.URL: http://www.stats.gov.cn/english/Statisticaldata/CensusData

Хитой Давлат статистика бошқармаси аҳолини рўйхатга олиш натижалари бўйича, шунингдек, танлов асосида ўтказиладиган тадқиқотлар маълумотларига асосан ички миграция статистикасини олиб боради[83].

Хитой Давлат статистика бошқармасининг маълумотларида узоқ муддатли вақтинчалик миграция (рўйхатда туриш прописка манзилидан бошқа жойда яшовчи аҳоли, шаҳарларда қишлоқ ва посёлкалардан келиб доимий рўйхатсиз яшовчи мигрантлар) билан боғлиқ маълумотлар акс этади.

Таъкидлаш лозимки, сўнгги йилларда ХХРдаги миграцион оқимларнинг анъаналаридан бири - қишлоқ хўжалиги билан боғлиқ бўлмаган ишларни бажарувчи қишлоқ ишчи мигрантлари сонининг ошганлиги. Бунда улар сонининг ўсиши 2011 йилдан 2015 йилга қадар секинлашган. 2016 йилда эса мазкур кўрсаткичнинг бирмунча ўсганлиги сезилади, бу, аввало, аҳоли сонининг ўз қишлоқ ва посёлкалари даражасида ошиши (2015 йилда 108,6 миллиондан 2016 йилда 112,4 миллион нафарга ошиши билан) билан боғлиқ. Мазкур анъана ХХР томонидан қишлоқ аҳолисини ўз ҳудудида машғуллигини рағбатлантириш бўйича олиб борилаётган сиёсатнинг ижобий натижасидан далолат беради.

Илк бор сўнгги йиллар ичида рўйхатда туриш манзилидан бошқа жойда яшовчиларнинг сони 2015 йилдаги 298 миллион кишидан 2016 йилда 292 миллион кишига тушди. Шунга ўхшаш жараёнлар 2014 йилда 253 миллион кишидан 2016 йилда 245 миллионга камайган бўлиб, айланиб юрувчи аҳолига ҳам хос[84]. Содир бўлаётган силжишлар ХХРда рўйхатга олиш соҳасида олиб борилаётган ислоҳотлар натижасидан далолат беради. Шунга қарамасдан, мамлакат ичида аҳолининг кўчиб юришида шарқий вектор асосий ўринда

---

[83] Положение Китайской Народной Республики по правилам ведения статистики. URL http://www.docin.com/p-110215804.html

[84] Statistical Communique of the People's Republic of China on the 2016 National Economic and Social Development. URL: http://www.stats.gov.cn/english/PressRelease/201702/t2017 0228_1467503.html

қолмоқда. Бу бўйича Гуандун, Чжэцзян, Шанхай, Пекин, Цзянсу, Тяньцзинь ва Фуцзянь шаҳарлари етакчиликни қўлдан бермаяпти[85].

Статистика бўйича методологик ҳолатнинг таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, аҳоли ички миграцияси ҳажмининг билвосита кўрсаткичи ошишига ички туризм тўғрисидаги маълумотлар туртки бўлиши мумкин. Бу олти ойгача муддатга кўчиб юрувчи шахслар (жумладан, ишга жойлашувчи) статистикада сайёҳ сифатида ҳисобга олинади. 1994 йилдан 2015 йилга қадар Хитойда ички сайёҳлар сони 524 миллиондан 3 990 миллионга, яъни салкам саккиз маротабага ошди[86]. ХХР статистикасида шаҳар ва посёлкаларнинг сайёҳларидан қишлоқлар сайёҳларини ажратиб кўрсатишади. 2010 йилга қадар қишлоқдан бўлган сайёҳлар сони шаҳарлик сайёҳлар сонидан ортиқ бўлганини таъкидлаш муҳим. Бироқ Хитой қишлоқларидаги турмуш тарзи ва даромадларининг унчалик ҳам юқори бўлмаган кўрсаткичлари билан қишлоқ аҳолисининг миграцион ҳаракатини сайёҳлик оқимлари, деб ҳисоблаш амримаҳол бўлса керак. Мазкур сафарларни, асосан, меҳнат миграцияси билан боғлиқ бўлган, деб тахмин қилиш мумкин. Аммо, 2010 йилда вазият тубдан ўзгарди: 2010 йилдан 2014 йилгача шаҳарлик сайёҳлар сони 2,5 бараварга ошди, қишлоқлик сайёҳлар эса бор-йўғи 1,1 %ни ташкил этди. Юзага келган ўзгаришлар, энг аввало, бир қатор қишлоқ турар-жойларининг шаҳар мақомига ўзгаргани, шунингдек, шаҳар аҳолиси турмуш тарзининг ўсиши ва мамлакат ичида хизмат кўрсатишга эҳтиёжнинг ошиши билан боғлиқ. Олиб борилган тадқиқотлар кўрсатишича, айни пайтда, Хитойда ички мигрантларнинг турли хил тоифалари мавжуд. Шу билан бирга, Хитойда мигрантларни ҳисобга олиш тизими янада такомиллаштирилишини таъкидлаш лозим.

---

[85] Понкратова Л.А., Тракова Е.В. Внутренняя миграция населения в Китае: что показала перепись населения 2010 г. // Россия и Китай: новый вектор развития социальноэкономического сотрудничества: материалы II Международной научно-практической конференции.
[86] China Statistical Abstract 2016. Beijing, 2016.

Хулоса тариқасида ХХР аҳолиси турли тоифаларининг рўйхатга қўйиш мақоми ва манзили бўйича таҳлили мигрантлар типологиясини ўтказиш шу асосда фуқароларнинг рўйхатга қўйиш мақоми ва манзили бўйича белгилаш имконини берди. Чет эл ва Россиядаги меҳнат бозорида миграция соҳасида юзага келган тушунчаларда мигрантларнинг барча тоифаларини синчиклаб таҳлил қилиш Хитойдаги ички миграцияни юридик мақом, ички маъмурий чегараларни кесиб ўтиш, миграцион оқимларнинг йўналтирилганлиги, миграциянинг охирги манзилда қолиш муддати, шунингдек, миграция мақсад ва сабаблари каби белгилари бўйича қайта ишлаб чиқишга имкон берди. Хитой Давлат статистика бошқармаси, Хитой Жамоат хавфсизлиги вазирлигининг статистик маълумотларини қиёсий таҳлил қилиш, шунингдек, Кам Вин Чан томонидан берилган баҳолар натижасида ички мигрантларнинг турли тоифаларини сон бўйича тизимлаштириш амалга оширилди.

2016 йил ҳолати бўйича қишлоқ ички мигрантларининг сони 281,71 миллион кишига тенг бўлиб[87], улардан ўз қишлоқ ва посёлкаларидан ташқарида меҳнат қилаётганлари 169,34 миллион нафарни, туғилиб яшаётган қишлоқ ва посёлкаларда қишлоқ хўжалиги билан боғлиқ бўлмаган ишларни бажараётганлар 112,37 миллион кишини ташкил этди. Умуман олганда, рўйхатдан ўтган манзилидан бошқа жойда яшаётган аҳолининг сони қисқариб, 292 миллион нафарни ташкил этди.

## Иккинчи боб бўйича хулосалар

1. Тадқиқот жараёнида аҳоли сонининг рўйхатда турмаган манзил бўйича камайиб бораётгани, қишлоқлик ишчи мигрантлар сони ўсиши секинлашгани аниқланди.

---

[87] Statistical Communique of the People's Republic of China on the 2016 National Economic and Social Development. URL: http://www.stats.gov.cn/english/PressRele- ase/201702/t20170228_1467503.html

2. Мамлакат минтақаларининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини тенглаштириш жараёни юзага келаёттани ва сўнгги йилларда рўйхатга олиш тизими, айниқса, кичик шаҳар ва посёлкаларда ислоҳ қилиш билан боглиқ амалга оширилаётган миграцион сиёсатнинг самарасини ошириш тўғрисида аниқланган анъаналардан далолат беради.

3. Мигрантларнинг умумий сонини айтиш учун мазкур маълумотларга расмий равишда рўйхатда туриш манзилини ўзгартирган, шунингдек, рўйхатда туриш манзилини олти ойгача муддатга қолдирган (сайёҳларни ҳисобга олмаган ҳолда) қисқа муддатли мигрантларни ҳам қўшадиган бўлсак, уларнинг сонини баҳолаш имконсиз бўлиб қолади.

4. Мигрантларнинг бутун бир ҳажми аҳолининг иқтисодий фаоллиги ва давлат муаммоларини ҳал қилишга жалб этилган ишчи кучи захираларини баҳолаш имконини беради.

5. Маълумотнинг турли хил манбалари таҳлили миграциянинг охирги манзилда қолиш муддатига, миграция тури ва миграцион ҳаракат босқичига қараб, Хитойдаги ички мигрантларнинг асосий тоифаларини тизимлаштириш ҳамда тоифалаштириш имконини берди.

# III БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА ИЧКИ МИГРАЦИЯ ЖАРАЁНЛАРИГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ ОМИЛЛАР ВА КАСБИЙ МОБИЛЛИК ДАРАЖАСИНИНГ ҲУДУДИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

Ўзбекистондаги ички миграция жараёнларида касбий мобилликнинг ҳудудий хусусиятлари ва касбий мобиллик фаолиятини такомиллаштириш масаласи ижтимоий механизм сифатида ўрганилиши мақсадга мувофиқ.

Зеро, бундай ёндашув асосида ички миграциянинг халқаро миграцияни шакллантиришдаги роли, ундан халқаро миграцияни амалга ошириш тажрибасидан фойдаланишни ўрганиш улар ҳақида янада аниқ маълумотлар беради ва асосли хулосалар чиқарилади.

Қишлоқлардан шаҳарларга кўчган одамларда кейинчалик мамлакат ташқарисига кўчиши учун «миграцион адаптация потенциалини, кўникмасини», яъни миграция жараёнларида касбий мобиллик хусусиятларини шакллантиради.

Ички миграция жараёнида одамлар халқаро чегараларни кесиб ўтмайдилар, балки ўз мамлакатидаги бир маъмурий ҳудуддан бошқасига, асосан, ишлаш учун боришади.

Ички миграция мамлакат иқтисодий ривожланишига катта ҳисса қўшиши ҳамда касбий мобиллик даражасининг ҳудудий хусусиятларига таъсир кўрсатади.

Микро ва макро ёндашувлар ички миграция хулқ-атвори ва жараёнлари ҳақида қўшимча маълумот беради, аммо миграциядаги трансмиллий фарқларни тушуниш учун аниқ макро даражавий нуқтаи назардан қаралади.

Стандартлаштирилган аналитик ёндашув ва умумий кўрсаткичлардан фойдаланиш ички миграциянинг учта асосий ўлчови: интенсивлиги, ёш таркиби ва ташқи таъсири бўйича мамлакатимизда тизимли таққослаш имконини беради.

## 3.1-§. Ички миграция жараёнларида касбий мобилликнинг ривожланиш хусусиятлари

Бугунги кундаги инсоният тараққиёти босқичи глобал саноатлашиш ва индустриал марказлар ҳамда шаҳарлар жадал ривожланиши билан белгиланади. Индустриализация, ўз навбатида, инсон хўжалик фаолиятининг барча соҳаларини қамраб олиб, ишчи кучига бўлган эҳтиёж ўсишига сабаб бўлмоқда. Ишчи кадрларга бўлган эҳтиёж нафақат шаҳар аҳолиси ҳисобига, балки қишлоқ аҳолиси ички миграцияси ҳисобига ҳам қондирилмоқда, бу эса шаҳар аҳолиси улушининг ошиб боришига таъсир ўтказади.

Социологик тадқиқот натижаларига кўра, ички мигрантлар оилалари эҳтиёжи учун пул жўнатмалари юборадилар. Масалан, Хитойда ички мигрантлар томонидан йилига 30 миллиард доллар миқдорида пул айланмаси амалга оширилади. Яъни, бу пуллар, асосан, шаҳарга келган ишчилар томонидан қишлоқ жойларга жўнатилади. Бу пул жўнатмалари Хитой шаҳар ва қишлоқларидаги кишилар даромади ўртасидаги фаркни қисқартирди, ҳудудий мулк тенгсизлигини пасайтирди, камбағалликни қисқартирди, таълим ва соғлиқни сақлаш учун маблағ тўлашга, истеъмол ва инвестицияни қўллаб-қувватлашга ёрдам берди.

Маълумки, ер юзидаги 250 миллиондан ортиқ халқаро мигрантларга солиштирганда, биргина Хитойда 252 миллиондан ортиқ ички мигрантлар бор. Кейинги йиллардаги ички миграция тенденцияси унинг халқаро миграцияга қараганда юқори даражада ўсишини кўрсатмоқда. Масалан, 2016 йил қишлоқдан келган ишчи мигрантлар 282 млн. кишини ташкил этган[88].

Ички миграциянинг халқаро миграцияни шакллантиришдаги роли одамларнинг ундан халкаро миграцияни амалга ошириш тажрибасидан «трамплин» сифатида фойдаланишидир. Маълумотларга кўра, кейинги вақтда

---

[88] Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 26 декабрдаги «Халқаро миграция ташкилоти Конституциясини (Брюссель, 1953 йил 19 октябрь) ратификация қилиш тўғрисида»ги ЎРҚ-510-сон қонуни. lex.uz.

Хитойда ялпи ички миллий маҳсулот ҳар йили 16,0 %га ўсган. Унинг асосий сабаби маълум ҳудудларда ишсизликдан қутулиш ва бошқа ҳудудларда иш ўринларини тўлдиришда ички миграция таъсири бўлганлигидир.

Мамлакатимизда 2050 йилга бориб аҳоли сони 44 миллион кишини ташкил этади. Футурологик башоратларга нисбатан хорижий тадқиқотчилар ҳисоб-китоблари янада оптимистик бўлиб, бу кўрсаткич 2050 йилга бориб, ҳозирги 35 миллиондан 51 миллион кишига кўпайишини кўрсатмоқда[89].

Бундай жараёнлар, аслида, ҳар бир давлатда содир бўлмоқда, улар бутун жамиятдаги ижтимоий-иқтисодий вазиятга жиддий таъсир кўрсатмоқда. Иқтисодиётнинг ўсиб, ривожланиб бориши билан шаҳарларнинг саноат марказлари сифатидаги роли ҳам ошиб, унда урбанизация жараёнлари табиий тарзда кечмоқда. Жаҳон банкининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Хидеки Мори фикрича, Ўзбекистон Республикаси Президенти Мурожаатномасида эътиборни тортган бир жиҳат аҳолининг турар жойда рўйхатга олиш, прописка масаласининг ислоҳ этилишидир. Боиси иш ва яшаш учун одамларга танлаш ҳуқуқи, мамлакат бўйлаб бемалол ҳаракатланиш имкони берилиши керак. Ушбу масалалар узоқ йиллардан буён ўз ечимини кутаётган эди.

Ўзбекистон мустақил бўлганидан бошлаб, то ҳозирги кунга қадар мамлакатда аҳолини рўйхатга олиш ишлари олиб борилмади. Охирги рўйхатга олиш жараёни собиқ иттифоқ даврида (1989 й.) амалга оширилган бўлиб, бугунги кунда аҳолининг ижтимоий-демографик ҳолати билан боғлиқ маълумотлар Республика Давлат статистика қўмитаси ахборотларига асосланган ҳолатда эълон қилинади. Шунга кўра, Ўзбекистон Республикасининг доимий аҳолиси (7-жадвал) сони 2021 йил 1 январь ҳолатига

[89] Джангиров М. Процессы урбанизации в Узбекистане. // http://www.anons.uz/article/articles/5188/

кўра 34558,9 минг кишини ташкил этиб, 2020 йил бошидан 653,6 минг кишига ёки 1,93 %га ўсди[90].

**7-жадвал**

**Ўзбекистон Республикаси аҳолиси сони**

| Вилоятлар | 2020 йил | 2021 йил |
|---|---|---|
| Қорақалпоғистон Республикаси | 1 898 351 | 1 923 734 |
| Андижон | 3 127 683 | 3 188 104 |
| Бухоро | 1 923 934 | 1 947 098 |
| Жиззах | 1 382 060 | 1 410 516 |
| Қашқадарё | 3 280 418 | 3 335 393 |
| Навоий | 997 100 | 1 013 631 |
| Наманган | 2 810 843 | 2 867 441 |
| Самарқанд | 3 877 355 | 3 947 722 |
| Сурхандарё | 2 629 135 | 2 680 800 |
| Сирдарё | 846 260 | 860 923 |
| Тошкент | 2 941 908 | 2 975 868 |
| Фарғона | 3 752 034 | 3 819 963 |
| Хоразм | 1 866 493 | 1 893 320 |
| Тошкент шаҳри | 2 571 668 | 2 694 378 |
| Жами | 33 905 242 | 34 558 891 |

Қорақалпоғистон Республикаси ва Фарғона, Қашқадарё, Андижон ҳамда Наманган вилоятлари ички миграция жараёнларида касбий мобиллигининг корреляцион ҳудудий хусусиятлари:

-сув танқислиги ҳамда экологик муаммолар туфайли шимолий ҳудудлар иқтисодий жиҳатдан ривожланмаганлиги;

[90] SVOD-3225, O'zbekiston Respublikasi Davlat statistika qo'mitasininig 2021-yil 12-avgustdagi № 01/3-12-16/2-268-sonli xati.

-Оролбўйи ҳудудида алкоголизм ва анемиянинг ўсиши ижтимоий табақаланишни кучайтиришга олиб келган;

-аҳоли зиёлилар қатламининг аксарият қисми касбий мобиллигини ошириш учун маргинал мавқеи ва келажагини белгилашда шаҳарларга келиши;

-жанубий ҳудудларда ҳуқуқий ва иқтисодий саводхонлик ҳамда ўрта маълумотлилик даражасининг пастлиги ва олий таълим олиш имконига эга эмаслик.

Қорақалпоғистон Республикасининг жанубий ҳудудларида касбий мобиллик пасайганининг гувоҳи бўляпмиз, чунки, бир томондан, Тошкент ва чет элларга «ақл эгалари»нинг кўчиши, иккинчи томондан, олий таълимни элиталаштириш кузатилмоқда.

Шунингдек, олиб борилган кузатув методига асосан бугунги кунда Қорақалпоғистон Республикасининг шимолий ва марказий ҳудудларида мобилликнинг паст чизиғи бўйлаб, оддий одамларда тобора кўпроқ гетто[91] (мавзе)си шаклланмоқда. Ички миграцион жараёнларда «авлодлараро мобиллик»нинг потенциал имкониятларидан юқори даражада тажриба алмашинуви ҳамда интенсив ривожланувчи детерминт омиллар, конструктив воситалар, фуқаролик институтлари фаолиятини, жамият социал-сиёсий ижтимоий шериклик муносабатларини ташкиллаштириш, бошқариш ва назорат қилиш муҳим вазифа ҳисобланади. Қорақалпоғистонда илгари чет тили сифатида рус тили кенг тарқалган эди, аммо бугунги кунда инглиз ёки бошқа чет тиллари мутахассислиги йўқ қорақалпоқлар учун қорақалпоқ тилига ўхшаганлиги туфайли фақат Қозоғистонга бориш мумкинлиги кузатилмоқда. Бу ҳолатда давлат географик мобиллиги (Ўзбекистон ичида жойлашувнинг ўзгариши) горизонтал касбий мобилликни рағбатлантиради. Бу эса

[91] Getto — илк ўрта асрларда Ғарбий ва Марказий Европа мамлакатларида яҳудийлар яшаши учун ажратилган шаҳар қисми. Биринчи марта «гетто» тушунчаси ўрта асрларда Венецияда пайдо бўлган. Иккинчи жаҳон уруши пайтида бир неча миллион яҳудийлар фашистлар томонидан ташкил этилган геттоларда ҳалок бўлишди. Ҳозирги кунда бу сўз бироз бошқача маънога эга бўлди. Ҳозир геттолар кўпгина ривожланган мамлакатларда мавжуд, бунда қишлоқ аҳолисини йирик шаҳарлар атрофига кўчиши сифатида тушунилади.

Қорақалпогистон шароитида етарли ресурсларга эга бўлган ҳудудларга Фарғона водийсидан келган ички мигрантлар ижарага катта ер участкалари олиб, томчилатиб суғориш каби янги агро технологиялар асосида иш олиб бормокдалар.

Умуман олганда, касбий мобилликнинг ўзгариши билан бир каторда, Фарғона водийси аҳолиси ижтимоий турмуш тарзининг маданий кўчиши, диний қадриятлар трансформацияси билан боғлиқ тизимли мониторингни ташкил этиш муҳим аҳамият касб этади.

Қишлоқ хўжалиги маданияти шароитида диний қадриятлар табиий равишда менталитет билан чекланади, кўчманчи субмаданиятли қорақалпоқлар орасида эса норозилик кайфиятлари пайдо бўлишига олиб келиши мумкин. Бу эса диннинг тобора кучайиб бораётган таъсирига қарши ҳаракат қила оладиган қорақалпоқларда миллий ўзликни саклаш ва Ватанга муҳаббатнинг аҳамиятини кўрсатмокда. Зотан, бугунги кунда диний телеграм каналлари таъсири остида қорақалпоқ аҳолиси тобора диний фикрловчи шахслар таъсирига тушиб бормокда. Қорақалпогистонда кўпгина одамлар ўз иш фаолиятини Ўзбекистонннинг бошқа вилоятлари фуқаролари билан бир хил ижтимоий даражада эмас, балки пастроқ даражада бошлайди, шунинг учун фақат озчиликкина олдинга силжишга эриша олади, асосий омил экологик компонент ҳисобланади. Давлатимиз аҳолининг меҳнатга лаёқатли қисмини иш билан таъминлаш борасида оқилона сиёсат олиб бормокда. Шундай қилиб, касбий мобиллик ресурслар йўналишлари, стратегик истиқболини белгилашда муҳим аҳамият касб этади.

Бироқ, қишлоқ ҳудудларида яшаётган аёлларни иш билан таъминлашни икки баробар ошириш ҳамда олий маълумотлилик даражасини кучайтириш муҳим, чунки қишлоқ жойларга турмушга чиқадиган қизларнинг давлат томонидан касбий мобиллигини ҳисобга олган ҳолда маиший хизмат турларига,

ижтимоий-маданий соҳаларга генетик жиҳатдан сақлаш имкониятларини ҳам эътиборга олиш лозим.

Республикамиз ҳудудларида тўқимачилик фабрикалари очилмоқда, розиликсиз, яъни хоҳишсиз касбий мобиллик (репатриация, мулкдан маҳрум қилиш, кўчириб юбориш каби) кузатилмайди. Глобаллашув шароитида замонавий жамиятнинг рақамли жамиятга ўтиши касбий мобиллик омили сифатида таъсири сезилмайди. Бироқ, бизнинг фикримизча, бу жуда муҳим, чунки дастурлашга ўқитиш прагматик ёшлар учун «яхши социал» лифт ҳамда профессионал касбий мобилликни оширади.

Индивидуал мобиллик омилларига кўра, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларининг қишлоқ жойларида таълим, тиббий хизматдан фойдаланиш, замонавий қишлоқ хўжалиги технологиялари ва бошқаларни топиш бирмунча мураккаб. Шу боисдан бу ҳудудларда, олий ўқув юртлари битирувчиларининг касбий ўсиш имкониятларини таъминлаш ғоят муҳим.

Глобаллашув жараёни қайси қатламлар шаклланишига олиб келиши бугунги кунда маълум эмас. Тадбиркорлар, ишчилар, деҳқонлар, зиёлилар каби йирик гуруҳларнинг ҳажми ва ўз-ўзини англаши ҳамда жамоавий қадриятлар мавжудлиги тўлақонли акс этмаяпти.

Аҳолини рўйхатга олиш, яъни ҳаёт сифат даражасини ошириш жуда муҳим. Демографик кўрсаткичлар: жинс, ёш, туғилиш, ўлим даражаси ва бошқа омиллар учун махсус дастурлар ишлаб чиқиш зарур ҳисобланади. Маълумки, мутахассислар (шифокорлар, юристлар ва ҳ.к.) кейинги авлод ўз иш ўринларини тўлдириш учун етарли миқдорда фарзанд кўриши ҳолатида камайиш тенденцияси кузатилмоқда. Бу ҳолатда экологик офат зонасидан малакали кадрларнинг кўпроқ кетиши ҳисобга олинса, яқин келажакда профессионал кадрлар етишмаслигига олиб келади. Шу сабабли, деҳқонлар ишлаётган ҳудудларида фарзандларни кўпайтириши ва қишлоқ аҳолиси ёшлари учун уларнинг туғилган жойларида 10 йил ишлаш шарти билан квоталарни сунъий равишда ошириш зарур.

Касбий мобиллик нуқтаи назаридан навбатдаги қадам судларда адолат устуворлиги ва меҳнат қонунчилигига риоя этилишидир. Ички миграция жараёнларида инсон омилининг социал-иқтисодий детерминизм сифатида мобилликнинг таркибий тузилмасини диверсификация қилиш ва географиясини кенгайтириш; замонавий миграция талаблари асосида йўл-транспорт инфратузилмасини янада ривожлантириш зарур. Ўзбекистонда ички миграция бўйича оқилона ечим мавжуд эмас. Яъни, мукаммал, универсал баҳолаш мезони сифатида касбий мобилликка оид социологик тадқиқотлар, айниқса, кўп ўлчамли миграциявий оқимларнинг илк босқичи, мигрантларнинг борган жойдаги ва қайтиб келганидан кейинги (масалан, социал мақоми кўрсаткичлари ва психологик) ўзгаришларни ўзаро қиёслаб, оқим динамикаси таҳлилидан чиқариладиган хулосалар борасида қатъий, умумий фикрга эришилмаган. Қорақалпоғистон Республикаси ва Фарғона, Андижон ҳамда Наманган вилоятларининг ички миграция жараёнларида касбий мобиллик коррелятив ҳудудий хусусиятлари ҳамда дифференциал ва интеграл ҳудудий кўрсаткичлар тенденциясига таъсир ўтказади.




**11-расм. Ички миграция жараёнларида республика аҳолисининг касбий мобиллигини ҳудудий хусусиятлари харитаси**

2019-2021 йиллар кесимида социологик-статистик маълумотларнинг республика ҳудудларида ички миграциянинг касбий мобиллик даражасини динамик кўрсаткичи қуйидаги кўринишга эга бўлди. Касбий мобиллиги фаол бўлган ҳудудлар сифатида Тошкент, Бухоро, Наманган ва Андижон вилояти қайд этилган бўлса, аксинча пассив ҳудудлар сифатида Қорақалпоғистон Республикаси, Сирдарё, Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятлари кўрсатиб ўтилган. Хоразм, Навоий, Самарқанд, Жиззах ва Фарғона вилоятлари касбий мобиллиги турғун ҳудудлар сифатида эътироф этилган[92] (11-расм).

Касбий мобиллик субъектларининг социал мавқеи, мақоми даражалари (ижтимоий-иқтисодий фойда, профессионал-касб структураси ўзгаришлари, мигрантлар «сифат кўрсаткичлари», таълим тизими узлуксизлиги, ижтимоий-сиёсий позицияси ва фаоллиги) каби кўрсаткичларни баҳолаш зарурияти «мобиллик шкаласи индекслари»ни аниқлашни тақозо этади. Бунинг учун ўзаро боғлиқ қуйидаги икки вазифани:

1) социал мобиллик субъектларининг ижтимоий мавқеи, мақомини белгилайдиган стандарт кўрсаткичларини ягона шкалага келтириш;

2) социал мобилликни ташкиллаштириш, бошқариш ва назорат қилишга мутасадди сиёсий ташкилотлар ва фуқаролик институтлари фаолиятини мувофиқлаштиришни таъминлаш зарур.

XX аср 70-йилларидаёқ дунёнинг барча мамлакатларида миграция жараёнларида инсонийлик тамойилини қарор топтиришда, аҳолининг турли социал қатламлари муносабатларида янги босқич вужудга келишида инсоншунослик назариясини яратиш зарурлиги ҳақидаги ғоялар илгари сурилгани ҳам тасодифий эмас[93]. Инсон объектига комплекс ва тизимли ёндашиш методологияси мутахассисларидан бири Е.М.Макаровнинг фикрича, инсоншунослик назарияси бир бутун тизим бўлиб, уни шартли равишда икки

---

92 Ўзбекистон Республикасининг Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Давлат статистика қўмитасининг 2019-2021 йиллар маълумотлари тақдим этилган ҳамда очиқ манбалари асосида вилоятлар кесимида таҳлил қилинди.

93 Ананьев Б.Г. О проблемах современного человека. - Москва: Наука, 1977. - С. 6-7.

қисмга бўлиш мумкин. Ушбу назариянинг биринчи қисми инсонни объект сифатида ўрганиш қоида ва усуллари, тушунча ва категориялари, функцияси ва шаклланиш тарихи каби масалаларни ўз ичига олса, иккинчи қисми инсон ҳақидаги билимлар таснифига доир эмпирик, махсус илмий, социологик ва фалсафий қарашларни қамраб олади[94].

## 3.2-§. Ички миграция жараёнларини оптималлаштиришнинг стратегик вазифалари

Миграция XXI асрда минтақалар аҳолисини ўзгартиришда ҳал қилувчи роль ўйнайди. Ички миграция, яъни мамлакат ичидаги минтақалар ўртасидаги ҳаракат бўйича тадқиқотлар халқаро миграцияга қараганда анча кам мавзу, аслида ички муҳожирлар сони халқаро мигрантлар сонидан тўрт баравар кўп. Ўрганилган Осиёнинг 15 давлатидаги ички миграциянинг қиёсий натижалари тақдим этилади. Ички миграция ва унинг Осиё контекстидаги ўзига хос аҳамияти бўйича миллий тадқиқотларнинг мантиқий асослари ўрганилди. Ўрганиш ички миграцияни қиёсий ўрганиш учун таҳлилий асосни тақдим этади. Ички миграцияни тушуниш учун учта асосий параметр кўриб чиқилади: миграция интенсивлиги, ёш тузилиши ва ташқи таъсир[95].

Миграцияни фан нуқтаи назардан тушунишга оид назарий ёндашувлар хилма-хил ва кенгдир.

2020 йилда Э.Чарльз-Эдвардс, М.Белл, О. Бернар, Ю Чжулар томонидан Осиё давлатларидаги ички миграция жараёнларида касбий мобилликнинг институционаллашувида ҳудудий омиллар таъсирининг социологик таҳлили ўрганилди. Бунда: биринчидан, миграция интенсивлигини миллий иқтисодий ривожланиш билан;

---

[94] Макаров Е. М. Методология комплексного исследования человека. – Москва:Наука, 1991. - С. 47 – 48.
[95] Bell, M., Bernard, A., Charles-Edwards, E. and Yu Zhu ed. (2020). Internal migration in the countries of Asia: a cross-national comparison.

иккинчидан, миграциянинг ёш профили билан ҳаёт даврлари орасидаги ўтишлар билан;

учинчидан, йўналишни боғловчи миграциянинг учта жиҳатини изоҳлашни таклиф қилувчи концептуал асос билан белгиланади.

Улар миграциядаги трансмиллий ўзгаришларни яхшироқ тушунишга интилишда иккита таъсирли назарий блокни ўрганишди, яъни В.Зелинскийнинг мобилликка ўтиш гипотезаси[96], Р.Скелдоннинг мобиллик ва ривожланишни боғловчи тезислари[97].

Социологлар Э.Чарльз-Эдвардс, М.Белл, О. Бернар, Ю Чжулар миграция оқимларининг аҳоли пунктлари эволюциясига қараб, ушбу концепцияни кўплаб мамлакатларда қўллаш унинг турли жиҳатлари кетма-кетлигини шакллантириш учун тизимли равишда қандай богланганлигини очиб бериши ҳар бир миллий контекстда миграция эволюциясини бошқарадиган муайян кучлар аралашмасини аниқроқ тушунишни таъминлаши керак, деган хулосага келдилар.

Аҳоли сони ҳозирги кунда 127 миллион кишига камайиб бораётган ва XXI аср ўрталарига келиб, аҳолиси 100 миллиондан камайиши кутилаётган Япония Шарқий Осиёдаги тоғли орол давлат. Ички миграция тўғрисидаги маълумотлар Японияда 1954 йилдан бошлаб аҳоли регистрлари, 1960 йилдан бошлаб аҳолини рўйхатга олиш орқали тўпланмоқда, у узоқ ва яқин (беш йиллик) миграция ҳамда ҳаракат хусусиятларига оид саволларни ўз ичига олади.

Бошқа Осиё давлатларидан фарқли ўлароқ, Японияда кеч миграция жараёни намоён бўлади, у мигрантларнинг ўртача 31 ёшида чўққисига етади, бу кўчиш ёши кеч ўтишини кўрсатади. Аҳолининг 90% дан ортиғи шаҳарларда ва ярмидан кўпи учта йирик шаҳар - Токио, Осака ва Нагояда истиқомат

[96] Зелинский В.. Концепция «миграционного перехода (мобильного)». https://students-library.com/library/read
[97] Скелдон Р. Доклад о миграции в мире 2020 - IOM Publication. https://publications.iom.int/system/files/pdf/final-wmr_2020-ru.pdf

қиладиган Япония шаҳарга ўтишнинг илғор босқичида. Токиода, айниқса, миграция ҳукмронлик қилади. Миграциянинг жуда паст самарадорлиги аҳолининг юқори интенсивлик билан ўртача қайта тақсимланишига ёрдам беради. Бироқ, аҳолининг қариши ва қишлоқ жойларида йўқотишлар қишлоқ жойларининг иқтисодий ва демографик барқарорлиги ҳақида ташвиш уйғотади[98].

51,7 миллион аҳолига эга Жанубий Корея юқори даражада урбанизацияланган ва ривожланган иқтисодиётга эга давлатдир. Ички миграция маълумотлари XX аср ўрталаридан бошлаб аҳолини рўйхатга олиш орқали аниқланди. Жанубий Корея дунёдаги энг мобил мамлакатлардан бири: 2018 йилда аҳолининг 14,1%и манзилини ўзгартирган; 1975 йилдан бошлаб миграция интенсивлиги пасайди. Корeяликлар кеч миграция профилини кўрсатади, ҳар иккала жинс учун кўчиш 25-29 ёшда чўққисига етади. Бу ёш корейслар ҳаёт йўли тобора мураккаблашишини акс эттиради. Аҳолининг 80%идан ортиғи шаҳарларда истиқомат қиладиган Жанубий Корея ҳозирги кунда шаҳарлараро миграция кўп бўлган кўчишнинг илгор босқичида. Миграциянинг юқори интенсивлигига қарамасдан, миграция самарадорлиги пастлиги сабабли аҳолининг қайта тақсимланиши мўътадил. 1960 йиллар ўрталаридан 1970 йилларгача бўлган жадал саноатлаштириш Сеулга катта миграция оқими олиб келди. Жанубий Корея давлат хизматлари ва инфратузилмасини марказсизлаштириш, кичик ва ўрта шаҳарлар иқтисодий ривожланишига кўмаклашиш, транспорт инфратузилмасини ривожлантириш орқали ички миграцияни бошқаришда ҳукумат ролини мисол қилиб кўрсатиш мумкин[99].

---

[98] Yoshitaka Ishikawa. Internal Migration in Japan. https://pacificaffairs.ubc ca/book-reviews/nternational-migrants-in-japan-contributions-in-an-era-of-population-decline-edited-by-yoshitaka-ishikawa/

[99] Енджин Ли, Ду-Суб Ким. Внутренняя миграция в Южной Корее. https://publications.iom.int/system/files/pdf/final-wmr_2020-ru.pdf

17,6 миллион аҳолига эга Қозоғистон денгизга чиқа олмайдиган дунёдаги энг катта давлатдир. Қозоғистон 1991 йилда мустақиллигини эълон қилди. Ўшандан бери ички миграция бўйича маълумотлар аҳолини рўйхатга олиш орқали тўпланган бўлиб, уларда умрбод миграция, яшаш муддати ва кўчиб юрувчи шахслар билан боғлиқ саволлар мавжуд. Ички миграция маълумотлари маъмурий ҳужжатлардан ҳам йиғилади. 2009 йилги аҳолини рўйхатга олиш маълумотлари шуни кўрсатадики, Қозоғистон ҳозирда тарихан юқори миграция даврини бошдан кечирмоқда.

Умуиий интенсивлик Осиё стандартлари бўйича ўртача бўлиб қолса-да, 1990 йиллардан бери сезиларли ўсиш кузатилди. Бошқа Осиё мамлакатларида бўлгани каби Қозоғистон аҳолиси эрта миграция профилини кўрсатади, эркаклар ва аёллар учун энг юқори ёш 20 ёшдан 24 ёшгача. Аёллар эркакларга қараганда кўпроқ қишлоқ жойларга кўчиб кетишади, этник қозоқлар бошқа гуруҳларга қараганда ички миграцияга кўпроқ мойил. Аҳолининг қарийб 60 %и шаҳарларда истиқомат қиладиган Қозогистон шаҳарга ўтишнинг ўрта босқичида. Оқимлар, асосан, мамлакат пойтахти Нурсултонда тўпланган, бу 1990-2000 йиллардаги миграция самарадорлигининг жуда юқори даражасида намоён бўлади. Бу аҳолининг миллий миқёсда мўътадил қайта тақсимланишига олиб келиб, оқимлар мувозанатлашгани сабабли камайди. Минтақавий миқёсда Остона минтақалараро оқимлар тизимида устунлик қилади, бу шаҳарсозлик ва сиёсатчилар учун кўплаб муаммоларни келтириб чиқаради.

Стандартлаштирилган аналитик ёндашув ва умумий кўрсаткичлардан фойдаланиш миграциянинг учта асосий ўлчови: интенсивлиги, ёш таркиби ва ташқи таъсири бўйича Осиё мамлакатларини тизимли таққослаш имконини беради. Натижалар шуни кўрсатадики, Осиё мамлакатлари меъёрий-назарий моделларга заиф даражада мос келади, лекин бир қатор ташқи кучларни акс

эттирувчи сезиларли ҳетероженлик[100] билан ажралиб туради. Буларга уруш ва можаролар, экологик ҳодиса ва сиёсий аралашувлар киради. Халқаро миграция ва вақтинчалик мобиллик билан ўзаро алоқалар ҳам муҳим аҳамиятга эга мобилликни макон ва вақтнинг узлуксизлиги сифатида кўриш зарур.

Албатта, бизнинг мамлакатда ҳам ички миграция жараёнлари ва иқтисодга таъсири ўрганилмоқда. Социологик тадқиқотлар, асосан, 2018-2020 йилларда Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳамда Республика аҳоли бандлиги ва меҳнатни муҳофаза қилиш илмий маркази томонидан «Уй хўжаликларида бандлик масалаларини ўрганиш» мавзусидаги социологик тадқиқот натижалари ўрганилганда асосий эътибор ташқи миграция омилларига эътибор қаратилган[101].

Тадқиқот натижалари ички мигрантлар, асосан, малакали, ўз яшаш жойларида фойда келтириши мумкин бўлган (давлат бошқаруви мутахассислари, тиббиёт ходимлари ва бошқалар) одамлар эканлигини кўрсатди.

59,3 % респондентларнинг фикрига кўра, ҳозирги турмуш тарзи тўла қониқтиради, 28.4 %ини нисбатан қониқтиради, 11,2 % респондент қониқтиргандан кўра қониқтирмайди деса тўғрирок бўлади, кўчиб келган жойимга тортиб туради, деган фикр билдирган. 1,1 % и умуман қониқтирмайди, келган жойимга қайтиб кетаман, деб жавоб беришган. Умуман олганда, бу маълумотлар ички мигрантлар янги яшаш жойида рисоладагидек ўрнашишга муваффақ бўлганлигини кўрсатади (12-расм).

---

[100] Ҳетероженлик – ижтимоий табақа, ирқ, жинс, турли хил хусусиятга эга бўлган одамлардан ташкил топган ижтимоий гуруҳ.
[101] Mehnat.uz




**12-расм. «Янги яшаш жойингиздаги шароит сизни қониқтирадими?» сўров натижалари**

Юқорида айтилганидек, дунёда ички мигрантлар ташқи мигрантлар сонидан 4 баробар кўп. Ўзбекистондаги ички миграцияга оид социологик тадқиқот натижаларига кўра, (71,22 %) респондентлар сўнгги беш йил ичида бошқа вилоятга ҳам бормаганликлари аниқланди.

Ўзбекистон Давлат статистика қўмитаси тақдим этган маълумотга кўра, 2020 йилда ички миграция 191 минг 197 кишини ташкил қилган[102]. Тошкент шаҳри (77 минг 971 киши) ва Тошкент вилоятига (30 минг 793 киши) кўчиб келганлар сони биргаликда 100 минг кишидан ошади, кўрсаткич кейинги энг кўп кўрсаткичли худуд Фарғона вилоятидан (9675 киши) 10 баробарга ортик. Алоҳида олганда Тошкент шаҳридан 7 баробар, Тошкент вилоятидан 3 баробар кўп.

Ички оқимнинг Тошкент томон йўналиш сабаблари кўчиб келувчиларни уч тоифага бўлганда яққолроқ намоён бўлади[103].

Ўзбекистон Республикасида ички миграция:

---

[102] SVOD-3225, O'zbekiston Respublikasi Davlat statistika qo'mitasininig 2021-yil 12-avgustdagi № 01/3-12-16/2-268-sonli xati.
[103] https://kun.uz/news/2021/06/06/noteng-ichki-migratsiya-sabablar-va-oqibatlar

биринчидан, мигрантлар мобиллик юқори бўлгани ва инфраструктуранинг нисбатан яхшилиги сабабли;

иккинчидан, қишлоқ хўжалигида ишлаш имкониятини йўқотганлар хизмат кўрсатиш соҳасига бўлган талабни қондириш учун иш излаб келади. Бутун республика бўйлаб фақат битта шаҳарга ишчиларнинг келиши улар меҳнати қадрини туширади, улар кам даромад оладилар ва санитария талабларига жавоб бермайдиган ижара жойларда яшайдилар;

учинчидан, вақтинчалик келувчилар ҳам айнан инфраструктурага боғлиқ равишда ҳаракатланади, яъни тиббий хизматдан фойдаланиш, олий таълим олиш ва ҳоказо. Уларнинг шаҳарда бўлишлари вақтинчалик хусусиятга эга бўлса-да, кундалик ижтимоий жараёнлар фаоллашиши шаҳар иқтисодиётида таъсир қилади ва каскадани вужудга келтиради.

Дунё тарихида юқоридаги вазиятдан чиқиш учун синовдан ўтган иккита усул мавжуд бўлиб, булар:

биринчиси, республика аҳолисининг марказий шаҳарларга кўчишини қонун йўли билан тақиқлаш;

иккинчиси, инфраструктура қуриш йўли билан потенциал инвесторлар ва аҳолини тақсимлаш ёки қайта тақсимлаш.

Биринчи усул «прописка тизими» тариқасида 2016 йилгача сақланиб келди, бироқ сезиларли натижага эришишнинг имкони бўлмади. Аксинча, қонунни бузган ҳолда ҳаракатланишга интилиш иқтисодиётда «қора бозор» муносабатларини кучайтириб юборди.

Иккинчиси эса Иккинчи жаҳон урушидан кейин Японияда синовдан ўтган ҳамда юқори самара берган усул. Ҳудудларда давлат томонидан инфраструктуралар шакллантирилган. Қолганини иқтисодиётнинг ўзи тартибга солган. Аҳолининг пойтахтга ҳаракатланиш занжирининг энг аввалида ҳам айнан инфраструктуравий имкониятлар турибди.

Ўзбекистонда ҳам 2016 йил 24 сентябрдаги "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонунга асосан «прописка тизими»га барҳам берилди.

Демак, вилоятларда ҳам пойтахт билан рақобатлаша оладиган инфраструктурани (иссиқ сув, совуқ сув, электр ва газ таъминоти, транспорт тизими, тиббий хизмат, ўрта ва олий таълим) ривожлантириш тобора заруратга айланиб бормокда.

Ҳозирги давр амалиётида ички миграцион мобиллик стандартларини шкалалаштиришнинг икки варианти қўлланилмоқда. Биринчи вариантда ижтимоий мобилликнинг «соф сифат» кўрсаткичларидан фойдаланилади, яъни муайян мақом, социал мавқе, касбий-профессионал талабларни бажариш учун зарур билим даражаси ва ихтисослик малакаси, меҳнатнинг «интеллектуал сиғими» характери билан белгиланади.

Нисбатан кенг тарқалган иккинчи вариантда шкалаларни ўзаро фарқлантирувчи мезонлар сифатида мулк муносабатлари билан боғлиқ синфий табақаланиш даражалари, стратификация поғоналаридаги ўрни ва роли кабул қилинган. Бундай ёндашувнинг аввалгисидан фарқи ижтимоий гуруҳлар мобиллиги, нафақат меҳнат фаолияти характеристикаси асосида, балки гуруҳнинг социал муносабатлар тизимидаги ҳолати ҳам, функционал роли ҳам эътиборга олинади.

«Кўчиб ўтгандан кейин оилангиз ёки яқин қариндошларингиз қандай қийинчиликларга дуч келди деб ўйлайсиз?» саволи натижаларига кўра: 22,0 % респондентлар молиявий қийинчиликларга, уларнинг 10,9 %и эса ахлоқий - психологик қийинчиликларга дуч келган. Юқорида берилган жавоблар ҳисобга олинса, молиявий қийинчиликлар янги жойга кўчиш ва унга мослашиш билан боғлиқ (13-расм).




**13-расм. «Кўчиб ўтгандан кейин сиз ёки яқинларингиз қандай қийинчиликларга дуч келди?» сўров натижалари**

Респондентлар ўртасида ҳозирда кўчиб ўтган ҳудудни майдон катталиги жиҳатидан баҳоланиши:

41,2 %и кўчиб ўтган яшаш жойини - ўртача шаҳар сифатида;

33,1 %и катта шаҳар деб ўйлаган;

17,2 %и кичик шаҳар деб билган;

3,2 %и катта ва ўрта қишлоқ ҳудуди деб баҳолаган (14-расм).




**14-расм. «Ҳозирда кўчиб ўтган ҳудудингиз катталиги қандай?» сўров натижалари**

Умр давомидаги миграция билан боғлиқ яна бир муаммо шундаки, баъзилар ота-онаси билан бирга кўчиб ўтган. Ҳаётий цикл миграция шакллари ижтимоий-иқтисодий ва демографик гуруҳларда фарқ қилиши мумкин, аммо маълумотларсиз бу муаммолар кўламини баҳолаш қийин бўлади.

Респондентларнинг:

31,2 %и ҳозирги яшаш жойига катта қишлоқ аҳоли яшаш пунктидан;

24,5 %и катта шаҳардан;

18,0 %и ўртача шаҳардан;

13,0 %и кичик шаҳардан;

13,3 %и ўртача ва кичик аҳоли яшаш пунктидан кўчиб келган (15-расм).




**15-расм. «Сиз аввал яшаган аҳоли пункти қандай эди?» сўров натижалари**

Мазкур жавоблар урбанизация жараёнлари Ўзбекистонда яққол намоён бўлиб, аҳолининг кўп қисми кичикроқ аҳоли яшаш пунктидан йирикроқ аҳоли яшаш пунктига кўчаётганидан далолат беради.

Респондентларнинг 33,0 %и кўчиш ва ҳозирги турар жойларидаги биринчи яшаш харажатларини ота-оналарининг жамғармалари ҳисобидан амалга оширган, 36,0 %и ўз жамғармаларидан молиялаштирган. Бу рақамлар ички миграция олдиндан режалаштирилгани, бунинг учун оилада олдиндан маблағ тўпланган, яъни онгли ҳаракат эканлигини кўрсатади. 6,0% жавобларнинг паст даражаси – «давлат кўмагида» ички миграция жараёнлари ўз-ўзидан содир бўлиши ва фақат оилавий шароитларга боғлиқлигини кўрсатади.




**16-расм. «Қайси жамғармалар ҳисобидан янги жойга кўчиб ўтдингиз?» сўров натижалари**

Респондентларнинг 53,0 %и давлат секторида, 22,0 %и хусусий секторда, 13,0 %и доимий иш жойига эга эмас, 12,0 %и эса умуман ишламаган. Уларнинг ярмидан кўпи ишга қабул қилинишлари учун ҳозирги турар жойларига кўчишдан аввал муайян касб ёки маълумотга эга бўлишган (59,0 %), 33,0 %и

эса ҳеч қандай касб ва маълумотга эга бўлишмаган (16-расм). Қолганлар жавоб беришда қийналди.

Уларнинг кўпчилиги, яъни:

61,0 %и таниш-билишлар, ҳамюртлар ёрдамисиз иш топган;

24,0 %и ҳозирги турар жойларига кўчишдан аввал ҳамюртлари томонидан тавсия этилган;

11,0 %и айнан ҳамюртлари ёрдамида жойлашган;

4,0 %ига эълонлар ёрдам берган (17-расм).

Бу жавоблар шуни кўрсатадики, қариндошлик ҳисси одамлар янги жойга мослашишида муҳим роль ўйнамаган.




**17-расм. «Иш жойи топишда ким кўмаклашган?» сўров натижалари**

Респондентларнинг фикрича, уларнинг жамоа муносабатлари жуда мустаҳкам (51,0%). Шу билан бирга, 14,4 %и «жуда кучли» ва «заиф» жавобларни кўрсатди. «Асосан заиф» жавоби 8,0 % билан қайд этилди. 4,0 % респондентлар ҳамюртлар билан мулоқот қилмаслиги аниқланди.

Бинобарин, янги жойга кўчиш инсоннинг ўз юртдошлари билан алоқасини узмайди. Бу ҳол Ўзбекистондаги мустаҳкам оила анъанавий ришталари ифодасидир.

Тадқиқот шуни кўрсатдики:

келган жойларида ҳамюртларни энг кўп бирлаштирадиган омил қариндошлик алоқалари 42,31 %;

умумий келиб чиқиши 17,2 %;

пул билан ҳамюртига ёрдам бериш 11,7 %.

Жумладан, уларнинг 33,1 %и турмуш ўртоқлари билан;

17,0 %и 18 ёшгача бўлган фарзандлари билан;

12,22 %и ота-оналари, ака-ука ва опа-сингиллар билан кўчиб келганларини қайд этган бўлсаларда, улардан 37,68 %и мустақил кўчиб келган (18-расм).




**18-расм. «Сизни янги кўчиб келган жойда ҳамюртлар билан нима бирлаштиради?» сўров натижалари**

Респондентларнинг 48,0 %и кўчиб келгандан сўнг вақтинчалик, 37,0 %и доимий рўйхатда бўлган бўлса, 15,0 %и рўйхатдан ўтмаган.

Уларнинг ярмидан кўпи (57,5 %) кўчиб келгандан сўнг ахлоқий-психологик қийинчиликларга дуч келмаганликларини қайд этишди. 33,5 %и қийин бўлганлиги, аммо қийинчиликлар узоққа чўзилмаганлигини, 9,0 % иштирокчи «жараён қийин ва узоқ давом этган»лигини таъкидлади (19-расм).




**19-расм. «Янги жойга кўчганингизда қандай қийинчиликларга дуч келдингиз?» сўров натижалалари.**

Бу рақамлар Ўзбекистонда ички мигрант учун ҳеч қандай психологик қийинчилик туғдирмайдиган, етарли даражада бир хил маданий ва лисоний муҳит борлигини кўрсатади.

Юқоридагиларнинг келиб чиқиб, шуни таъкидлаш мумкинки, ички миграция иш топиш истаги ёки оилавий шароитдан келиб чиққан ҳолда акс этади. Агар кетиш яқин қариндошларидан бири билан биргаликда амалга

ошириладиган бўлса, ички миграция тўғрисидаги қарор оилавий қабул қилинади. Ички миграция - аввалдан режалаштирилган ва унинг учун маблағлар айнан оила ичида олдиндан тўпланадиган ҳаракат.

Ички мигрантларнинг ишга жойлашиши онгли равишда амалга оширилади, яъни одамлар кўчиб, қаерга кетаётганини олдиндан билади. Ички муҳожирлар орасида ўз бизнесига эга бўлганларнинг озлиги ички миграция Ўзбекистонда ёлланма ишчилар оқимига олиб келишини, уларнинг бизнеси эса, аксинча, одамни туғилган жойига боғлаб қўйишини кўрсатади.

Асосий миграция оқими ҳозирги кунда ички миграцияга боғланган ҳолда ташқи кўчишга тўғри келади. Бинобарин, ички мигрантлар гуруҳи ташқи гуруҳга кирмайди, яъни улар кесишмайди. Миграцияни мўлжаллаган одамлар жойлардан ё тўғридан-тўғри хорижга чиқадилар, ёки мамлакат ичкарисига кўчиб ўтадилар.

Респондентларнинг мутлақ кўпчилиги (86,0 %и) Ўзбекистоннинг бошқа ҳудудларидан келган меҳмонларга нисбатан яшаётган жойнинг туб аҳолиси орасида эътирозлар йўқлигини айтишади.

Кўчиб келгандан сўнг ички мигрантлар янги яшаш жойида рисоладагидек ўрнашиб олдилар. Умуман олганда, янги жойда ўзларининг аввалги ҳаёт жойида бўлганларидан кўра яхшироқ намоён эта оладилар.

## 3.3-§. Ички миграция жараёнларида касбий мобилликни белгиловчи омиллар ва бошқариш функциялари

Тадқиқодчи-изланувчилар ички миграциянинг ижтимоий жиҳатларига, жумладан, қишлоқ жойлардан «ақллиларнинг оқиши»га (бу ерда ақлли, билимли зиёлиларнинг қишлоқлардан шаҳарларга кўчиб келиши назарда тутилмоқда) ва мигрантларни қабул қиладиган шаҳарларда улар нормал ҳаёт кечиришлари учун шароит яратиш муаммоларига эътибор беришмоқда.

Ғарбий Европа ва АҚШ социологлари бир асрдан ортиқ вақт давомида ички миграция муаммоларини асосий тадқиқот объекти сифатида ўрганишмоқда. Жумладан, Чикаго шаҳри мисолида АҚШ ички миграция динамикаси таҳлилини кўришимиз мумкин. 1871 йилда мазкур шаҳар аҳолиси атиги 10 минг нафарни ташкил этган бўлса, илм-фан ва ишлаб чиқаришдаги революцион ўзгаришлар оқибатида 1910 йилга келиб шаҳар аҳолиси сони 200 баробарга ортиб, 2 млн. нафарни ташкил қилди, бу ўсишнинг 85,0%и айнан ички миграцияга тўғри келганлигини ҳам қайд этиб ўтиш лозим[104].

Сўнгги йилларда АҚШ ва Европанинг ривожланган давлатларида урбанизация жараёни секинлашди, қишлоқдан шаҳарга кўчиб ўтишга қизиқиш нисбатан сусайди. Буни мазкур давлатларда урбанизация даражаси 85-90%га етганлиги билан ҳам изоҳлаш мумкин.

Статистик маълумотлар миграцияни маҳаллий социал-иқтисодий муҳитда сезиларли ўзгаришларни келтириб чиқариши учун етарлича узоқ масофаларга ҳаракат қилиш сифатида қаралмоқда, жумладан, «узоқ масофали ички миграция модели» атамасининг кенг қўлланилиши кузатилмоқда (масалан, Қорақалпоғистон Республикасидан Тошкент шаҳрига касбий мобилликнинг амалга оширилиши).

Кўп сонли аҳоли ўртасида ички миграция суръатларининг пасайишида иқтисодий ишлаб чиқариш сабаб масъул эканлигини кўришимиз мумкин. Сўнгги пайтларда АҚШда уй-жой бозорининг қисқариши ва рецессияси ички миграциянинг пасайиш тенденциясига муайян маънода сабаб бўлганини кўришимиз мумкин. Сўнгги пайтларда миграция даражаси пасайишига бошқа сабаблар ҳам бўлиши мумкин. Яъни, хориждан АҚШга кўчиб келаётган нисбатан арзон ишчи кучи ва ҳоказо. Умуман олганда, ички миграция жараёни

---

[104] *Palen J.J.* The urban world. L., 2008.

пасайиши кузатилаётган бўлсада, бошқа давлат билан таққослаганда, АҚШда географик мобиллик ҳали ҳам нисбатан юқори эканлигини кўриш мумкин[105].

Ўзбекистон Республикасида ички миграция ҳолатини аниқлаш, яъни мамлакатимиз ичида аҳоли ҳаракатланишига доир асосий тенденцияларни аниқлаш мақсадида ўтказилган социологик тадқиқотда ички миграция жараёнларида касбий мобилликни белгиловчи омиллар ва бошқариш функцияларини аниқлаш кўзда тутилган.

Тадқиқот натижаларига кўра, репондентларга энг ёқмаган жиҳат оила ва фарзандларидан (26,87 %), қариндошларидан узоқда яшаш эканлигини (24,30 %) қайд этишган, маиший етишмовчиликни (13,20 %) муаммо қилиб кўрсатишган.

Тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики[106], иштирокчиларнинг 48,7 %ининг касбий даражаси, 21,9 %ининг ижтимоий нуфузи ошган, 9,7 %ининг турар жойи шароити яхшиланган. Яъни, ички мигрантлар ўзларини янги жойда аввалгидан яхшироқ намоён қила олдилар.

Одамларнинг иш излаб жойларга келиши сабабларидан бири - ўз ҳаётларини ўзгартириш истаги 33,20 %ни ташкил этади (20-расм).

Респондентлар томонидан қуйидагича жавоблар қайд этилади:

- туғилиб ўсган ҳудудларида ишсизлик юқори даражада – 16,67 %;

- туғилиб ўсган ҳудудларида иш ҳақи кам – 10,79 %;

- улар янги бир нарсани синаб кўришни хоҳлашган – 18,31 %. Яъни, ички миграция учун энг муҳим рағбатлантирувчи омил-иқтисодий сабаб.

---

105 Ben Klemens. 2021. An analysis of US domestic migration via subset-stable measures of administrative data. Journal of Computational Social Science

106 Муаллифлик тадқиқот натижалари.




**20-расм. «Бошқа юртга иш излаб келишингизга нима сабаб бўлган?» сўров натижалари**

Бугунги кунда мутахассислар мигрантларни аниқлашда иккита қарор қабул қиладилар:

1. потенциал кўчиш ва борадиган жойни аниқлаш учун географик бирликларни танлайдилар;

2. фуқароларнинг кўчиб чиқиб кетадиган ва кўчиб борадиган пунктлар ўртасида мобиллиги вақт меъёрларини белгилайди.

Бир маҳаллий меҳнат бозорини тарк этиш ва бошқасига кириш стратегияси кўпинча мигрант социал мақомини олиш учун қанчалик узоқ масофага боришига асос бўлиб хизмат қилади. Таҳлилларга кўра, маҳаллий меҳнат бозорларига яқин бўлган, лекин кўпроқ маош таклиф қилинадиган фаолият билан шуғулланиш учун кўчиш амалга оширилаётгани кузатилмоқда.

АҚШдаги ички миграция жараёнлари таҳлилини кўрадиган бўлсак, мигрантларнинг келиб чиқиши ва борадиган жойларини аниқлаш учун

метрополиялардан фойдаланиш баъзи камчиликни келтириб чиқармоқда. *Биринчидан*, бу ҳудуд бутун АҚШни қамраб олмайди, шунинг учун аҳолининг қишлоқ жойларидан метрополияларга оқиб келиши мигрантлар ҳисобланмайди. *Иккинчидан*, шаҳарлар агломерация[107]си чегаралари иқтисодий фаолиятнинг жорий моделларини акс эттириш учун бир неча йилда бир марта қайта кўриб чиқилади, бу эса вақт ўтиши билан миграцияни изчил ўлчаш учун қийинчилик туғдиради. *Учинчидан*, кўплаб оммавий маълумотлар тўпламларида ички миграцияни ўлчаш индикаторлари мавжуд эмас. 1990 ва 2000 йиллардаги оммавий рўйхатга олиш микромаълумотларида ички миграция бўйича маълумотларни учратиш мумкин[108].

Шу билан бир қаторда, кўплаб тадқиқотчилар ички мигрантлар сонини аниқлашда штат ёки округ чегараларидан фойдаланганлар. Ушбу географик бирликлар доирасида кўпроқ маълумотлар мавжуд, қўшимча афзалликларга эга. Мигрант-резедентлардан округ ёки штат чегара чизиғи бўйлаб кўчиб ўтганликлари сабаби сўралганда, бу маълумот тадқиқотчилар учун муайян ҳудуд ёки олдинги муқим яшаш жойи бўлмаса ҳам маълумот сифатида қайд этилади. Давлатлар гуруҳлари орасидаги аҳоли оқимини тавсифловчи минтақалараро миграция нотўғри таснифлашдан зарар кўрмайди, лекин бу қисқароқ масофалардаги ички миграцияга қараганда камроқ тарқалган.

Ички миграцияни қайси вақт оралиғида ўлчаш кераклиги ҳақида гап кетганда, аксарият давлатларда аниқ бир тўхтамга келинмаганлиги кузатилмоқда. Миграция, одатда, шахснинг бутун умри давомида ёки қисқа, охирги ўн икки ойдан беш йил давомида кузатилиши мумкин. Мисол учун, беш йил олдин ва сўров вақтида худди шу метрополия ҳудудида яшаган шахс, гарчи бу одам бошқа шаҳар ҳудудида бир неча йиллар давомида яшаган бўлса ҳам, мигрант эмас, деб таснифланади. Бундан ташқари, кўп марта кўчиб ўтган одамларни фақат бир марта кўчиб ўтган одамлардан ажратиб бўлмайди. Ушбу

[107] Агломерация - аҳоли пунктлари, асосан, шаҳарлар, қишлоқларнинг интенсив хўжалик, меҳнат ва маданий-маиший ҳамда рекреацион алоқалар билан боғланиб, ягона бирликни ташкил қилган компакт ҳудудли гуруҳи.
[108] Koerber Kin. 2007. "Comparison of ACS and ASEC Data on Geographic Mobility: 2004." Available at: http://www.census.gov/acs/www/library /by_year/2007/.

турдаги ўлчов хатоси умрбод миграцияни кўриб чиқишдаги энг жиддий хато ҳисобланади, чунки баъзи мигрантлар, эҳтимол, муайян вақтдан сўнг туғилган жойига қайтади. Умр давомидаги миграция билан боғлиқ яна бир муаммо шундаки, баъзи одамлар ота-онаси қарамоғида бўлганида кўчиб ўтган. Маълумотларга кўра, булар тез-тез кўчиб юрадиган одамлардан фарқ қилмайди. Ҳаётий цикл миграция шакллари ижтимоий-иқтисодий ва демографик гуруҳларда фарқ қилиши мумкин, аммо батафсил маълумотларсиз бу муаммоларнинг кўламини баҳолаш қийин.

Ички миграция суръатларини йирик, миллий вакиллик ва оммавий маълумотлар тўпламидан ўрганишнинг учта асосий манбаси мавжуд: 1790 йилдан бери ҳар ўн йиллик аҳоли динамикаси АҚШ аҳолини рўйхатга олиш ташкилоти маълумотлари, шунингдек, баъзи лонгитьюд – узоқ муддатли маълумотлар тўпламлари миграцияни ўрганиш учун ҳам ишлатилиши мумкин, аммо бу каби манбаларда вақт оралиғи ва географик идентификаторлар чекланган бўлади.

IRS[109] 1975 йилдан бери давлатлараро миграция ставкаларини, 1980 йиллар бошидан эса туманлараро миграция ставкаларини ҳисоблаб келмоқда. Бу маълумотлар штат ва туман жуфтликлари ўртасидаги миграция оқимини аниқ акс эттиради. Солиқ декларациясининг умумий сонидан келиб чиқиб, улар декларациялар сони (уй хўжаликлари учун ҳисобланган) ва даъво қилинган имтиёзлар сонини (жисмоний шахслар учун ҳисобланган) жойлашувлар жуфтлиги ўртасида ўтказадилар[110]. IRS ҳисоботлари ҳар бир жуфтлик ўртасида ҳар икки йўналишда ҳам оқимларни кўрсатиб беради, шунинг учун ҳам ялпи, ҳам соф солиқ тушумларини ҳисоблаш мумкин. Шунингдек, бу миграция кўрсаткичларини ҳисоблаш учун янада фойдали бўлган мигрант бўлмаганларнинг умумий сони ҳақида ҳам маълумот шаклланади. Солиқ тўловчилар аҳолиси солиқ тўламайдиганлар вакили бўлмасада, сўнгги *Аҳоли*

[109] Internal Revenue Service – АҚШ солиқ хизмати

[110] Туман жуфтликлари орасидаги оқимлар фақат маълум даражадан юқори қийматлар учун хабар қилинади. Бироқ, IRS, шунингдек, ҳар бир округдан бошқа барча округларга ялпи кириш ва чиқишлар тўғрисида ҳисобот беради, шунинг учун маълумотларни округ чегаралари бўйлаб миллий оқимларни ўлчаш учун жамлаш мумкин.

*сўрови* ташкилоти маълумотлари шуни кўрсатадики, уй хўжаликлари бошлиқларининг 87,0 %и 1992 ва 2009 йиллар оралигида солиқ декларациясини топширган ва солиқлар улуши ўзгармаган. Шундай қилиб, ариза бермаганлар тўғрисидаги маълумотлар етишмаслиги IRS маълумотларидаги тахминий миграция интенсивлиги касбий мобилликка таъсир қилмайди.

Ҳозирги кунда IRS маълумотларидаги ўртача сериялар шуни кўрсатадики, ҳар йили аҳолининг 5-6 %и округ чизигини кесиб ўтади. Маҳаллий уй-жой ва меҳнат бозори шароитида бу касбий мобиллик сезиларли бўлиши учун етарли даражада катта кўрсаткич ҳисобланади. Умуман олганда, аҳолининг атиги учдан бир қисми тугилган жойидан бошқа штатда, бешдан бир қисмидан озроғи бошқа минтақада яшайди. Шундай қилиб, маҳаллий аҳолининг муайян қисми ҳаётининг қайсидир қисмида нисбатан катта масофани босиб ўтади.

Олдинги маълумотлар охирги миграция қарорларини акс эттирмайди. Шундай қилиб, деярли учдан икки қисми беш йилдан кўпроқ вакт олдин. ҳатто, бу нисбатан ёшроқ бўлганлар орасида кўпроқ кузатилмоқда. Кекса мигрантлар орасида яқинда келган мигрантлар улуши бундан ҳам паст даражада бўлса ажаб эмас. Сўнгги беш йил ичида 35 ёшдан 64 ёшгача бўлган умрбод мигрантларнинг 15,0 %и, 64 ёшдан ошган умрбод мигрантларнинг атиги 8,0 %и кўчиб ўтган.

Маҳаллий меҳнат ва уй-жой бозорларини ўрганаётган тадкиқотчилар учун табиий статистик қизиқиш шаҳар агломерацияси чегараларини кесиб ўтган аҳоли улуши ҳисобланади, чунки агломерациялар маҳаллий меҳнат бозорига яқинлашиши мумкин бўлган умумий фойдаланишдаги географик бирликдир. Америка ҳамжамиятини рўйхатга олиш ва сўровда шахснинг ҳозирги ва олдинги метрополитен статистик ҳудуди, агар иккаласи ҳам махфийлик чекловларини қондириш учун етарлича катта бўлса, аниқланиши мумкин. Аҳолини рўйхатга олишнинг беш йиллик миграция статистикаси ва иш жойларини яратиш департаментининг бир йиллик миграция статистик маълумотларига кўра, деярли барча (97,0%) штатлараро мигрантлар ҳам шаҳар

жойларини ўзгартирган. Аксинча, туманлараро миграция метрополияларга миграцияни ошириб юборади, чунки округ мигрантларининг атиги тўртдан уч қисми метрополияларга кўчиб ўтган. Аслида, маҳаллий меҳнат бозорлари миграциядан манфаатдор бўлса, шаҳарлараро миграция энг тўғри қарор бўлиши мумкин, чунки улар қатнов усулларига асосланади. Бу чора ўзининг ўлчаш қийинчиликларини келтириб чиқаради, зеро, шаҳар атрофи ҳудудлари орқали миграцияни аниқ ўлчаш мумкин эмас[111].

Сўнгги 25 йилда миграциянинг пасайиш тенденцияси кузатилмоқда. Ушбу пасайишнинг катталиги ва вақти маълумотлар тўплами ҳамда миграция суръатлари бўйича бир оз фарқ қилсада, деярли барча кўрсаткичлар бўйича миграция 2000 йилларда 1980 йилларга нисбатан пастроқ бўлган. Ушбу пасайиш узоқ муддатли тенденциядан сезиларли даражада четга чиқишни кўрсатади, чунки миграция 1900 йилдан 1990 йилгача барқарор ўсишни кўрсатади[112]. Миграция даражаси нафақат урушдан кейинги даврнинг исталган нуқтасига қараганда пастроқ, балки улар XX аср исталган вақтидан ҳам узоқ давом этадиган доимий пасайиш даврига кирди.

Миграциянинг пасайишини тасвирлаш учун умрбод давлатлараро миграция суръатлари, Rosenbloom ва Sundstrom (2004) методологиясидан фойдаланиш мумкин бўлади. Хусусан, Rosenbloom ва Sundstrom, агар ушбу хонадонда яшовчи тўрт ёки беш ёшли бола туғилган давлатдан ташқари бошқа штатда яшаса, уй хўжалиги олдинги беш йил ичида давлатлараро кўчиб кетган, деб тахмин қилади. Шундай қилиб, беш йиллик миграция даражаси кўчиб келган тўрт ёки беш ёшли фарзандлари бўлган уй хўжаликларининг улуши ҳисобланади. Ушбу кўрсаткичга кўра, беш йиллик миграция 1980 йилда энг юқори чўққига чиқди, 2000 йилларга келиб, 1940 йил даражасидан, 2009 йилга келиб 1950 йил даражасидан пастга тушди[113].

---

[111] Shimer, Robert. 2007. "Mismatch." *American Economic Review*, 97(4): 1074–1101

[112] Бир неча тадқиқотчилар 1960 йиллардан 1980 йилларгача бўлган миграциянинг пасайишини аҳоли сўровидан фойдаланиб, йиллик миграция кўрсаткичларини ҳужжатлаштирган (Гринвуд, 1997; Лонг, 1988; Рогерсон, 1987). Эҳтимол, миграция тенденциясининг ўзгариши 1980 йилларда эмас, балки 1970 йилларда бошланган. Бироқ, 1980 йиллардан 2000 йилларгача бўлган миграциянинг қисқариши аввалгидан сезиларли даражада кўп.

[113] https://papers.ssrn.com/sol3/papers.cfm?abstract_id=1415217

Ички миграция кўрсаткичлари пасайишини тушуниш учун миграцияни белгиловчи омилларга «иқтисодий тушкунликлар, табиий офатлар ва урушлар каби ҳалокатли ҳодисалар ҳодисаси» сифатида қаралади. Миграциянинг «хулқ-атвор» модели нуқтаи назаридан, асосий ғоя шундан иборатки, жисмоний шахслар ва оилалар ўз жойлашув вариантлари харажатлари ва фойдаларини таққослашади, агар кўчиш фойдаси харажатлардан устун бўлса, миграция қилишади. Стандарт моделнинг бир даврли версиясида одамлар ҳар бир жойда мавжуд бўлган иш ҳақи ва нарх даражасини ҳисобга олган ҳолда фойдалиликни максимал даражада ошириш учун истеъмол ва жойни танлайдилар. Одамларнинг ҳудудлар бўйича дастлабки тақсимланишини назарда тутадиган бўлсак, миграция одамлар ўз малакалари бўйича даромадлари нисбатан паст бўлган маҳаллий меҳнат бозорларидан даромадлари нисбатан юқори бўлган бозорларга ўтишлари натижасида юзага келади. Шу тариқа, миграция инсон капиталига сармоя киритиш шаклига айланади: одамлар ўз меҳнати даромадини ошириш учун амалга ошириши мумкин бўлган хатти-ҳаракат ҳисобланади. Кейинчалик стандарт модель маълум бир жойда одамлар ўртасида ва вақт ўтиши билан фарқ қилувчи омиллар ролини, масалан, одамнинг ёши ёки жойлардаги нисбий нархлар ва иш ҳақининг ўзгаришини ўз ичига олиши учун кенгайтирилиши мумкин. Миграция шакллари ҳам яшаш жойини ўзгартириш қимматга тушишини тан олади. Ушбу харажатлар борадиган жойи ва индивидуал демографиясига боғлиқ. Бироқ улар турли омиллар, жумладан, янги иш ёки уй топиш, жорий ишни тарк этиш ёки квартирани сотиш, бошқа жойга кўчириш харажатлари туфайли вақт ўтиши билан ўзгариши мумкин. Табиийки, ўзига хос миграция моделлари коммунал хизматлар оқими ва миграция харажатларига таъсир қилувчи омилларни қандай ҳисобга олиши билан фарқланади. Миграция жараёнларида касбий мобилликнинг кўплаб омиллардан баъзилари бандлик эҳтимоли, кутилаётган иш ҳақи, кутилаётган яшаш қиймати, маҳаллий қулайлик ва солиқ ставкалари,

кўчиб ўтиш, уй сотиб олиш ва сотиш харажатлари ҳақидаги қарашларни ўз ичига олади. Иқтисодчилар миграцияни мобиллик ва мослашиш муаммосининг бир қисми сифатида баҳолашмоқда.

Ялпи миграция коэффициентининг ўзгаришини таъминловчи омилларни учта асосий механизмга бўлиш мумкин.

*Биринчидан*, демографик омиллар каби миграциядан олинадиган соф фойда билан боғлиқ индивидуал хусусиятларнинг тақсимланиши ўзгариши мумкин.

*Иккинчидан,* айрим одамлар гуруҳлари учун миграция танлови ўзгариши мумкин. Муайян демографияда миграция суръатлари қандай ўзгаришига ёшларни эгаллаган касбига нисбатан касбий мобиллик эҳтимоли ушбу гуруҳ ёш қатлами учун ички миграция даражасини оширади.

*Учинчидан*, иқтисодий асосларни ўзгартириш одамларнинг кенг доираси учун миграциянинг соф фойдасига таъсир қилиши мумкин, яъни миграция иқтисодий ривожланиш даврида кучаяди ва аксинча, пасаяди. Миграцион гуруҳлар ўртасидаги мобиллик туманлар ва ҳудудлар ўртасидаги миграция учун ҳам ўхшаш тенденция касб этади.

Миграцияга мойиллик ёш билан камаяди, лекин таълим билан ортади. Ривожланган давлатларда миграция динамикаси, бошқа ҳудудларда туғилган шахслар, шунингдек, оилада камида битта фарзанди бўлганлар учун пасайиш тенденциясини намоён этади. Миграция даражаси эркаклар ва аёллар учун бир хилликни намойиш этади. Иқтисодий хусусиятлар нуқтаи назаридан, ишсизлар ва ижарачилар орасида ички миграция динамикаси нисбатан юқори. Гарчи бу хусусиятларнинг кўпчилиги бир-бири билан боғлиқ бўлсада, бошқа барча хусусиятларни ўз ичига олган регрессия кўрсаткич ўлчами гуруҳлар орасидаги фарқлар ўхшашдир.

Масалан, аҳолининг қариши кумулятив миграция сонини камайтиради, деб тахмин қилинади, чунки ёш ўтган сайин ҳаракатланишга бўлган мойиллик камаяди.

Тадқиқотлар аҳолининг кўпчилиги учун кўчиб ўтишнинг нархи ёки фойдасини ўзгартириши мумкин бўлган иқтисодий омилларни кўрсатиб берди. Касбий мобилликнинг бутун дунёда пасайиши жуда кенг тарқалганлиги сабабли бу омил аҳолининг катта қисмига таъсир кўрсатган, масалан, кўчиб ўтиш харажатларининг ошиши ёки кўчиб ўтишдан рағбатлантириш ёки моддий манфаатдорликнинг камайиши билан боғлиқ.

Сўнгги ўн йилликларда миграция секинлашган бўлиши мумкин, чунки Шимол ва Жануб ўртасидаги нисбий харажатлар ва фойдалар тенглашди. Сўнгги 25 йил ичида минтақалар ўртасидаги аҳоли оқими сезиларли даражада ўзгармаган. 1975 йилдан 1985 йилгача миграция даромадлари ижобийдан салбийга ўтишини кўрсатди, аммо сўнгги йилларда бу ҳудудда миграция оқими бироз ошди.

Яна бир муҳим имконият шундан иборатки, икки ишчидан иборат уй хўжаликлари тарқалишидаги ўзгаришлар вақт ўтиши билан миграцияни камайтириши мумкин, чунки кўчириш битта иш ўрнига иккита иш топиш билан боғлиқ. Шуни таъкидлаш керакки, иккита ишчи икки мартабага тенг бўлмаслиги мумкин, бу даврда аёллар меҳнатининг интенсивлиги ёки аҳамияти ўзгарганлигини баҳолашнинг усули йўқ[114].

Дарҳақиқат, АҚШда ички миграция суръатлари, яъни мамлакат ичидаги минтақалар, штатлар ёки шаҳарлар ўртасида аҳоли миграцияси, кўчиб ўтиш суръати бошқа мамлакатлардагига қараганда юқори, деган фикр кенг тарқалган. Бу фикр мутлақо нотўғри эмас, лекин асл ҳақиқат бундан-да мураккаб. Гарчи АҚШ тарихан кўплаб кўрсаткичлар бўйича дунёдаги энг юқори ички миграция даражасига эга бўлган бўлсада, Финляндия, Дания ва Буюк Британияни ўз ичига олган бошқа бир қанча мамлакатлар фуқаролари ҳам худди шундай мобилликка эга бўлиб туюлади. Бундан ташқари, Америка Қўшма Штатларидаги ички миграция тахминан 1980 йилларда критик нуқтасига етган кўринади. Бироқ, миграция суръатлари сўнгги бир неча ўн йилликларда

---

[114] Valetta, Robert G. 2010. "House Lock and Structural Unemployment." Paper presented at the Federal Reserve System Committee on Regional Analysis, New Orleans, November 14–16, 2010

пасайиб кетган, бу географик касбий мобилликнинг юқори суръатлари АҚШ иқтисодиётининг ўзига хос ажралиб турувчи белгиси бўлиб қолаётганини шубҳа остига қўяди.

## Учинчи боб бўйича хулосалар

1. Жамият аъзоларининг касбий мобиллиги даражаси, мақоми, ижтимоий-иқтисодий функцияларининг ўзгариши парадигмал касбий фаолиятни ҳам, моддий ва маънавий ишлаб чиқариш соҳаларини ҳам диверсификациялаштиришни тақозо қилади.

2. Ижтимоий соҳада касбий мобилликнинг зонал, регионал ва глобал даражада урбанизация ва миграция жараёнлари интенсивлашуви маҳаллий, миллий, ҳудудий ва умуминсоний объектив шарт-шароит, субъектив омилларни мувофиқлаштириши зарур.

3. Аҳолининг ижтимоий-демографик структурасига дифференциал ёндашиб, айниқса, ёшларнинг касбий мобиллигини маънавий-руҳий тайёрлашнинг замонавий психологик, педагогик, дидактик-инновацион ечимларини топиш «технологияси»ни яратиш лозим.

4. Ички миграция жараёнларининг ҳудудий хусусиятлари ҳамда интенсивлигини детерминлаштирувчи шаҳар ва қишлоқ аҳолиси турмуш даражасини, фикрлаш тарзининг касбий мобиллиги динамикасидаги муҳим фарқларни бартараф этишнинг ўзгаришларини мувофиқлаштириш керак.

5. Ички миграция жараёнларини бошқаришга мутасадди давлат ташкилотлари, оммавий фуқаролик институтлари фаолиятларини назарий-методологик асослар билан таъминлашга таъсир этувчи омилларнинг социо-маданий хусусиятлари, мезонларини аниқлаш керак.

6. Жамият аъзоларининг касбий мобиллиги даражаси, мақоми, ижтимоий-иқтисодий функцияларининг ўзгариши парадигмал касбий фаолият, моддий ва маънавий ишлаб чиқариш соҳаларини диверсификациялаштириши зарур.

# ХУЛОСА

Ички миграция жараёнларида касбий мобилликнинг ҳудудий хусусиятларини ўрганишнинг илмий-социологик таҳлили натижасида қуйидаги назарий хулосалар ва амалий тавсиялар тақдим этилди:

1. Касбий мобиллик ички миграция жараёнларида фаол иштирок этадиган шахснинг жамиятдаги ўрни ва ролини кучайтиришда муҳим аҳамият касб этади. Касбий муносабатларда интеллектуал салоҳияти билан ажралиб турувчи кишиларнинг жамоатчилик фикрларини шакллантирувчи салоҳиятидан унумли фойдаланиш ижтимоий муносабатларда самарали натижалар беради.

2. Шахсий фаоллик ёндашувида шахс мобиллик хусусиятларини ажратиб кўрсатишга ёрдам берадиган, унинг касбий мобиллигини ривожлантиришга хизмат қиладиган, касбий жараённи ташкил этишнинг фаол усул ва шаклларини аниқлаш фаолият ҳамда ўз-ўзини ривожлантиришга ҳисса қўшишни англатади. Ушбу методологик ёндашув шахс касбий мобиллигини ривожлантиришда индивидуал жиҳатлар асосини белгилайди.

3. Меҳнат бозоридаги мавжуд вазият, мобил шахснинг малакасига қўйиладиган талабларнинг ортиши, касбий фаолиятни стандартлаштириш ва фаоллаштириш феномени шахсий касбий мобиллик каби сифатларни шакллантириш заруриятини келтириб чиқаради. Социологик адабиётларда мутахассиснинг вертикал ва горизонтал касбий мобиллиги ажратиб кўрсатилади.

4. Касбий мобиллик жараёнида инсон тафаккури муайян даражада фаоллашиш ҳолатида бўлиб, бу кишининг янги билим, интеллектуал кўникма ва малакаларни юқори тезликда ўзлаштиришини таъминлайди. Касбий салоҳият бўйича талаб даражасидаги малакага эгалик ишчи-ходимлар фаолияти самарадорлигига бевосита ижобий таъсир кўрсатиши аниқланди.

5. Меҳнат бозори қонуниятлари ва ички-ташқи миграция билан боғлиқ ижтимоий муносабатлар (айниқса, унинг ижтимоий-руҳий, маънавий-маданий, ғоявий-мафкуравий кўрсаткичлари) ҳақидаги статистик-социологик маълумотлар соф математик ҳисоб-китоблардан, сонларнинг оддий корреляцион алоқадорликларидан иборат бўлмасдан, балки мантиқий операцияларнинг субъектив кўринишидир.

6. XXI асрда ички миграция социал бошқариш объектининг муҳим йўналиши характеристикасига айланди. Сўнгги йиллардаги ички миграция диагностикаси мультидисциплинар тадқиқотлар объектига айланиб бормоқда. Кишининг касбий мобиллиги эса мультидисциплинар тадқиқот объекти бўлиб, когнитив парадигмалар мажмуини ишлаб чиқиш талабини шакллантирди.

7. Ижтимоий тенденция, яъни миллатимизнинг 3 минг йиллик тарихида юз бермаган социал жараён, қайсики ақлий интеллектуал сиёсий миграция эмас, балки жисмоний меҳнат қилишга йўналтирилган миграция моҳиятининг ҳаракатлантирувчи кучлари сиёсий, маънавий, ижтимоий ва иқтисодий сабаблари аниқ фактлар, конкрет социологик тадқиқот натижалари ва ўрганилган жамоатчилик фикри орқали исботлаб берилади.

8. Ички ва ташқи миграция инсоният тарихида доимий ва муайян таъсир имкониятларига эга ижтимоий ҳодисалардан бири бўлиб келган. У дунё иқтисоди ўсишига, давлат ва жамиятлар ривожланишига, маданият ва цивилизациялар ўзгаришига, уларнинг трансформациясига хизмат қилади.

9. Касбий мобиллик ва ички миграцияни тартибга солиш, назорат қилиш ҳамда бошқаришнинг сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий механизмларини, мутасадди институтлари фаолияти ва маънавий-ахлоқий нормаларини тизимли такомиллаштириш лозим.

10. Ижтимоий соҳада касбий мобилликнинг зонал, регионал ва глобал даражада урбанизация ва миграция жараёнлари интенсивлашуви маҳаллий,

миллий, ҳудудий ва умуминсоний объектив шарт-шароитлар, субъектив омилларни мувофиқлаштириши зарур.

11. Аҳолининг ижтимоий-демографик структурасига дифференциал ёндашиб, айниқса, ёшларнинг касбий мобиллигини маънавий-руҳий тайёрлашнинг замонавий психологик, педагогик, дидактик-инновацион ечимларини топиш «технологияси»ни яратиш керак.

12. Ички миграция жараёнларининг ҳудудий хусусиятлари ҳамда интенсивлигини детерминлаштирувчи шаҳар ва қишлоқ аҳолиси турмуш даражасини, фикрлаш тарзининг касбий мобиллиги динамикасидаги муҳим фарқларни бартараф этишнинг ўзгаришларини мувофиқлаштириш лозим.

13. Ички миграция жараёнларини бошқаришга мутасадди давлат ташкилотлари, фуқаролик институтлари фаолиятларини назарий-методологик асослар билан таъминлашга таъсир этувчи омилларнинг социо-маданий хусусиятлари, мезонларини аниқлаш зарур.

14. Жамият аъзоларининг касбий мобиллиги даражаси, мақоми, ижтимоий-иқтисодий функцияларининг ўзгариши парадигмал касбий фаолият, моддий ва маънавий ишлаб чиқариш соҳаларини диверсификациялаштириши лозим.

15. Касбий мобиллик ўзгариши билан бир қаторда, Фарғона водийсининг аҳолиси ижтимоий турмуш тарзининг маданий кўчиши, диний қадриятлар трансформацияси билан боғлиқ тизимли мониторингини ташкил этиш муҳим аҳамият касб этади.

16. Касбий мобиллик нуқтаи назаридан навбатдаги муҳим қадам судларда адолат устуворлиги ва меҳнат қонунчилигига риоя этилишидир. Ички миграция жараёнларида инсон омилининг социал-иқтисодий детерминизм сифатида мобилликнинг таркибий тузилмасини диверсификация қилиш ва географиясини

кенгайтириш, замонавий миграция талаблари асосида йўл-транспорт инфратузилмасини янада ривожлантириш зарур.

17. Ички миграциянинг икки жиҳати ҳаракатланиш ва фуқаролик кўпинча бир-бирига қарама-қарши бўлади: янги жойга кўчиб ўтиш мумкин, лекин жамият аъзолигига асосланган хизмат ва имтиёзлардан фойдаланишда чекловлар юзага чиқиши мумкин.

18. Социал-иқтисодий жиҳатдан парадигмал ўзгаришлар параметрлари, ички миграцион касбий мобилликнинг бозор муносабатлари шароитида характерини кўрсатувчи детерминат омил сифатида изоҳлаш мумкин. Шу сабабли, урбанизация жараёнларида ишлаб чиқариш ва маиший хизмат кўрсатиш соҳалари ҳудудлар кесимида ижтимоий-иқтисодий ривожланиши учун замонавий инфратузилмаси сифат кўрсаткичларига олиб келади.

19. Социал иқтисодий ўзгаришларга олиб келувчи ички миграцион мобиллик меҳнат бозорида ишчи кучига талаб ва таклиф характерини белгиловчи энг муҳим омиллардан бўлиб, у урбанизация жараёнларида, саноат ва хизмат кўрсатиш тармоқларида янги иш жойлари яратиш ва ҳудудлар ижтимоий-иқтисодий ривожланишида сифат ўзгаришларига асос бўлади.

20. Мазкур назарий-методологик хулосалар касбий мобилликнинг мазмун-моҳияти ва хусусиятларини ички миграция феномени генезиси, ретроспектив асослари ва тарихий ривожланиш босқичларини, тажрибаларини умумлаштириш орқали аниқлаш мумкинлигини кўрсатади. Чунки, ички миграция жараёнида инсон касбий мобиллиги, нисбатан мукаммал тарзда, унинг мазмун-моҳияти, функционал аҳамияти, истиқболини комплекс-тизимли намоён қилиш имконияти ривожланишига олиб келади.

## ДИССЕРТАЦИЯ ХУЛОСАЛАРИ АСОСИДА ТАКЛИФ ЭТИЛГАН ИЛМИЙ ТАВСИЯЛАР:

1. Ўзбекистонда касбий мобилликнинг ҳудудий хусусиятларини тадқиқ этишда мавжуд инновацияларга ҳар қандай турдаги янгилик сифатида қарамасдан, уни мавжуд тизимнинг самарадорлигини оширадиган омил сифатида баҳолаш лозим.

2. Ўзбекистон Республикасида ички миграция муҳитини ўрганиш ва тартибга солиш давлат сиёсатида стратегик устувор аҳамиятга эга бўлиб, унга кўра юқори сифат даражасидаги касб бериш тизими орқали меҳнат бозорига номоддий ишчи кучини, яъни жисмоний салоҳият эмас, балки интеллектуал касбий салоҳиятни маҳсулот сифатида олиб чиқиш керак.

3. Касбий мобилликни юқори сифат даражасига чиқариш имкониятлари сифатида маънавий омиллар, тафаккурга оид интеллектуал фаолият, кашфиётлар, патентлар, илмий ҳисоботлар, технологик концепция ва лойиҳалар, бадиий адабиёт, мусиқа ва санъат кабилар муҳим аҳамиятга эга. Яқин истиқболда барча касбий мобиллик турларининг ижодкорликка асосланган меҳнат асосига қурилишини инобатга олиб, фуқаронинг меҳнат фаолиятига ҳақ тўлаш ва рағбатлантиришда шахснинг ўзини ўзи такомиллаштириш борасидаги интилишини инобатга олиш ва давлат томонидан қўллаб-қувватланишига эришиш зарур.

4. Аҳолининг ички миграциядаги иштироки меҳнат бозоридаги бандлик масаласига бўлган жамоатчилик фикри, ёндашуви ва қарашларини ўзгартиради. Хусусан, мамлакат Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2020 йил 25 январда Олий Мажлисга Мурожаатномасида илгари сурилган «1 миллион дастурчи» лойиҳасини амалга ошириш таклифи ёшларнинг касбий интеллектуал салоҳиятини қўллаб-қувватлашнинг давлат сиёсати даражасига кўтарилганини инобатга олиб, ҳудудларда хориж ва ички бозорга таклиф этилувчи ишчи

кучлари салоҳиятини замонавий ахборот технологиялари билан қуроллантириб чиқариш бўйича «йўл хариталари»ни ишлаб чиқиш долзарб вазифадир.

5. Жамиятдаги ҳар қандай касбий мобиллик ижтимоий бошқарув тизимини ҳаракатга келтирувчи реал куч сифатида муҳим аҳамият касб этади. Ахборотлашган жамиятда касбий кўникманинг ўрни кўп соҳалар учун пойдевор вазифасини ўтай бошлади. Илмий манба ва тадқиқот ишлари таҳлил этилганда, илгари сурилаётган масала бўйича фалсафа, психология, менежмент йўналишларида у ёки бу маънода изланишлар олиб борилгани маълум бўлди. Бу эса социология фани олдига ҳам жиддий тадқиқотлар ўтказиб бориш талабларини қўяди.

6. Ички миграция жараёнларининг ҳудудий хусусиятлари ҳамда интенсивлигини детерминлаштирувчи шаҳар ва қишлоқ аҳолиси ҳаёт даражасини, фикрлаш тарзининг касбий мобиллиги динамикасидаги муҳим фарқларни бартараф этишнинг ўзгаришларини мувофиқлаштириш зарур.

# ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

## I. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2018. –75 б.

2. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни.// «Халқ сўзи». –2020 йил 24 сентябрь.

3. Ўзбекистон Республикасининг «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги Қонуни. // «Халқ сўзи». –2016 йил 15 сентябрь.

4. Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонуни.// «Халқ сўзи». –2016 йил 24 сентябрь.

5. Ўзбекистон Республикасининг «Халқаро миграция ташкилоти Конституциясини (Брюссель, 1953 йил 19 октябрь) ратификация қилиш тўғрисида»ги Қонуни.// «Халқ сўзи». –2018 йил 26 декабрь.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ–4947-сон Фармони // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари миллий базаси веб-сайти – www.lex.uz

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 22 февралдаги «Социологик тадқиқотлар ўтказишни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5667-сон Фармони.// Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари миллий базаси веб-сайти – www.lex.uz.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 июлдаги «Олий ва ўрта махсус таълим соҳасида бошқарувни ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5763-сон Фармони. // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари миллий базаси веб-сайти – www.lex.uz.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 20 августдаги «Хорижда вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга ошираётган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва уларнинг оила аъзоларини ҳимоя қилиш

кафолатларини янада кучайтириш чоралари тўғрисида»ги ПФ-5785-сон Фармони.// Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари миллий базаси веб-сайти – www.lex.uz.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 26 мартдаги «Иқтисодиётни ривожлантириш ва камбағалликни қисқартиришга оид давлат сиёсатини тубдан янгилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5975-сон Фармони.// Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари миллий базаси веб-сайти – www.lex.uz.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 6 февралдаги «Кириш туризмини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3509-сон қарори. //https://www.lex.uz

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 июлдаги «Олий ва ўрта махсус таълим тизимига бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4391-сон қарори.//www.lex.uz

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 11 январдаги "Олис ҳудудлардаги бюджет ташкилотларига малакали мутахассисларни жалб қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-4940-сон қарори.//www.lex.uz

14. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят Кодекси.// www.lex.uz.

## II. Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари

15. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқ.–Тошкент: Ўзбекистон, 2016.–56 б.

16. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш - юрт тараққиёти ва фаровонлиги гарови.– Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – 48 б.

17. Мирзиёев Ш. М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. –Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – 594 б.

18. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб интизом ва шахсий жавобгарлик-ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017.–104 б.

19. Мирзиёев Ш.М.Буюк келажагимизни мард ва олийжаноб халқимиз билан бирга қурамиз.–Тошкент: Ўзбекистон, 2017.–488 б.

20. Шавкат Мирзиёевнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72 сессиясида сўзлаган нутқи (Нью-Йорк шаҳри, 2017 йил 19 сентябрь) // «Халқ сўзи». – 2018 йил 20 сентябрь.

21. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси./https://president.uz/uz/search.–2017 йил 22 декабрь.

22. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси./https://president.uz/uz/search.–2018 йил 28 декабрь.

23. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси./https://president.uz/uz/search.–2020 йил 24 январь.

24. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси./ https://president.uz/uz/search.–2020 йил 29 декабрь.

## III. Асосий адабиётлар

25. Авлоний А. Танланган асарлар: 2-жилд. Пандлар, ибратлар, ҳикоятлар, набийлар ҳаёти, драмалар, мақолалар, саёҳат хотиралари.– Тошкент: Маънавият, 1998.– 235 б.

26. Авлоний А. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ. – Тошкент: Ўқитувчи, 1992.– 62 б.

27. Абдалова С., Мавлянов А. Мустақил таълимни ташкил этиш технологияси.– Тошкент: Фан ва технологиялар, 2009.– 123 б.

28. Абдуллаев И.С. Марказий Осиёда ислом маданияти. Қисқача маълумотнома. – Тошкент: Шарқ, 2005. – 19 б.

29. Абдуллаев Ю. Жаҳон олий мактаби: қиёсий таҳлил. -Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 2001.–12 б.

30. Абдуллоҳ Ҳожи Исматуллоҳ. Марказий Осиёда Ислом маданияти. Қисқача маълумотнома. – Тошкент: Шарқ, 2005.–384 б.

31. Агзамходжаев С. Жадидчиликнинг ғоявий ривожланиш босқичлари// Жадид маърифатпарварлик ҳаракатининг ғоявий асослари.–Тошкент: Тошкент ислом университети, 2016.-Б.6–10.

32. Адлер А. Наука о характерах. Понять природу человека. – Москва: Академический проект, 2019. –243 с.

33. Алиқориев Н.С. ва бошқалар. Умумий социология.–Тошкент: ТошДУ, 1999. – 184 б.

34. Анурин В.Ф. Интеллект и социм: Введение в социологию интеллекта: Монография. – Нижный Новгород: Изд-во Нижегор. ин-т, 1997. – 316 с.

35. Аристотель. Политика / Перев.с др. Греч С.А. Жебелева. – Москва: АКТ, 2019. – 268 с.

36. Бобожонов Д., Абдурасулов М. Зардўшт ва унинг таълимоти. – Хоразм Маъмун академияси: Абадият фарзандлари нашриёти, -2009. 67-б.

37. Бекмуродов М. Социология асослари. – Тошкент: Фан, 1994.– 173 б.

38. Бекмуродов М. Социология асослари. -Тошкент: Фан-1997. 182 б.

39. Бекмуродов М.Б. Жамоатчилик фикри.- Тошкент: Фан-1999. 262 б.

40. Бекмуродов М.Б. Замонавий бошқарув социологияси: Монография.- Тошкент: Yoshlar nashriyot uyi, 2020. –436 б.

41. Беруний А.Р. Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар. – Тошкент: Фан, 1968. – 486 б.

42. Бобомурадов Э. Духовное обновления общества и изменение общественной психологии молодежи. – Ташкент: Фан, 1994. – 182 с.

43. Всемирная история экономической мысли.– Т.1. Социальные утопии периода разложения феодализма / Ред. коллегия И.П.Фаминский. – Москва: Мысль. – 1987. – 606 с.

44. Ганиева М. Совершенствование системы подготовки специалистов по социальной работе в вузах Узбекистана: проблемы и новые возможности// Материалы международного форума «Духовно-нравственные основы общества

в системе социальной поддержки детства и семьи». – Ташкент: РЦСАД, 2012. – 238–241 с.

45. Гармонично развитое поколение – основа прогресса Узбекистана. – Ташкент: Шарк, 1998. –178 с.

46. Гидденс Э. Социология. Олий ўкув юртлари учун ўкув қўлланма / Тарж. Н.Маматов, Ж.Бегматов. – Тошкент: Шарқ, 2002. – 848 б.

47. Головатый Н. Ф. Социология молодежий: Курс лекций. – Киев, 1999.– 223 с.

48. Диккенс Ч. Повесть о двух городах.//www.livelib.ru/book/1000451978

49. Добреньков В.И., Кравченко А.И. Фундаментальная социология. – : Общество: статика и динамика. - М: ИНФРА-М, 2004. 931-953 с.

50. Дюркгейм Э. Социология. Ее предмет, метод, предназначение. / Пер. с фран. составление, послесловие и примечания А.Б. Гофмана. – Москва: Канон, 1995. – 352 с.

51. Шарафиддин Али Яздий. Зафарнома. Мовароуннахр воқсалари, 1360-1370. Тарж. О.Бўриев. – Тошкент: Камалак, 1994. – 288 б.

52. Здравомыслов А.Г. Социология конфликта Россия на пути преодоления кризиса. – Москва: АО «Аспект Пресс»,1994.–317 с.

53. Зиё А. Ўзбек давлатчилиги тарихи. Энг қадимги даврдан Россия босқинига қадар.–Тошкент: Шарқ, 2001. – 243 б.

54. Богомолова Н.Н. Социальная психология печати, радио и телевидения. – Москва: Московский университет, 1991. – 127 с.

55. Человек, индивид, личность.– Москва: ИНФРА–М, 2000. – 471 с.

56. Дюркгейм Э.Социология. Ее предмет, метод, предназначение / Пер. с фран. составление, послесловие и примечания А.Б. Гофмана.– Москва: Канон,1995.–352 с.

57. Зелинский В. Концепция «миграционного перехода (мобильного)».// https://students-library.com/library/read/110728

58. Зубок Ю.А. Исключение в исследовании проблем молодёжи // Социс. – 1998.–№8.

59. Ибраймов А.Е. Масофавий ўқитишнинг дидактик тизими.–Тошкент: Lesson press, 2020.- 112 б.

60. Иванов И. Социальное управление. – Москва: Высшая школа, 2001. – 221 с.

61. Исмаилова Ж. Миллий озодлик ҳаракатлари ва маърифатпарварлар // Жадид маърифатпарварлик ҳаракатининг ғоявий асослари.–Тошкент: Тошкент ислом университети, 2016.-Б.19–26.

62. Каланов К. Глобаллашув даврида миллий қадриятларнинг трансформацияси // Ижтимоий тадқиқотлар журнали.– 2019. – № 4.– Б.42–45.

63. Каланова С. Жамиятда авлодлар алмашинуви жараёнларининг социологик таҳлили. Монография. –Тошкент: Fan va texnologiya, 2018.– 74 б.

64. Карлоф Б. Деловая стратегия: концепция, содержание, символы / Перевод Горин О. – Москва: Экономика, 1991.–293 с.

65. Ключарев Г.А., Трофимова Г.А. Гражданское образование: в интересах индивида, общества, государств // Образование и наука в России: состояние и потенциал развития. Сборник научных трудов. – Москва: Центр социологических исследований, 2016. – С. 87–105.

66. Князький И.О. Император Диоклетиан и закат античного мира. – Санкт-Петербург: Алетейя, 2010. – 144 с.

67. Конт О. Дух позитивной философии: слово о положительном мышлении / Пер. с фр. Изд. 2-е. – Москва: 2011. – 80 с.

68. Константиновский Д.Л., Вознесенская Е.Д., Чередниченко Г.А. Молодежь России на рубеже XX-XXI веков: образование, труд, социальное самочувствие. –Москва: Прогресс, 2014. – 548 с.

69. Латипов Н. ва бошқ. Ёшлар социологияси. Дарслик. – Тошкент.– “VNESHINVESTPROM”, 2020. -123 б.

70. Лисовский В.Т. Социология молодёжи.–Санкт-Петербург, Изд-во Санкт-петербурского университета,1996.– 336 с.

71. Лупандин В.Н. Социология молодёжи: Учеб.пособие. -Орел: 2011. – 238-с.

72. Марказий Осиё мутафаккирлари. Абу Наср Форобий. – Тошкент: YANGI NASHR, 2011. – 78 б.

73. Матибаев Т. Ижтимоий ҳамкорлик – миллатлараро тотувлик ва динлараро бағрикенгликни таъминлаш воситаси. -Тошкент: Янги китоб, 2016. 156 б.

74. Маҳкамова Ш.Ю. Ёшлар сиёсатини баҳолаш миллий индексини аниқлаш бўйича услубий тавсиялар. –Тошкент, Yoshlar nashriyot uyi, 2020.- 51 б.

75. Мид М. Культура и преемственность. Исследование конфликта между поколениями / Культура и мир детства. Избр. произв / Пер.с англ. – Москва, 1988. – 348 с.

76. Минюшев Ф.И Социальная антропология.– Москва: Изд-во Международный университет Бизнеса и управления, 1997. – 87 с.

77. Молодёжь в России: Стат. сборник.– Москва: ИИЦ, Статистика России, 2010.–160 с.

78. «Молодежь Узбекистана: социальная активность духовность и нравственность, планы на будущее». – Ташкент: Центр изучения общественного мнения "Ижтимоий фикр", 1998–2008.

79. Муракаев И., Саифназаров И. Менежмент асослари. –Тошкент ТДИУ, 1998. – 48 б

80. Навоий А. Мажолис ул-нафоис. Т.13. – Тошкент: Фан, 1997. – 282 б.

81. Навоий А. Маҳбуб ул-қулуб. Муншаот. Вақфия. Т.14. – Тошкент: Фан,1998.–302 б.

82. Одегов Ю.Г. и др. Рынок труда и социальное партнёрство Хронограф, 1998. – С.83.

83. Ота-Мирзаев О.Б., Ганиева М.Х., Қаюмов У.К. ва бошқ. Молодежь независимого Узбекистана (социологическое исследование) // Ижтимоий фикр. –Тошкент, 2010. – 140 б.

84. Парманов Ф. Миграция, интеграция, трансформация. Монография – Тошкент: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2020.– 284 б.

85. Парсонс Т. Система современных обществ. – Москва: Аспект пресс, 1997. – С. 16-24.

86. Раҳимова Д., Бекмуродов М. Лидерлик ва ташкилот маданияти. – Тошкент: Академия, 2006. – 105 б.

87. Ртвеладзе Э.В., Саидов А.Х., Абдуллаев Е.В. Қадимги Ўзбекистон цивилизацияси. Давлатчилик ва ҳуқуқ тарихидан лавҳалар.–Тошкент: Адолат, 2001.–352 б.

88. Румянцева З.П. и др. Менеджмент организации. Учебное пособие. – Москва: ИНФРА-М, 1995.– 432 с.

89. Саидов У. Жамият маданий-маънавий ҳаётига таъсир қилувчи омиллар ва барқарор тараққиёт. - Тошкент: Akademiya, 2014. – 86 б.

90. Сеитов А.П. Социологическое видение восточной цивилизации: генезис и дальнейшие перспективы. Монография. - Ташкент: Изд-во Национальной библиотеки Узбекистана имени Алишера Навои, 2019. – 184 с.

91. Содиқова Ш.М. Бошқарув социологияси: Дарслик. – Тошкент: Akademiya, 2020. – Б. 47.

92. Социология молодёжи. / Отв. редактор В.Т.Лисовский. – Санкт-Петербург: Университет, 1996. – 361 с.

93. Социология молодёжи. Учебник. / Под. ред. В.Н.Кузнецова. – Москва: Гардарики, 2007.–335 с.

94. Социология управления: фундаментальное и прикладное знание / Отв.ред. А.В.Тихонов– Москва: Канон+РООИ реабилитация, 2014. 560 с.

95. Сунь-Цзы У-Цзы. Трактаты о военном искусстве–Москва: АСТ,2011.– 608 с.

96. Тейлор Ф.У. Принципы научного менеджмента / Пер. с англ. А.И.Зак. – Москва: Контроллинг, 1991. – 104 с.

97. Темур тузуклари. – Тошкент: Ўзбекистон, 2016. – Б. 88–89.

98. Тощенко Ж. Т. Социология управления: Учебник. – Москва: Центр социального прогнозирования и маркетинга, 2011. – 300 с.

99. Убайдуллаева Р.А., Ата-Мирзаев О. Узбекистан в зеркале общественного мнения. Монография –Ташкент: Iqtisod-moliya, 2016. – 351 б.

100. Убайдуллаева Р.А., Атамирзаев А.Б. Ўзбекистон ёшлари: ижтимоий қиёфа. – Тошкент: Ижтимоий фикр, ЎзР ФА Иқтисод институти, 2008. – 130 б.

101. Убайдуллаева Р.А., Ота-Мирзаев О.Б. Мустақил Ўзбекистон ёшларининг ижтимоий фаоллиги (комплекс социологик тадқиқот натижалари) // Ижтимоий фикр. Инсон хуқуклари. – Тошкент, 2000.– № 1-2 (9-10).-Б. 182 – 187.

102. Убайдуллаева Р.А., Ота-Мирзаев О.Б., Ганиева М.Х., Латипова Н.М., Максакова Л., Сусина Т., Рахимова Н., Карамян М.Х., Қаюмов У.К. Ўзбекистон ёшлари: ижтимоий қиёфа. –Ижтимоий фикр.-Тошкент, 2008. Б. 130.

103. Умаров А. Республика ахборот-кутубхона соҳаси: янгича талаблар // Халқаро конференция материаллари. – Тошкент, 2010. – Б. 9.

104. Файоль А. Общее и промышленное управление: Управление – это наука и искусство / А. Файоль, Г. Эмерсон, Ф. Тейлор Г. Форд. – Москва: Республика, 1992. – 349 с.

105. Хажински А. Гуру менеджмента / Пер. с англ. Н. Габенов, Ю. Каптуревский. – Санкт-Петербург: Питер, 2002. – 148 с.

106. Хайек, Фридрих Август фон. Дорога к рабству / Пер. с англ.– Москва: Новое издательство, 2005. – 264 с.

107. Холбеков А. Маънавий қадриятларни тиклаш, мустақиллик мафкурасини яратишда миллий кутубхоналарнинг ўрни ва аҳамияти // Республика илмий-амалий анжуман материаллари. – Тошкент, 2015. – Б. 363.

108. Чередниченко Г.А. Российская молодежь: от образования к труду (на материалах социологических исследований образовательных и профессиональных траекторий): Монография. – Санкт-Петербург, 2016. – 392 с.

109. Человек, индивид, личность. – Москва: ИНФРА – М., 2000. – 471 с.

110. Экономика и социология труда. Учебное пособие/ Под. ред. Б. Ю. Сербиновского и В.А.Чуланова. – Москва: Ростов-на-Дону» Феникс» 1999. – 232 с.

111. Ювеналогия и ювенальная политика в XXI веке: Опыт междисциплинарного исследования / Под. ред. Е.Слуцкого. – Санкт-Петербург: Знание, 2000. – 665с.

112. Ювеналогия и ювенальная политика в XXI веке: Опыт междисциплинарного исследования / Под. ред. Е.Слуцкого. – Санкт-Петербург: Знание, 2012. – 263 с.

113. Ўзбекистон тарихи.–Тошкент: Ўзбекистон Миллий университети, 2015. –117 б.

## IV. Диссертация ва диссертация авторефератлари

114. Абдуллаев А. Г. Жамиятни модернизациялаш шароитида ёшларнинг социал мобиллигини такомиллаштириш механизмлари: социология фанлари бўйича фалсафа (PhD) доктори илмий даражасини олиш учун тақдим этилган автореферат. – Тошкент, 2021.

115. Абылкаликов С. И. Роль миграции в формировании населения регионов России в конце XIX – начале XXI вв. Дисс. канд. соц. наук. – Москва, 2018.

116. Алешковский И. А. Детерминанты внутренней миграции населения в России: Дисс. канд. экон. наук. – Москва, 2007.

117. Арабов Н. У. Ўзбекистон Республикасида меҳнат бозори инфратузилмасини ривожлантириш самарадорлигини ошириш: иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун тақдим этилган автореферат. – Тошкент, 2018.

118. Димаев А. Р. Миграция населения: социальная сущность и влияние на общественные процессы в мире и в современном российском обществе: социологический анализ: Дисс. док. соц. наук. – Москва, 2009.

119. Ефимов Ю. Г. Миграция в современном политическом процессе: Дисс. док. полит. наук.–Москва, 2007.

120. Ионцев В.А. Международная миграция населения: Закономерности, проблемы, перспективы: Дисс. док. экон. наук.–Москва, 1999.

121. Пармонов Ф. Миграция жараёнлари: трансформацияси ва интеграциялашув тенденциялари. Социология фанлари доктори илмий даражасини олиш учун тақдим этилган автореферат.-Тошкент, 2021.

122. Расулова Д. Бозор муносабатлари тизимида ишчи кучи миграциясининг назарий-услубий асосларини такомиллаштириш: иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун тақдим этилган автореферат.- Тошкент, 2010.

123. Тракова Е. В. Внутренняя миграция населения в КНР в ходе экономических реформ (2000-2016 гг.): Дисс. канд. экон. наук. – Москва, 2018.

## V. Илмий мақолалар

124. Абдувалиев Ф. Мигрантларнинг таълим муҳитига мослашуви: социологик таҳлил. Ижтимоий тадқиқотлар журнали 1-махсус сон.-2021.94 б.

125. Бекмуродов М. Ўзбек менталитети. – Гулистон, – 2001. 3-сон.

126. Бекмуродов М. Ички миграцион мобилликни институционал бошқаришда урбанизациянинг аҳамияти./ Жамият ва бошқарув.–2020. 1-сон. 14-120 б.

127. Бондаренко В.В., Танина М.А. Управление интеллектуальным потенциалом работающей молодежи на региональном рынке труда Известия высших учебных заведений. Поволжский регион // Общественные науки. – 2010. – № 4. – С. 85-92.

128. Бондаренко С.В. Идеальное государство сквозь страницы истории Древней Греции обще юридический дискурс // Вестник Нижегородской академии МВД России, 2013. – № 22. – С. 82.

129. Бухарцева Н.Г. Интеллектуальный потенциал современного человека: структура и пути формирования // Педагогическое образование в России. – 2014. – № 1– С. 30-35.

130. Вовканыч С.И., Парфенцева Н.А. «Социальный интеллект» метафора или научное понятие//Социологические исследования.–1993.–№8.– С.151- 154.

131. Bell, M., Bernard, A., Charles-Edwards, E. and Yu Zhu ed. (2020). Internal migration in the countries of Asia: a cross-national comparison.

132. Инамава Н. Мамлакатда ишчи кучи миграцион ҳаракатлари холати ва ўзига хос ҳудудий муаммолар.// Ижтимоий тадқиқотлар журнали.-2020. №3. 134 б.

133. Кучаров Ш. Ташқи миграция – бугун ва эрта: таҳлил ва муносабат. // «Экономическое обозрение» журнали -2021. №7.

134. Карас В.И. Образ абсолютного правителья в трактате "Государь" Николо Макиавелли // Международный журнал гуманитарных и естественных наук. – Санк-Петербург, 2016.

135. Мангейм К. Проблема поколений // Новое литературное обозрение. – 1998. – №2(30). – С.18.

136. Мертон Р.К. Социальная структура и аномия // Соц. – 1992. – № 4. – С.91– 96/

137. Максакова Л., Қодирова З. Ўзбекистондаги миграция жараёнларининг ривожланиш ҳолати ва янги тенденциялари. Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги ахборотномаси – 2021. № 2.

138. Скелдон Р. Доклад о миграции в мире 2020 - IOM Publication.

139. Серкина Н.Е. Теория бюрократической рационализации Макса Вебера и её вклад в парадигму индустриального общества // Вестник Волгоградского государственного университета. – 2017. – Сер.7. – Т. 16. – №1. – С.16 -17.

140. Скворцов Н.Г. Роль современного университета в развитии региона: социально гуманитарные аспекты//Гуманитарий Юга России 2015.–№3. 28-35 с.

141. Слободчикова И.В., Боджаева В.В. Интеллектуальный потенциал молодежи как фактор развития экономики региона // Фундаментальные исследования. – 2015. – №111. – С.199-202.

142. Сухарев М.В. Когнитивные процессы в локальном сообществе // Труды Карельского научного центра Российской академии наук. – 2012. – № 6. –С. 29-33. The Chronicle of Higher Education. – 1985. – N 3. – P.22.

143. Уэйн Дж. Зимой в горах//Иностранная литература.–1972.–№5.–С.235.

144. Пармонов Ф. Миграция мезони ва урбанизация//Адолат–2020. №18.

## VI. Интернет манбалари

145. https://president.uz

146. www.lex.uz

147. www.ziyo.net.uz

148. http://www.isea.ru/russian/structure/acad/phil/kurs/phil04.htm

149. http://scvr.samode.ru/edu/dist/socio_work/market.html

150. http://www.cep.tomsk.ru/sir1.html

151. http://www.sinor.ru/~ranger/Socis.html

Мўминов Зокиржон Одилжонович

# ИЧКИ МИГРАЦИЯ ЖАРАЁНЛАРИДА КАСБИЙ МОБИЛЛИКНИНГ ҲУДУДИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

Мухаррир: Алижон Жўраев

Техник Мухаррир: Жумабаева Нодира

Бичими 60x84. Хажми 9.0 босма табоқ.
Офсет усулида босилди. Буюртма – 106.
Адади 100 нусха.

«Усмон Носир Медиа» нашриёти
Наманган шахри, Навоий кўчаси 36
Нашриёт литцензия рақами AI - 007
2018 йил 20-июлда берилган.

---

**“Фазилат оргтех сервис”** хусусий корхонаси
Босмахонасида чоп этилди.
Манзил:Наманган ш. Амир Темур кўчаси 97-уй.
Tel: (+998) 91-363-86-87, (+998) 97-256-87-86



ISBN 978-9910-743-02-3